

84. 11.

Э-78-

ЭРК
САДОСИ



ЭРК САДОСИ



ЎзССР Давлат бадий
адабиёт нашриёти
ТШОШКЕНТ 1962

2

«Эрк садоси» номи билан нашр этилган бу тўпламда Гана ёзувчиларининг ҳикоя, шеър ва эртакларини ўқийсиз.

Мустамлака қуллиги занжирини улоқтириб ташлаган ёш Гана республикасида бундай тўпламнинг биринчи марта нашр қилиниши. Гана республикаси каби, асар авторларининг ҳам кўпчилиги ёшлардир.

Тўпламдаги асарлар мазмундорлиги ва ранго-ранглиги билан диққатга сазовордир. Унда ватанпарварлик, мустақиллик, эркинлик, тинчлик ва дўстлик учун кураш асосий ўринни эгаллайди. «Дейли Таймс» газетаси бу «Тўпламдаги ҳар бир асарда ҳақиқий турмушнинг ўзи, Африка қитъасининг ўзи акс эттирилган» деб ёзган. Дарҳақиқат, китобдаги шеър ва ҳикояларда янги ҳаёт ва янги ҳиссиётлар ўз ифодасини топган. Тўплам мустақиллигини қўлига олган халқнинг ҳақиқий «Эрк садоси»дир.

Эрк садоси. (Тўплам).
152 бет.
1962

Т. Узадабийнашр,

Голоса Ганы. Сборник.

1957 йилнинг 6 мартда Англиянинг собиқ мустамлакаси Олтин Қирғоқда мустақиллик эълон қилинди. Мамлакат ўзининг Гана деган қадимий номини қайта тиклади ва парламент биноси пештоқида беш қирра қора юлдузли қизил-сарик, кўк ранг миллий байроқ ҳилпирай бошлади.

Мамлакат тўрт ярим асрдан бери мустамлакачилар зулми остида эзилиб, таланиб келди. Гана дастлаб Португалияга, сўнгра Голландияга, XVIII асрдан бошлаб, Англия мустамлакачиларига «олтин қирғоқ» ҳисобланиб келди. Мустамлака аҳолисининг машаққатли меҳнати эвазига олинган олмос ва олтинлар, марганец ва каучуклар, какао ва ёғочлар ажнабий компанияларга беҳад фойдалар келтирарди. Маҳаллий халқнинг қисмати қоронғилик, ҳуқуқсизлик ва очликдан иборат эди. Мустамлакачилар Ганада миллий маданиятнинг ривожланишига тиш-тирноқлари билан тўсқинлик қилар эдилар. 1948 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларига кўра, бошланғич маълумотларни ҳам ҳисобга қўшганда, мамлакатда атиги тўрт процентгина саводхонлар бор экан. Бу ҳол империалистларнинг «цивилизаторлик миссия»сининг даҳшатли яқунларидан бири эди.

Мустамлакачилар «туземлар»нинг ҳатто ўз миллий адабиётларига эга бўлишларини ҳам инкор қилиб келдилар. Ҳолбуки, Гана халқининг оғзаки адабиёти жуда бой эди. Га-адангме халқининг бадий жиҳатдан пишиқ афсоналари бутун Африкадаги энг мароқли асарлардан ҳисобланади. Олтмиш мингдан ортиқ бўлимга эга бўлган «Клама» номли ажойиб ашулалар циклини ҳам шу халқ яратган. «Клама» ашулалар цикли тўрт юз йил давомида оғиздан оғизга ўтиб келмоқда. Ҳозирги даврда бирор байрам ё тантана йўқки, бу ашулаларсиз ўтсин.

Фанти халқи ўзининг кўпгина қадимий афсоналарига эга. Мана улардан бири. Ер юзида энг биринчи пайдо бўлган инсон Ананси дунёдаги ҳамма ақлни ўзига йиғиб олмоқчи бўлибди. У узоқ вақт юртма-юрт кезиб, ниҳоят ақл тўлдирилган катта бир хумчани кўтариб уйига қайтибди-да, бошқалардан қизганиб дарахт тепасига яширмоқчи бўлибди. У хумча билан зўрба-зўр юқори кўтарилар экан, буни кўрган ўғли: «Хумчани бўйнингизга осиб олинг, дада, шунда осон бўлади», деб маслаҳат берибди. Ўғлининг маслаҳатини эшитиши ҳамон Ананси: «Мен ҳамма ақлни йиғиб олдим, деб ўйлаган эдим, ҳолбуки мендан ҳам ақлли одам бор экан», дебди. У шундай дебди-ю, хумчани чилпарчин қилиб синдириб ташлабди. Шундан кейин ақл бутун ер юзига тарқалиб, барча учун умумий бўлиб қолган экан...

Маълумки, хаузнинг кўчманчи қабиласининг кўпгина аъзолари чакана савдо билан шуғулланадилар. Африкалик бу атторлар юртма-юрт юриб алоҳида қўшиқлар тўқийдилар. Африканинг бошқа шаҳарларидаги каби Ганада ҳам кенг тарқалган «Дўмбира поэзияси» жуда ажойибдир. Маҳаллий дўмбира—там-тамнинг турли оҳанглари асосида яратилган шеърлар мамлакатнинг барча районларига жуда кенг тарқалган.

Асримизнинг 20-йилларидан бошлаб мамлакатда миллий адабиёт намуналари вужудга кела бошлади.

Музика ва адабиётшунос Ефраим Аму тви тилида ашулалар яратди. Ўз мавқеи билан миллий гимнга яқин турувчи «Бу — бизнинг ватанимиз» номли машҳур шеър ҳам унинг қаламига тааллуқлидир. Мана унинг биринчи тўртлиги:

Шу ер менинг она ватаним,
Боболардан бебаҳо мерос.
Ғанимлардан сақламоқ учун
Жон олиб, жон берганлари рос!
(Гадиял Аккуа ёзиб олган).

Акках ҳозирги Гана ҳақида қатор романлар ёзди. Унинг асарларида оилавий муносабатлар масаласи ва қисман ижтимоий проблемалар акс этган. Ўз асарларини чви тилида ёзувчи Акрофининг ижоди фольклорга яқин туради. У ёзувчи Небоа билан ҳамкорликда ҳозир мамлакат мактабларида кенг ўрганилаётган кўпгина халқ эртаги ва афсоналарини ёзиб олди.

Шуни эътироф қилиш керакки, мамлакат пойтахти Аккра радиостанцияси ҳозирги замон Гана адабиётининг оммалашишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳар якшанба куни радио орқали махсус программада миллий адабиёт намуналари — шеър, поэма ва ҳикоялар ўқиб эшиттирилади. Янги авторларни жалб қилиш соҳасида ҳам Гана радиоси дуруст иш олиб бормоқда. Масалан, 1958 йили энг яхши радиопьесалар учун конкурс эълон қилинди ва бу конкурсга мамлакатнинг ҳар томонидан қирққа яқин асар келди.

Ганада жуда кўп тил ва шевалар мавжуд. Табиийки, бу ҳол маданий тараққиётга халақит беради. Шу сабабдан ҳам ягона миллий тил масаласи кўтарилаётган бўлса-да, ҳозирча бу масала амалий ҳал қилингани йўқ. Умумий давлат тили вақтинча инглиз тилидир. Шу билан бир қаторда, асосий миллий тиллардан ашанти, фанти, эва, тви, ган, хауза, нзима тиллари ҳам ўз

навбатида тараққий этиб келмоқда. Бу тилларнинг ҳар бирида ҳафталик журнал чиқарилади ва радио эшитириш берилади. Бу тилларнинг луғат бойлиги аста-секин ошиб бормоқда. Бироқ, мамлакатнинг кўпчилик ёзувчилари ўз асарларини ҳали ҳам инглиз тилида ёздилар.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши Гана маданиятининг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Ёш республикада билим ва китобга бўлган интилиш бениҳоя катта. Бошланғич ва ўрта мактаблар тармоғи тобора кенгаймоқда, бир қанча техника ва педагогика ўқув юртлари ташкил қилинган. Ҳозир умумий болаларнинг 65 проценти мактабда ўқийди. Гана шароитида бу катта ғалабадир. Ҳозирги вақтда Африка қизларининг мактабларда ўқишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мамлакатда катталар ўртасида саводсизликни тугатиш учун кураш олиб борилмоқда. Кўпгина районларда кутубхоналар ташкил қилинмоқда; эндиликда китоблар мамлакатнинг энг чекка жойларигача етиб бормоқда.

Халқ билан ҳамнафас бўлиш, уни эрк ва тараққиёт нуридан баҳраманд қилиш имкониятига эга бўлган Гана миллий адабиётининг келажаги порлоқ. Гана адабиёти, ўзининг халқ олдидаги асосий бурчи ва маъсулиятли вазифасини тушуниб етган кўплаб янги кадрлар ҳисобига бойиб бормоқда. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференцияси қатнашчиси, ёш ёзувчи Камерон Дуоду Гана адабиётининг ёш авлодлари тўғрисида: «Бизнинг буюк донишмандимиз Аггрей: «Африкаликлар учун фақат энг яхши нарсаларгина муносибдир» деган эди. Бу хил қараш Гананинг кўпгина ўғлонларига ҳам хосдир. Улар ҳам худди мен каби империализм зулми асоратида кўпдан эзилиб келган халқ қалбини чуқур акс эттиришга бел боғлаганлар», деб ёзади.

Гана адабиётчилари учун «Журналист-ёзувчилар бирлашмаси» тузилган бўлиб, унга саксонга яқин киши жалб қилинган. Бундан ташқари, пойтахтда Гана, Нигерия ва Сьерр-Леон адабиёти вакилларида иборат «Ғарбий Африка бюроси» ҳам бор. Мамлакатнинг адабий ҳаётида «Ганачилар» номли янги журнал катта роль ўйнамоқда. У миллий адабиёт тарғибчиси.

Ахборот ва радио эшиттириш министрлиги томонидан 1958 йили Гана шоирлари ҳамда ёзувчиларининг шеър ва ҳикоялари тўпламининг нашр қилиниши, мамлакатнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Қитоб ҳақли равишда «Эрк садоси» деб номланди. Унга қирқдан ортиқ ёзувчиларнинг асарлари киритилган. Уларнинг кўплари ёшлардир. Авторлар орасида Тошкент Конференциясининг икки иштирокчиси: Эфуа Теодора Сатерленд ва юқорида номи тилга олинган Камерон Дуодулар ҳам бор.

Бундай тўплам Ганада биринчи бор нашр қилиниши. Қитоб, авторлари ва тақдим этилган асарларининг тематик бойлиги билан ҳам жуда қизиқдир.

«Мустақиллик ўзининг дастлабки адабий намуналарини берди,— деб ёзган эди Лагосда чиқадиган «Дейли Таймс» газетасининг танқидчиси.— Бу китоб курашаётган барча халққа: «Мана бизнинг адабиётимиз нималарга эришди, хўш, сизнинг муваффақиятларингиз қани? деяётгандай бўлади. Бу барча соҳилларни (яъни Ғарбий Африка — Ю. Б.) уйғотиб адабий жонланишга ундовчи яхши ташаббусдир».

Албатта тўпламга кирган асарларнинг кўпчилиги бадий етук бўлмаслиги мумкин. Аммо, шеър, ҳикоя ва очеркларнинг асосий қисми уларнинг авторларида ўз ватанларининг мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг ёрқин келажаги учун курашга интилиш кучлилигидан далолат беради. Гана адабиётига ижтимоий масалалар

тобора активроқ кириб бормоқда. «Дейли Таймс» газетаси ҳақли равишда: «Тўпламдаги ҳар бир асарда ҳақиқий турмушнинг ўзи, Африка қитъасининг ўзи акс эттирилган», деб ёзди. Китобдаги шеърларда янги ҳаёт ва янги ҳиссиётлар ифодасини топган. И. К. Хоннинг «Қасам» шеъри ватанга содиқлик қасамёдидир. Жойс Аддонинг «Ватанпарварлик» деб аталган шеърида ватанга нисбатан ҳақиқий садоқат туйғулари жаранглайди. Автор бу асарида озодликни эълон қилган шахслар ҳақида, ўз жонфидолиги, қаҳрамонлиги билан ватан тарихидан ўрин олган кишилар ҳақида мамнуният билан куйлайди.

Гана адабиётининг каттагина қисми тинчлик ва халқлар дўстлигига бағишланган.

Ҳозирги замон Гана адабиёти, проза жанрига нисбатан поэзиянинг катта ўрин тутиши билан характерланади. Очерк Гана ёзувчилари севган жанрлардандир.

Тўпламдаги эртаклар ҳаёлий воқеаларнинг ҳаётӣ воқеаларга боғланиб кетиши билан характерлидир. Эртакларда яхшилик тантана қилиб, ёмонлик қораланади.

Совет халқи мустамлака қўллиги занжирини парчалаган Гана халқига зўр ҳурмат ва хайрихоҳлик билан қарамоқда. Халқимиз Гана давлати, халқининг ҳаёти ва маданиятини зўр қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Ушбу тўплам совет китобхонларига ҳозирги замон Гана адабиёти ҳақида маълумот бериш соҳасида биринчи қадамдир.

Ю. Басистов



Жойс Аддо

ВАТАНПАРВАРЛИК

Фахрланмай бўлурми
Сен-ла севимли Ватан.
Сенда ўсдим, тупроғинг
Менга эзгу жону тан.

Бир юртсанки, қўйнингда яшаб ўтган
аждодлар.
Бир юртсанки, бағрингда камёб
бойликлар ётар.

Кечаги эркисизлик-ла
Қурашган мард элларни,
Унутиб бўлардим
Қўрқув билмас шерларни
Элга ўз ҳаётини баҳшида қилиб улар,
Бизга эрк келтиришган, бизларга иқбол
кулар.

Турли юртдан келишди
Қутлаб бу элимизни,
ООНга аъзо бўлиб
Қирган-чун Ганамизни.

Ҳилпирар қизил, сариқ яшил ранг
 бизнинг байроқ,
 ООН биноси узра — муносиб жойда
 бу чоғ.

Фахр этамиз қора тан
Бизнинг ўз миллатимиз-ла.

Соғлом, қудратга эга

Элү элатимиз-ла.

Бўлса агар сафлар зич, бўлса эллар
якдил, бу —

Эрк йўли, гуллаш йўли, яшаш йўли
бекайғу.

Тинчликка орзуманддир

Барча эл, барча одам.

Шу мақсадда бирлашур

Барча ирқ, бутун олам.

Тенгдошлар-ла тенг бўлмоқ эзгу
хуқуқимиз бор

Боболар айтган сўзи янграр, бу дам
улуғвор.

Неки бұлса йўқолди,

Ортга қайтмагай кушод.:

Ватанга содиқлик-чун

Қилади эл қасамёд.

Янгидан яралмоқни келтирар бу дам
замон,

Қелажақ бахт ишончи мустаҳкам метин
ҳар он.





Эфуа Теодора Сатерлэнд

КЪАЕРЕФАСОДА ЯНГИ ҲАЕТ БОШЛАНДИ

Биз ҳикоямизни къаерефасолик бир қиздан бошлаймиз.

Уни ҳамма Форува деб чақирарди, у қироличанинг қизи бўлиб, оҳуга ўхшаш жуда хушқад эди. У доим бошини тик тутиб енгил юрар, шўх кўзлари эса бир нарсадан тааж-жубланаётгандек катта очилиб турарди.

Форуванинг бутазордаги ариқ ёқалаб оҳу каби сакраб-сакраб юришини кўрган киши ундан ҳеч кўз узолмас, ёнидан ўтган ҳар бир киши қайта қарамасдан иложи йўқ эди. Ҳам-қишлоқлари Форуванинг овози бамбукзорлардаги ариқчаларда оқаётган тип-тиниқ сувнинг ёқимли шилдирашига, жилмайиши эса очилаётган нилуфарга, гоҳ қуёшнинг кулиб чиқишига ўхшайди дейишарди.

Капалаклар ҳеч вақт гулларни тарк этмайди, аксинча, унинг атрофида парвона бўлгани-бўлган. Форува ҳам шундай гуллардан эди.

Қишлоқ йигитлари худди капалаклар гулга парвона бўлганидек, Форувага яқинроқ туришга, қандай бўлмасин унинг кўзига тез-

тез кўриниб юришга уринардилар. Йигитларнинг ҳар бири ўзларича «у албатта меники бўлади» деб ўйлар, баъзилари эса очиқдан-очиқ айтиб юрарди.

Тонг отиб, қуёш ботар, кумушдек ой чиқиб яна қайтиб кетар, кунлар ўтган сари Форуванинг ҳуснига тобора ҳусн қўшилиб борарди. Аммо у ҳеч кимга турмушга чиқмасди. У, капалакка ўхшаган бетайин йигитларни мазах қилиб кулар ва дуч келганларида бепарволик билан:

— Салом, Квеку! Салом, Квези! Салом, Кодво!— деб саломлашарди, холос.

Йигитлар уни: «Димоғдор!»— дейишарди-ю, аммо Форувани кўрганларида юраклари шигиллаб кетганини билмай қолишарди.— Димоғдор... Бунинг устига жудаям ғалати-я! Лекин унинг кеккайиши ҳеч кимни ёқтирмаслигиданми ё қишлоқдаги қизлардан ўзини юқори олишиданми, хуллас йигитлар ўйлаб ўйларига етолмасдилар.

Куз келиб, какао, жўхори ва бататлар йиғиштириб олинди, байрам ва тўй мавсуми бошланди. Асафо қабиласининг жангчилари ҳам байрамларини бошлаб юборишди. Қишлоқ шовқин-суронлар, варанглаган отишмалар ва хушчақчақ ашулалар билан тўлди. Таштанали маросимлар тугаб, бахт изловчиларнинг ҳаммаси қироличанинг уйи томон оқа бошлади. Аёллар эркакларни ўраб олишди. Улар худди ўйинга тушаётган кишидек, кийимларини ҳилпиратиб борардилар.

— Қаранглар! Мана бу баҳодир йигитларга қаранглар-а!— деган овозлар янгради. Улар қоплон сингари кучли ва чаққон бўл-

гани учун душманга қўрқмасдан ҳамла қилишибди. Илгарилари дўмбира ва гортларнинг душманни «эҳтиёт бўл» деган огоҳлантирувчи садоси эшитиларди. Аммо, ҳозир тинчлик. Энди қон тўкишлар, ўқ товушлари йўқ.

Қиролича турган уй атрофини ғалаговур босиб кетди. Бутун қишлоқ аҳолиси бу ерга асафо жангчиларини зиёрат қилиш учун келганлар.

— Жим, жим бўлинглар!— дея асафо раҳбари ғовур-ғувурни босди.— Қироличамиз келяптилар. Йўлларига поёндоз ёзингиз, бошидан кумуш тангалар сочингиз, чунки у, тинчлик посбонимиздир.

Мана, сарвқомат, ғўзал қиролича келиб жангчилар олдида тўхтади, ҳамма сукут дарёсига фарқ бўлди.

— Қандай хушхабар келтирдингиз?— деб сўради у.

— Она, тикан кириб қора қонга беланган оёқларимиз билан сенинг олдингга чарчаб, ҳориб, чангга беланиб келдик, биз жонга роҳат бағишловчи муздек оқар сувингда салқинлаб баҳра олгани, янги ҳаёт қургани келдик.

Қиролича сипиётган хизматкорлар ўртасида товусдек ғўзал қомати билан керилиб турарди. Хотинлар унинг атрофини ўраб олишган эди.

Жангчилар бирин-кетин келишиб, қуроллари унинг оёғи тагига ташлашди. У яна гап бошлади:

— Эҳ, қандай яхши-я. Қуроллар улоқтирилди, урушнинг мудҳиш даҳшати тинди. Бундан кейин қўлингиздаги қурол ақл ва меҳнат бўлсин. Ҳой, хотин-қизлар, ҳаммангиз бу ёққа

келиб, эркаклар билан ўйинга тушинглар, улар янгича ҳаёт бошлашга аҳд қилишибди.

Фақат битта қиз, у ҳам бўлса, Форува ўйинга тушмади.

— Форува, сенга нима бўлди?— деди қиролича унга қараб.— Наҳотки сен ўйинга тушишни хоҳламасанг? Ўйнаб-кулсанг-чи, эркакларга қара, улар ҳадеса қуролни пеш қилиб: «Биз — эркакмиз, биз — эркакмиз» деб мақтанишдан безор бўлдилар. Энди улар сидқидилдан меҳнат қилишади, оёқларига тикан кириб, қонга беланади, баданларини чанг босади, энди: «Мен Ватанимни севаман» деган қуруқ мақтанчоқликни йиғиштирадилар. Ота-боболаридан қолган харобаларда қузғунга ўхшаб ўтириш уларни зериктирди. Ўйинга туш, Форува, тушавер!

Аммо Форува:

— Ойижон, мен уни бу ердан тополмаяпман,— деди.

— Қимни? Қимни тополмаяпсан? Айт, қизим?

— Бу янгича ҳаётни бирга бошлашим керак бўлган одамимни. Ойижон, у бу ерда йўқ. Бу одамларининг қиёфаси ҳеч нарсани, мутлақо ҳеч нарсани ифода қилмаяпти.

— Оҳ, Форува, Форува! Энди нима қиласан, қизим?

— Ойижон, топдим дегунча югуриб олдингга келаман, ўшанда қайғуришининг хожати бўлмай қолади.

— Ўйлаб кўр, Форува!— қиролича, гарчи қизининг қалбини яхши билса ҳам қаттиқ туриб талаб қиларди,— Эсингни таниганинг-

га беш йил бўлди, қизим. Дугонанг Маанам турмушга чиқди, Эсий ҳам турмушга чиқди, ахир ҳаммаларинг катталар маросимидан бирга ўтардинглар-ку.

— Тўғри, ойижон, улар турмушга чиқишган, чиқишса нима қилибди, улар олдин чаққон ва қувноқ эдилар, ҳозир эса маъюс бўлиб, кўзлари нурсизланиб, хиралашиб қолди. Буларнинг ҳаммаси эрларининг кунни бўйи пальма виносини ичиб, манго дарахти тагида дамка ўйнаб ётишларининг оқибати. Ишқилиб улар бошқа хотин олиш пайига тушишмаганмикин? Ойижон, ахир, излаганим бу ерда йўқ деяпман-ку!

Бу гапларни бир ёш йигит эшитиб олган эди. Форува билан ойиси ўртасидаги бу сир тезда ҳаммага ёйилиб кетди. Ўша кунни кечқуруноқ қишлоқдагилар йигитларни хоҳламай яхши эр қидираётган афсонавий бир қиз ҳақида янги қўшиқ яратишди. Ниҳоят у қиз ўз қидирганини топибди. Унинг эри саркардаларга ўхшар ва унга қараш кишига роҳат бағишларкан, аммо у бирдан аждаҳога айланиб, хотинини ютиб юборар экан.

Ўша кундан бошлаб қишлоқда Форува билан гаплашгиси келмайдиган, ҳаттоки, у билан тўқнаш келган вақтда очикдан-очик юз ўгириб кетадиган одамлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Мана, ниҳоят кўпдан кутилган кун ҳам етиб келди. Форува уйга келди-да, ҳовлига кириб тўсатдан тўхтади. Унинг кетидан бақувват, баланд бўйли, келишган бир бегона йигит ҳам кириб келди. Форува ҳайрон бўлиб қолган онасига мурожаат қилди:

— Ойижон, мана менинг узоқ вақт ахтариб юрган кишим.

Қиролича қаршисида турган бегона кишига шошилмай назар ташлагач:

— Донолигинг сумбатингдан аён бўлиб турибди. Табриклайман, ўғлим. Хўш кимсан, ўзингни танит?— деди.

— Салом, она,— деди йигит хотиржам жавоб қилиб.— Мен ишчиман. Икки билагимдан бошқа ҳеч қандай бойлигим йўқ, мен сенга фақат икки билагимдаги кучимнигина ҳадя қилишим мумкин, мен ҳар хил мамлакатларга саёҳат қилдим, у ерларда одамларнинг қандай яшаётганликлари ва қандай ишлаётганликларини ўргандим, мен ўзим билан шу ўрганганларимни олиб келдим. Билагимда кучим бўлса бор. Бор-йўқ тарихим мана шу.

Қиролича Форувага розилик берди. Бу хабар қишлоқдагиларнинг ғазабини қўзғатди. Фарува ойисининг қандайдир келгинди бир ишчини ўғил қилиб олиши одамларни ҳайратга солди, улар ич-ичидан суюниб:

— Ундай гердайганларга бу ҳам кам,— дердилар.

Бироқ бу фикр узоқ бормади. Қъаерефасо аҳолиси Форуванинг эри ҳақидаги фикрларидан жуда тез қайтдилар.

— Бу одам ўзи ким,— дерди баъзилар,— биз билан бирга яшагани келибди. Нима учун у энг оғир ишларни ашула айтиб бажаради, нима учун унга меҳнат қувонч бағишлайди, нима учун унинг ҳамма нарсаси бадастир?

— Қаранглар,— деб такрорларди бошқалари,— унинг меҳнати туфайли ер қандай ҳосил бераётир!

У гишт қуйиб уй қуриб олди. Қурган уйининг қишлоғимизга ҳусн бериб туришини кўрини.

Қўли гул одам экан, сават дейсизми, сумка дейсизми, стул дейсизми — ҳаммасини ўзи ясапти-я.


Болаларимиз унинг олдидан кетмай қўйинди, унинг қилаётган ишини завқ билан томоша қилишгани-қилишган-а.

Буни кўрган қишлоқ эркаклари кун бўйи манго дарахти тагида ўтиришни ўзларига эп кўрмай қолишди.

— Форуванинг эрининг ишлашини қаранг-лар!— деб шивирлашар эди улар.— Ахир, киндик қонимиз шу ерга тўкилган бўлса-ю, у қилган ишни биз қилолмасак...

Улар бирин-кетин Форуванинг эри билан гаплашиш, айниқса, ундан ўрганиш кўйига тушиб қолишди. Меҳнат қиладиган эркаклар секин-аста кўпая борди, ердан шундай кўп ҳосил оладиган бўлдиларки, бундай ҳосил илгари ҳеч қачон битмаган эди. Ҳар бир оилага бахт кулиб боқди, айниқса хотин-қизлар бир оз эркин нафас ола бошладилар. Улар ҳосилни йиғиб-териб олишда эрларига ёрдамлашардилар.

Қишлоқни кўтаринки руҳ, ижодий меҳнатнинг қувончли кайфияти қоплади. Наридан-бери қурилган эски кулбалар бирин-кетин йўқолиб, ўрнига Форуванинг эри қурган уйга ўхшаш баланд-баланд муҳташам бинолар қад кўтара борди. Къаерефасо қишлоғи худди янгитдан бунёдга келганга ўхшарди. Одамлар тубдан ўзгарди, улар энди ўз қадрларини билиб олдилар. Энди улар ердан факатгина бу-



гунги кунга етарли ҳосил олиш билан қаноатланиб қолмайдиган бўлдилар. Йўқ, улар энди ерга бошқача кўз билан, жон куйдириб қарардилар, уни ўзларининг ва болаларининг ҳаёти учун зарур бўлган ажойиб жойга айлантиришга онгли равишда киришдилар.

Яна байрам келди. Лекин энди қон тўкилмайди.

«Ота-боболаримиз бу ерни ўзларининг қонлари билан сақлаб қолдилар, биз эса ўзимизнинг кучимиз ва онгимиз билан бу муқаддас ерда янги, фаровон ҳаёт қурдик». — Хурсанд ва бахтиёр эркак, аёл, бола-чақа ана шундай куйларди.

Улар моҳир қўллари билан ясаган нарсаларини ва мева-чевалар, сабзавотларни баркашларда кўтариб борардилар. Катта-катта оқ ёғоч идишларда шода-шода сариқ, кўк бананлар, бақлажонлар, памидорлар қуёшда ярқирар эди. Апельсинлар, бататлар, жўхори-лар ярақлаган мис баркашларда лиқ тўла. Болалар ҳам катталар ичида ўзлари ясаган ҳар турли нарсалар — бўйраларни, саватларни, ўйинчоқларни мағрурона кўтариб борардилар.

Қиролича ҳозиргина шивалаб ўтган ёмғирдан кейин кўм-кўк бўлиб яшнаб кетган янги майдон томон бораётган одамларни қувонч билан кузатиб турарди. У одамларнинг ўйинига завқ-шавқ билан тикиларди. Қиролича қувончга тўла одамлар орасида бошида каттакон баркаш кўтариб, завқ билан ўйин тушаётган қизи — Форувани қидириб топди-ю, ичидан офтоб чиққандай қувониб кетди. Тўда ичида Форуванинг эри кўриниб қолди, у қўли-

да оқ қўзичоқ кўтариб бошқалар билан бирга барала куйларди. Тантанали юриш қироличанинг уйига оқиб борарди.

Саркарданинг:

— Халойиқ, қаранглар!— деган хитоби гулдуради.— Қаранг! Қишлоғимизнинг энг фозил аёли турибди, у бизни кутяпти. Устимиздаги чанг-гардимизни жилдираб, биллур кабинини оқаётган тинчлик чашмаларида ювамиз. Еримизда етилган мевалардан олиб боринг, муборак қўлингиз билан меҳнат намуналарини тортиқ қилинг. Жим! Мана, бизнинг қироличамиз — тинчлик енгил одим отиб келяпти.





Либрехт Хесс

ТИНЧЛИК

Тинчлик — элга бахт қилар бунёд,
Тинчлик — қалбга берар жўшқинлик кушод,
Ва бахт эрур халққа шон билан шуҳрат.
Қўзғалмасин бошда дафъатан бало,
Қўрқувдан титрайди ҳар чиққан садо...
Уйимизга тинчлик қайтиб кел фақат.
Тинчлик — ер-самога ўзинг хўжайин,
Халос қил даҳшатдан элни кун сайин.
Эркин нафас олсин бечора инсон.
Осий фарзандларни тинчлик, кечиргил,
Эй тинчлик қил карам, чорлашур, келгил,
Даҳшатли атомлар даврида бу он.

Орага неки гов солса батамом —
Итқитгил даҳшатли тўфонли айём.
Шон-шараф йўлларин очиб бер буткул.

Қалбимиз тўлиқдир орзуга чиндан:
Тинчликнинг баҳори келар тез кунда,
Бизга бахт, осойиш бахш этиб нуқул.



Ричард Бентил

АМА СЕП ЙИҒАДИ

Улар Ачимота мактабининг жануб томонидаги кичкина қишлоқда яшардилар. Қишлоқнинг номи ганача Анитле бўлиб, «Қўнғироқ эшитилиб турибди» деган маънони билдиради. Бу эр-хотин ва кечагина ўн саккиз ёшга тўлган Ама исмли қиздангина иборат оддий оила, икки хонали кичкинагина уйда туришарди. Маҳаллада бундай уйлар бир нечта, улар ҳаммаси дарахтлар орасига жойлашган.

Оила бошлиғи — ота устахонада ишлар, она билан қиз эса харидоргир таомлар пишириб, қишлоқдагиларга сотишарди.

Дакангхўрозлар ҳозиргина иккинчи марта қичқирди, ҳадемай тонг отади. Ҳамма ёқни шундай қуюқ туман босадик, ҳатто уч-тўрт қадам наридан ҳам ҳеч кимни кўриб бўлмайди. Ама аллақачоноқ туриб, ганаликларда одат бўлган коэ-коэ бўтқасини тайёрлаш учун қозонга олов ёққан. Бир соатдан кейин катта сопол қозондан буғ кўтарилиб, иштаҳани қўзғатувчи ёқимли ҳид тарқатади, бўтқа тайёр бўлганлигидан дарак беради.

Пизанги ниҳоятда усталик билан уч бурчак, тўрт бурчак ва тўғри бурчак қилиб қирқилган. Бу таом чиндан ҳам жуда мазали, қиз эса чарчаганини сезмай ҳамон қўшиғини куйлайди.

Савдо кун чиққандан кун ботгунча давом этади. Қиз уйига кечаси соат ўн бирларда қайтади. Ҳали эртанги савдо учун хамир қориб, овқатлар тайёрлаб қўйиши керак!

Шундай қилиб, кун кетидан кун келаверади. Кечанинг бугундан, бугуннинг эртадан, эртанинг индиндан фарқи йўқ, ўтиб кетаверади. Бу осон эмас. Ишдан кейин унинг оёқлари зириллаб оғрийди, беллари қақшайди... Аммо Аманинг ширин орзуларини ким таҳқирлаши мумкин!

Серташвиш қиз пул жамғаргандан кейин ўзига кийим-кечак, зеб-зийнат сотиб олиб, сеп йиғиш ва бахтиёр кунларга етишни орзу қилади. У албатта қўлига узук, қулоғига исирға сотиб олади, албатта благузук ҳам... Янги, чиройли кўйлак ҳам сотиб олади... Маржонлар ҳам... Ама маржонларни нега унитсин?

Кейин-чи? Кейин унинг бутун ҳаётида энг унутилмас кун — тўйи бўлади... Аманинг қалби шу эзгу ниятлар оғушида секин-аста жимиб қолади.

Шундай қилиб, Ама ҳар куни тизмай меҳнат қилаверади. Ёшлик баҳори кундалик даромаднинг ҳисоб-китоби билан ўтиб кетаверади.





Франк Коф Ньяку

БОШҚА ЯШИК

Юздан ортиқ ишчиси ва бир неча майда хизматчиси бўлган Атта-Яо жаноблари бир неча йил муқаддам Аккра департаментларидан бирининг бош чиновниги бўлиб ишлаган эди. У ўз одамларидан ҳар вақт «бир илож қил» деб пора сўрай бергач, лақаби «бир илож қил» бўлиб кетган эди. Шафқатсиз Атта-Яо ишчиларни арзимаган сабаб билан бўшатар ва ким унга «бир илож қилса» қайтадан ишга олар эди. Ҳар гал ишчи ёки кичик хизматчи ёллаётганида у, одамларнинг қобилиятига эмас, берган порасига қараб танларди. Иложини топмаган баъзи бир бераалар, биринчи ойлигининг қоқ ярмини бош чиновникка бериш шарти билан ишга олинадди. Бироқ бу билан қаноатланмай, одамларнинг ишга кирганларидан кейин ойлик бериладиган куни Атта-Яо уларни маош берадиган идорасига биттадан чақириб олиб, ҳар бир ишчидан «бир илож қилиш»ни, ҳеч бўлмаса, ўн шиллинг беришни талаб қиларди. Бунга кўнмаганларни эса шу заҳотиёқ бўшаб юборарди.

Атта-Яо жанобларининг фиғони чиқиб, яна-да қаттиқ жеркиб ташлади:

— Бор, бор, мени холи қўй! «Бир илож қил», Бориб югурдагимдан сўра. У ҳаммасини айтиб беради. Агар «бир илож қилолмасанг» бу ерга бошқа қайтиб келма. Вой, бетамиз-эй!

Югурдак иш сўраб келувчиларга «бир илож қил» деган иборанинг асл маъносини тушунтиришнинг машқини олган эди. У Амоакони бир четга чақириб, ҳаммасини яхшилаб тушунтирди. У: агар сен «оддий ишчи» эмас, балки «ҳақиқий хизматчи» бўлиб ишга кирмоқчи бўлсанг, бош чиновникка ё беш фунт стерлинг, ё эса ишга кирган ойнинг охирида олти фунт бераман, деган тилхат ёзиб беришинг керак, деди.

Амоако ташқарига чиқиб Ачимотадаги ҳайвонот боғида назоратчи бўлиб ишлайдиган акасининг олдига йўл олди. Шу куни унинг акаси бир илон тутиб олиб, уни зоология профессорига сотишни мўлжаллаб қўйган эди. У илонни посилка яшигига солиб, устини яхшилаб михлагандан кейин, ҳаво кирсин учун ён-верининг бир неча жойидан тешди-да, озиқ-овқат сақланадиган хонанинг бурчагига — полга қўйди.

Ака-ука Атта-Яо жанобларига нима бериш ҳақида узоқ маслаҳатлашди. Пул ҳақида гап бўлиши мумкин эмас: улар жуда камбағал. Ниҳоят, акаси бир шиша шароб билан икки-та тирик қуён бериб юборадиган бўлди. Қуён сотиб олиб, уни ҳам посилка яшигига солишди-да, бир неча жойидан тешишди. Қуёнли яшикни илон солинган яшикнинг устига қў-

йишди. Акаси Атта-Яо жанобларига устидаги яшиқни юборишни бир неча марта тайинлади.

Эртасига эрталаб Амоаконинг акаси ҳайвонларга овқат беришга кетди, илонли яшиқ эса шу ерда қолди. Қета туриб у албатта юқоридаги яшиқни олиши кераклигини яна бир марта Амоакога тайинлади.

Амоако йўлга тушар экан, похол саватга шишадаги шаробни солди ва акасининг бир неча бор тайинлаганини эслаб ўша, юқоридаги яшиқни олди-да, идорага жўнади. Амоакони кўрган Атта-Яо:

— Хўш, безори! Яна келдингми? Хўш, энди «бир илож қилишга» тайёرمىсан?— деди.

— Ҳа, сэр,— деди Амоако.— Тайёрман. Гарчи арзирли бир нарсa келтирмаган бўлсам-да, мана, иккита қуён ва бир шиша шароб келтирдим. Марҳамат, олинг.

Атта-Яо жаноблари совғани олиб, Амоакони ишга қабул қилди. У дарров шишани очиб «майдалай» бошлади. Йигирма минут ўтар ўтмас шишанинг учдан бири бўшади. Яхшигина кайф қилган Атта-Яо идорасидан чиқди-да, ишчиларнинг жиғига тега бошлади: У икки-учтасига бақирди, тўрт-бештасини ҳақорат қилди, олти-еттитасини қўрқитди. Шундан сўнг идорасига қайтиб, яна ича бошлади. Шишанинг ярмичасини бўшатгач, Атта-Яонинг эсига бирдан қуёнлар тушиб қолди. У лом билан яшиқнинг оғзини бир оз очгач, қуённинг қулоқларидан тортиб олиш учун чап қўлини тикди-ю, бармоғида жуда қаттиқ оғриқ сезд. Қуённинг шу қадар ёмон тишлашига ажабланган Атта-Яонинг янада кайфи ошиб, яшиқ тешикларидан мўралади. Қуёнлар унинг

иккала кўзини — дастлаб чап, сўнгра ўнг кўзини деярли бир вақтда баравар чақиб олди. Атта-Яо бақириб юборди. Буни эшитган хизматчилар югуриб киришди.

Атта-Яо жаноблари ҳозиргина бир шиша шароб билан иккита ажойиб қуён совға олгани, қуёнлар унинг бармоғини тишлаб, кўзларини ишдан чиқарганлигини айтди. Идорага кириб келган бир ишчи ҳаяжон билан яшикни очди. Ичида катта, баҳайбат илон ётар эди. Атта-Яо жаноблари шошилинич равишда Корле-Бу касалхонасига юборилди, бироқ у Корле-Лагун кўпригига етмасданоқ дунёдан ўтди.

Фожиа ҳақида полицияга хабар қилинди. Амоако идорада қамоққа олинди. Уни полициянинг «Ичкари кининг» деб аталувчи машинасига ўтқозишаётганда акаси — ҳайвонот боғининг назоратчиси, унинг хизматчиси ва зоология профессори келиб қолишди. Уларнинг қўлида қуён солинган худди шунақа яшик бор эди. Полиция бош бошқармаси қошидаги текширув комиссиясига уларни ҳам олиб кетишди. Амоакони сўроқ қилишди. Лекин қуёнли яшик ўрнига қандай қилиб бошқа яшик олиб келганини на полиция, на Амоаконинг ўзи ва на ҳайвонот боғининг назоратчиси била олмас эди. Акаси Амоакони пастдаги яшикни олгансан деб койиди. Амоако эса худди ўша юқорида турган яшикни олганлигини айтиб, акасини ишонтирди. Шу билан бирга, сиз устига бошқа яшик қўйган экансиз деб, ундан хафа бўлди. Айбдорни аниқлаш учун тортишув давом этар экан, гапга титроқ овоз билан хизматкор аралашди:

— Кечирасизлар! Бунинг ҳаммасига фақат мен айбдор. Мен бир хилдаги бу яшикларнинг ичида бошқа-бошқа нарса борлигини ва улар маълум тартибда тахлаб қўйилганлигини сира билмаган эдим. Хўжайин ҳайвонларга овқат бергани кетиб, Амоако ювинаётганида мен бу хонани супуришга кирган эдим. Тепадаги яшикни кўтариб, супурилган ерга қўйдим-да, сўнг полда турган иккинчисини олиб унинг устига қўйдим. Тагини супуриб бўлганимдан кейин яшикларни яна ўз жойига шу ҳолича суриб қўя қолган эдим. Бундай кўнгилсизликлар рўй беришини асло билмаган эдим.

Иши олий судда кўрилгунигача Амоако кафилга чиқарилди. Шу икки ҳафта унинг учун ғоят уқубатли бўлди. У Атта-Яо жанобларининг ўлимига сабабчи бўлган бўлса, демак уни албатта осадилар, деган миш-мишлар тарқалди. Ака-ука ташвишланавериб озиб-тўзиб, чўпдай бўлиб қолишди.

Мана, ниҳоят, суд қилинадиган кун ҳам етиб келди. Суд биносида одам тўлиб кетди. Қандайдир бир адвокат, унга ўлим жазоси берилишини талаб қилиб ярим соатча гапирди. Залдагиларнинг деярли ҳаммаси Амоаконинг муқаррар осиб ўлдирилишига ишонардилар. Амоако дудуқ бўлмаса-да, унга сўз берилганда дудуқланиб, тутила-тутила аранг гапира бошлади. Йигит худди безгак тутаётгандай қалтирар, башарасидан эса тер қуярди. У ўзини пора беришда айбдор деб ҳисоблаб, бошқа яшикни олиш натижасида Атта-Яо жанобларига икки қуён ўрнига илон берганлигини тушунтирди. У, раҳм-шафқат қилишларини суддан ўтиниб сўради. Атто-Яо жанобла-

рининг қариндош-уруғларидан бошқа, барча йиғилганлар бир неча дақиқа жим туриб, Амоаконинг тақдири ҳақида қаттиқ қайғуриб ўтирдилар. Ниҳоят, ҳукм эълон қилинди. Ато-Яо жаноблари бир шиша шароб ва тирик илон пора олганликда айбланди ва шунинг учун ҳам ўзининг кўп йиллик хизматидан маҳрум қилинди.

Суд Амоакони ҳам бир шиша шароб ва иккита қуён ўрнига нотўғри олиб келинган тирик илонни пора беришда айблади. Шунинг учун суд уни 5 фунт стерлинг миқдорида жарима тўлашга ёки сургунда ишлаб қарзини узиш учун икки ой қамоққа ҳукм қилди.

Амоако жавдираган кўзлари билан акасига — ҳайвонот боғининг назоратчисига тикилди. Бироқ у пули йўқлигини ишора қилди. Пулни профессор тўлади ва уни қамоқдан қутқариб қолди.

Амоако ҳозир ҳам идорада ишлайди. Гарчи аста-секин бўлса-да, хизматида ишонч билан илгари силжимоқда.

БИРЛИКДА ТУМАН ХИЛЛИК

Силлиқ янграган хорда
Шундайин бир тартиб бор:
Унда турли овозлар
Ҳар доим бўлар бисёр.
Бир-бирига ўхшамай
Янграса-да ҳар овоз,
Ўз аро сингишурлар
Бўлмоқ учун жўровоз.

Турмуш турлилигида
Бир хил белгилар пинҳон.
Куррамиздаги халқлар
Мангу бўлсин қадрдон.

Оркестрга мансубдир
Габой, скрипка ҳам.
Флейта-ла контробас
Эрур оҳангдош, ҳамдам.
Созандалардан ҳеч ким
Чалмайди ўзиб, шошиб.
Дўмбира навбат кутар,
Шовқин солмас адашиб.

Турмуш турлилигида
Бир хил белгилар пинҳон.
Қуррамиздаги халқлар
Мангу бўлсин қадрдон.

Футболчига муқаддас
Команда шуҳрат-шони,
Бордир ҳужумчилари,
Ҳимоячи, посбони.
Бирисининг кучи бор,
Бошқасида абжирлик.
Ҳар бирида ҳар усул,
Бари — коллектив, бирлик.

Турмуш турлилигида
Бир хил белгилар пинҳон.
Қуррамиздаги халқлар
Мангу бўлсин қадрдон.

Студентлар қунт билан
Турли фанни ўрганар.
Ҳар хил факультетларда
Лекциялар тингланар.
Биттаси ўқитувчи,
Врач бўлмоқчи бири.
Аммо илм ишқи-ла
Ғурур қилишар бари.

Турмуш турлилигида
Бир хил белгилар пинҳон.
Қуррамиздаги халқлар
Мангу бўлсин қадрдон.

Хоҳ шимол, хоҳ жанубда
Яшамайлик ҳар қачон.

Севимли Ганамизга
Садоқат лозим ҳар он.
Ухшаш бўлмаса ҳамки,
Бир-бирига эл ҳеч бир
Мустаҳкам оилада
Яшамоқлик керакдир.

Турмуш турлилигида
Бир хил белгилар пинҳон.
Куррамизда халқларнинг
Дўстлиги бўлсин омон.





Израэл Кафу Хох

Қ А С А М

Бирон нарса гар этиб мажбур
Хизмат этсам келгиндиларга,
Парваришлаб ўстирган ватан
Қилар эсам сенга хиёнат,
Майлига мен бўлайин дучор
Танҳо ўзим халқ нафратига.

Бирон нарса гар этиб мажбур
Қуллик зимистони зулматга —
Суянч тоғим бўлган шаҳримни,
Дўстларимни мен сотар бўлсам,
Майлига мен бўлайин дучор
Танҳо ўзим халқ нафратига.

БУРГУТ

Мен бургутман, озод бир қушман,
Қим қудратда тенгдир мен билан.
Қанотларим мустаҳкам чунон,
У элитди мени ҳар тәмон.
Бироқ ўзим кўраман афзал
Аста, текис учмоқни ҳар гал.
Чунки жадал учмоқ ҳар қачон
Бахтсизликка сабабдир, аён.
Эркин қушман, доим эл аро
Фахр этмоққа боис муҳайё:
Инсондаги чучмал тоб-тоқат
Мени ҳайрон қилади фақат.
Қушларда бор ўзга бир одат:
Топар ердан турли ноз-неъмат.
Ҳар бозордан, ҳар бир даладан
Ризқим топиб ея оламан.
Дарада сув кўрган заҳотим,
Ичиб роса, ювгим қанотим.
Бермагайман жаҳонда мутлоқ
Ҳеч кимсага ишимдан сўроқ,
Яшайман мен шоҳ ва ҳокимсиз,
Қуним ўтар заҳар-заққумсиз.
Шунинг учун қулларим ҳам йўқ,
Эрк билан дил ғурурга тўлиқ.

БОЛА

Бола бошидан-оёқ
Европаликка ўхшар:
Биз пиширган нон мутлоқ
Унга ёқмас, тутсам гар.
Тез пайдо бўлмиш унда
Шундайин ажиб одат:
У еб-ичади кунда
Ўз идишида фақат.

Бола тинмай чуғиллар
Алланарсалар дебон.
Ўз-ўзича бидиллар
Нотаниш тилда ҳар он.
Не деганин ким билар,
Бола тили нотаниш.
Мушт уриб, у дўқ қилар,
Европача ўшқириниш.
Бола агар йиқилса,
Йиғламай турмас ҳеч бир.
Ирода бўш, не қилсин,
Зуваласи нозиқдир.
У европалик ниҳол
Бор-йўққа қилмас тоқат.

Лат еса агар хиёл,
Ҳис қилар зўр жароҳат.
Гар бола не тиласа,
Буйруққа ўхшаб тушар.
Ота-онасин эса,
Бошидан ҳуши учар.
Уйлар фақат ўз-ўзин,
У ҳаттоки йўргакдан.
Европаликларга чин —
Ўхшайди у гўдакдан.

МЕН БИЛАМАН

Вольта тошар бўлса гар.
Бўлар тўсиқлар тор-мор,
Омонлик йўқ, бор хатар,
Яшринар бутун жондор.

Ҳузурдир ёмон ҳаво
Фақат тимсоҳлар учун...
Экинлар бўлар адо
Тўпон яксон қилар кун.

Инсон мардлиги бўлар
Унинг олдида бекор.
Отқилайди тўлқинлар
Синиқ тўсиқни ҳар бор.

Бўш соҳилда ётади
Шарафсиз қурбонлар зич...
Вольта ҳиссиз оқади
Боқмай эрмагига ҳеч.

Биламан, келар кунлар
Вольтани ҳам бўғамиз.
Даҳшат солмас тошқинлар,
Уша кун келар шаксиз.

СУЗИБ УТИНГ ЖАДАЛРОҚ

Балиқчилар кемаси жанубга сузинг жадал,
Йўлда оқшом кирмасин, етиб борайлик тезда,
Қуёш ҳам ботиб борар, осмон қорайди сағал,
Шамол туриб мачтани тебратмоқда бу кезде.

Тингланг чинни чайкалар сизни деб куйлаймиз
биз;

Елкан оралаб учиб, дардимиз англаб аён,
Фарзандлар учун емак излаб борган чоқда сиз
Келсангиз сиз не бўлгай ёрдам бермоққа шу он! •

Тез сузмоқ-чун кемага қанот урсангиз нетур,
Эй еллар, елканларга уфуринг, таранг бўлсин!
Денгиз сирлари-ла курашмоқ кўп оғир эрур...
Тезроқ уйга қайтсайдик, гўдаклар кутар бетин.

Юртда очлик, қашшоқлик, бетоблик буткул
битсин

Ов келсин бароридан, йўқолсин ташвиш
буткул.

Биз мақсадга етамиз, орзулар жило этсин,
Бизга ҳаёт барқ урар, бахт сари очиқдир йўл!

И С Т А К

Қишлоқ бўйлаб борардим кулолчи томон
қараб,
Қуёшли кунни истар, у жуда иссиқталаб.
Сўнгра ер ҳайдовчига йўлда бўлдим мен дучор,
Унинг истаги аён: ёмғирга кўп интизор.
Кейин мен балиқчига юзма-юз келдим, шу
тоб —
«Ризқу рўзим елларда!»— деб қилди дарҳол
хитоб.
...Фақат чивин тинчликни севар ёниб эҳтирос,
Ҳамма ҳам бахт истайди, истаги ўзига хос.
Хоҳишни ҳақиқатга айлантиролур фақат
Қимки мақсад томонга интилса қилиб тоқат.



КУЙЛАБ БЕР МЕНГА

Куйла, куйлаб бер менга ҳусн соҳиби—танноз,
Қалбим ажиб товушингдан ларзага келар ҳар
бор.

Биламан: куйлаш маҳол гар қилинса илтимос,
Аммо, не чора, майли, куйла жўшиб эҳтирос.
Қўшиқларинг дилимда ғамдан қолдирмас
ғубор.

Янграб турмаса ҳамки, гумбурлаб чўнг
дўмбира,
Уйна майли. Доимо кўз олдимда сен гўзал,
Сенинг нозик қоматинг хотирдан чиқмас сира,
Сен бахтим уммонисан, эй севимли бокира,
Менга кучу қудратни ато қилдинг ҳар маҳал.





Эндрю Аманква Опоку

ПРА ДАРЕСИНИНГ НАРИГИ ҚИРҒОҒИДА

КВАМЕ АНТИРИ ЙЎЛГА ОТЛАНДИ

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» дегандай, бирон янги нарса ҳаётда расм бўлса, унга ҳамма эргашаверади. Шунга ўхшаб, бизда ҳам какао ишлаб чиқарилиши билан, кўпчилик ўз бахтларини синаш учун ўрмонга жўнай бошлади. Биз твилар¹ ҳолва деган билан оғиз чучимас деганларидек, бу иш осон эмаслигини, ҳамма удалайвермаслигини яхши билардик.

Кваме Антирининг Крабо деган жойда унча катта бўлмаса-да, ўз ери ва кичкинагина кулбаси бор эди. Аммо у ҳам баъзи ҳамқишлоқлари каби, какаочилик билан шуғулланишга қарор қилди. Бу ишга у ўз-ўзидан киришгани йўқ, албатта. Оби-ҳаво нобоп келиб, унинг дарахтлари қурий бошлади, ўсимликлар қандайдир офатга учраб қовжираб кетди. Ёмон кўздан сақловчи тумор ҳам ҳеч қандай наф бермади. Бу йилги мавсумда у, олдинги йилга қараганда саккиз ҳисса кам ҳосил олди. Унинг эндиги иши, мева-чева теримини тугатишу, шундан сўнг...

¹ Тви — Гана халқининг бир уруғи.

Декабрь оқшомларининг бирида Антири уруғ бошлиғи ва яқин қариндошларини уйига таклиф қилиб, уларга режаларини гапириб берди. Унинг одат юзасидан эл жарчиси Барима Офорига сўзлаган нутқи, ниҳоят, узун бўлди:

— Эй Барима Офори, менинг гапларимни эшитиб ол ва уруғ бошлиғимизга ҳамда бошқа ҳамма-ҳаммага маълум қил. Уларга айтгинким, мен уларни бу оқшом уйимга чақирган эканман, бундан ҳеч қандай аҳмоқона мақсадим йўқ. Қадимгилар «юрган дарё, ўтирган бўйра» дейишади. Шунинг учун ҳам бахт излаган кимса сафардан қўрқмаслиги керак. Янги ҳунар—какаочилик одат бўлгач, янги жойларга кўчиш эҳтиёжи туғилганлиги ҳаммамизга маълум. Мисол ахтаришнинг ҳожати йўқ. Қўшнимиз ва дўстимиз Кофи Туо бола-чақалари билан Пра дарёсининг нариги қирғоғидаги Апрагьяга яқиндагина кўчиб кетди. Тўғри, ҳали ҳеч ким унинг кетидан бормаган бўлса ҳам, уларнинг янги ердаги ҳаёти тўғрисида ҳеч қандай ёмон гап эшитганимиз йўқ. Балки улар ўзларидан ўтганини ўзларигина билишаётгандир.

— Шунинг учун ҳам, эй бизнинг жарчимиз, эшит ва Оқсоқолимизга ҳамда барча элу ақраболарга маълум қилким, мен ҳам Пра-нинг нарига қирғоғига жўнамоқчиман. Агар тез орада ер сотиб олиш насиб қилса, ўша ерда қоламан. Борди-ю, қудратли Тви илоҳимизнинг раҳмати билан ижарага бирор ферма топилиб қолса, ундан токи ўзимиз ферма қуриб олгунимизча фойдаланамиз. Аммо, бахтимиз юришмай қолса, у тақдирда «От айланиб қо-

зиғини топади» деган мақолни эслаб, яна шу кулбамизга қайтиб, ўзимизнинг шу эски ҳунаримиз, зайтун ёғи тайёрлаш билан шу-гулланаверамиз. Унга ҳар вақт харидор топилаверади, деб ўйлайман. Шунинг учун биз бу ерга хайрлашмоқ учун йиғилдик. Менинг сизлардан биргина илтимосим шуки, бекор овора бўлмай ишимиз ўнгидан келиб, элимизга бир куни муваффақият билан қайтиб келишимизни тиланглар.

— Элу юртдан жудо бўлиш оғир,— давом этди у,— лекин на чора? Оддий инсон бўлиб туғилдикми, заҳмат шаробини охиригача си-миришга тўғри келади. Фақат ярминигина тиклаб олган бу уйчамиз, оиламиз учун жуда торлик қилаётганини ўзингиз кўриб турибсиз. Бир кун эмас, бир кун, барибир, яна уй қуришга тўғри келади... Лекин, бунинг учун пул керак. Ахир, бир мақолда «Кваке буюмлари қиммат бўлгани учун яхши-да», дейилади-ку! Шу каби биз, твилар агар уйимизда ейишга овқатимиз бўлса, ҳеч вақт: «Эшик-эликни ёлиб, ёввойи батат ахтариш учун бутазорга борамиз», демаймиз-ку! Сўзим тамом.

Шундан кейин жарчи Барима Офори туриб, ҳаммага мурожаат қилди:

— Йиғин олдида гапиришни яхши билмаган барча уруғ вакиллари каби мен ҳам шуни айтайки, дўстлар, мен бугун сизларга ажойиб нутқ билан мурожаат қилмоқдаман.

Ҳамма ўтирганлар бир оғиздан:

— Ҳақиқатан ҳам жуда яхши,— деб жавоб қилишди.

Шунда уруғ бошлиғи Атомани сўз бошлади.

— Сен шу ердამисан, азиз набирам Офори? Эшит ва менинг сўзларимни аканг ва бошқа оила аъзоларига етказ. Биз бугун бу ерда нимаки эшитган бўлсак, ҳаммаси ҳақиқат. Буни кимки бугун менга эътибор қилган бўлса билади, менинг бошимга оғир ташвиш тушди. Мен бир мўйсафид одамман, уруғимиздан ажраб ўзга юртларга кетган кўп кишиларни биламан. Лекин ҳозир бошқа замон. Шунинг учун ҳам мен: «Меваларидан отаси Ананси заҳарланган дарахт тагида Нтикуменинг ором олиши нотўғри ишдир» деган бўлар эдим. Қадимгилар: «Бургут бошқа-ю, қарға бошқа» дейишади. Мен жафолар тортган жойда балки ўғлим Кваме бахтли бўлиб кетар. Шуни айтиш керакки, гарчи мен бахти кулган киши сифатида бошқаларга ўрнак бўла олмасам-да, лекин уни йўлдан уришни ўзимга эп кўрмайман. Унинг кўчиб кетишига мен розиман, жони-дилим билан розиман. Лекин ундан фақат бир илтимосим бор: унинг сафари хайрли бўлсин, аммо уйда қолганларни ҳам эслаб турсин, такрор айтаман, от айланиб қозиғини топиши керак.

Шунда Антирининг онаси Абиреватья ҳам қўшимча қилади:

— Катта одам бир сўз дегани ишнинг битганидир. Унинг айтгани айтган, дегани деган. Болам, эрта-ю кеч сенинг ҳақингда ўйлайман. Сен ўзга юртга кетяпсан. Ўзингга эҳтиёт бўл, камбағалсан, биров билан айтишма, камтар бўл. Мағрурланма, токи бошқалар сени койимасин. Борди-ю, азоб чексанг бировга шикоят қилма. Очлик кишини азоблайди, лекин кўп озиқ-овқат ҳам хавфли. Очингдан ўлсанг ҳам

бирова сир айтма. Хотининг ҳам, бошқалар ҳам кичикроқ бирор иш билан шуғулланишсин. Бу сенга катта ёрдам бўлади. Маълумки, инни каптарнинг эркаги қурадим, урғочисини, барибир, унда иккови яшайди. Агар оҳу болаларининг тез ўсишини истаса, у ўрмонда узоқ турмайди. Худди шунингдек, сенинг ҳам у ерда узоқ туришинг яхши эмас. Йўлга чиқшинг олдидан мен, Абиреватья; бу насиҳатларимни айтдим, энди оқ йўл! Сафаринг беҳатар бўлсин, сени ота-боболар арвоҳи қўлласин. Бор, болаларингнинг бахтига омадинг келсин, дуоларим йўлдошинг бўлсин.

Жамоа бошлиғи ром қуйилган пиёлани кўтариб, Брэт уруғидан ўлганларнинг арвоҳини уруғдошларига йўлда ва янги жойда ҳамроҳ бўлишга чақирди. У жуда чиройли гапирар, сўзлар миясига гўё сув каби ўзи оқиб келар эди. Сўзловчилар тамом бўлгач, ҳаммалари ром ичиб тарқалишди. Фақат сафарга тайёрланиш қолди, холос.

Кваме Антири йўлга келар душанба куни чиқмоқчи бўлди. У ўрмонда керак бўладиган баъзи бир нарсаларни олиш учун бирров нсавамга бориб, бир неча ханжар, болта, жомакор, бир оз порох, пистон, туз ва лампамой олди. Шундан кейин хотинининг уруғлари билан хайрлашиш учун қўшни қишлоққа боришдан бошқа унинг иши қолмади. Қайнанаси унга бақлажон ва қовоқ уруғи берди. Қим билади, улар бораётган жойда балки бу нарсалар йўқдир. Қариндошлар Квамени қишлоқ четигача кузатиб чиқиб, муваффақиятлар тилаб, хайрлашди, қоронғи тушгунча у уйига етиб олди.

Эртасига шанба бўлгани учун Антири ҳеч қаёққа бормади. Шу кунни мазали овқатлар пишириб еб, кун бўйи дам олди. Кечқурун эса яқин орадаги қариндошлари билан хайрлашишга боришди. Ахир, улардан ҳеч кимгина қиладиган бўлмасин-да. Кеч оқшомда улар ортиқча қути, хумча, коса, товоқ ва бошқа қақир-қуқурларини йиғиштириб, қариндош-уруғлариникига ва яқин қўни-қўшнилариникига ташишди.

Эртаси азонда, эшикларига эски юк машинаси келиб тўхтади ва улар юкларни шошилиш ортишди. Дўстлари ва қариндош-уруғлари уларни кўнгилдагидек кузатмоқ учун яна йиғилишди. Антири ўзларига кераксиз баъзи нарсаларни хайрлашув совғаси тариқасида келганларга улашди. Ўз навбатида қолувчилар ҳам уларга йўллик овқат ва бошқа совғалар беришди. Машина қўзғалиши билан кузатувчилар барабар қичқиришди:

— Оқ йўл!

— Тез қайтинглар!

— Узоқ қолиб кетманглар!

Кузатувчилар хафа бўлганларидан юраклари эзилиб, кўпларининг кўзларида ёш пайдо бўлди. Баъзилар ўлимни уйқу билан таққослайдилар. Лекин номаълум жойга сафар қилиш, ўлимга уйқудан ҳам яқин бўлса керак. Дом-дараксиз кетиш, ўлган қатори эмасми, ахир. Бундай сафар жуда хатарли, ўлим билан тенг, балки у қайтгач, бу ерда қолганларни тирик кўролмас, эҳтимол, унинг ўзи ҳам қайтмас. Шунинг учун ҳам бу ерга йиғилганларнинг кўпчилиги кўз ёшларини тиёлмадилар. Болалар жон-жаҳти билан шундай чинқи-

риб йиғлашдики, уларни юпатиш жуда қийин эди.

Шундай қилиб, Қваме Антири йўлга чиқди. Агар, эртанги тонгни кўриш насиб бўлса, у ўзга юртда бўлади.

ЙУЛДА

Сафарда рўй берган ҳамма ҳодисаларни бирма-бир ҳикоя қилишга тўғри келса, у вақтда биз дам олишни мутлақо унутган бўлар эдик. Оиласи билан Қоалтардан саҳарда йўлга чиққан Қваме Антири кун ярмида Агона Сведрага етиб келди. Ҳаммаларининг ҳам қоринлари роса очди. Хайриятки, егулик бирор нарсa топгунларича шоферни тўхтаб туришга кўндира олдилар. Улар йўлдан озгина нон ва пиширилган қатқорин сотиб олдилар-да, тилаб олинган озгина сув билан баҳам кўрдилар. Тушки овқатдан сўнг тўсатдан қуйган шиддатли ёмғир, ярим кечагача тинмади. Тингач, шофер бунақа ёмон йўлдан тунда юра олмаслигини айтди. Буни эшитиб ҳаммаларининг тарвузи қўлтиқларидан тушди. Шундан сўнг Қваме ҳақ олса ҳам тунаш учун қаердан бўлмасин бирор жой топиш кераклигини айтди. Ахир, бошқа чора йўқ-да. Барибир, тонг отиши билан яна йўлга чиқадилар.

Уларнинг бахтига шофер бу ерда яшовчи бир ҳамшаҳарини билар эди. Шофер унинг уйини тезда қидириб топди. Уй эгалари «Агар Аккрада яшовчи одам Кумасига бориб, у ерда нкрамфоа балиғини тутиб олса боши осмонга етади, чунки афсонага қараганда, улар-

нинг иккаласи ҳам денгиздан чиққан эмиш» дегандек уларни жуда яхши кутиб олди.

Шофер биринчи хўроз қичқириши билан машинасини улар ётган бинога рўбарў қилди-да, қаттиқ сигнал берди. Шамол бўлаётгани учун зўрга эшитиб уйғонишди. Меҳмондўст уй эгаларига миннатдорчилик билдиришиб, ҳаммалари машинага чиқиб йўлга равона бўлишди.

Улар Аким Одага етганларида тонг отди. Йўловчилар станцияга югуришиб бориб, билет олишди-да, Моква поездига чиқишди. На Антирининг ўзи ва на унинг оиласидагилар поездда ҳеч юришмаган эди, шунинг учун ҳам улар ўзларини ноқулай сеза бошлашди. Уларни ҳаммадан ҳам кўпроқ вагонда у ёқдан-бу ёққа изғиб, йўловчиларнинг ғашига тегувчи проводникнинг саволлари безовта қилар эди. Ниҳоят, проводник уларнинг олдида тўхтаб, билетларини суриштира бошлаганида худди сўймоқчи бўлиб турган киши қўлидаги пичоққа термулаётган хўроз каби жавдирай бошлашди. Бу соддалар, тўлаган пулларидан икки баравар ортиқ турувчи купега жойлашиб олишган эди. Кўп кечирим ва узрлардан сўнг улар ўз купеларига чиқиб олдилар.

Бу ерда улар бир ҳамшаҳарларини учратиб қолишди. Дастлабки савол-жавоблардан сўнг, у одам Васада ишлаб дуруст фойдалангани, бироқ бундан бир неча ҳафта олдин уйининг томини бўрон кўтариб ташлагани ҳақида хат олгани, шунинг учун уйига бориб келаётганини айтди. Ҳозир ўрмонни тозалаш пайти, кўп ишчи керак бўлгани учун у тез қайтаётган экан.

Кваку Абебриси исмли бу танишлари билан улар узоқ суҳбатлашдилар. Кваку бу йўлдан тез-тез қатнагани сабабли проводникдан қўрқмас ва ҳамма уни яхши танир экан. Буни кўргач, Кваме оиласининг руҳи бир оз кўтарилди.

Гап билан бўлиб Кваме тушиши керак бўлган станцияга қандай етиб келганини билмай қолди. Кваку улар ишга жойлашиб олишлари билан меҳмонга келишга ваъда берди. Поезд қўзғалди, ҳаммалари, поезд кўздан ғойиб бўлгунча янги дўстларига қўл силкитиб туришди.

Улар яна ёлғиз қолишди. Йўлни аниқлаб, олишгандан сўнг, юк машинаси топиб, унга майда-чуйдаларини ортишди. Улар Пра дарёси қирғоғидаги Моква шаҳрининг катта Пьюводи қишлоғига келиб ўрнашиб қолган танишлариникига қўнишмоқчи эди. Улар бу ерга куннинг ярмида етиб келишди ва қишлоқ оқсоқолининг уйини суриштира бошлашди. Уларнинг келишгани тўғрисидаги хабар бирпасда бутун қишлоққа тарқалиб, далада ишлаётганлар, ҳатто Пра дарёсида балиқ овлаётган балиқчиларгача бориб етди.

Одатга кўра, Кваме бош жарчини топиб, ўз иши тўғрисида гапирди. Катталар ҳурматини бажо келтириш маросимини ўташ учун жарчи уларни эл оқсоқоли Одэнехонинг уйига бошлаб борди. Янги келган бу оилани, қишлоқ аҳолиси билан аста-секин тўлаётган катта бир хонага олиб киришди. Жарчи ҳозир бўлганларга меҳмонларни таништирди. Ҳамма навбатма-навбат қўл бериб сўрашди. Шундан кейин оқсоқол эски одатни сақлагани

ҳолда, меҳмонлар учун бир шиша ром олиб чиқишни буюрди. Улар ромни ичиб одат бўйича, идиш тагида қолганини ерга сепгач, меҳмондорчиликлари учун оқсоқолга қуллуқ қилишди.

Одэнехо ўзининг бош жарчиси Окъями Паэмусига уларнинг келиш мақсадларини сўрашни буюрди. У, хона ўртасига чиқиб, ўзининг мансаб белгиси — йўғон ҳассасига суянган ҳолда Кваме Антирига мурожаат қилди:

— Отамиз, йўлбошчимизнинг саволлари бор экан. Улуғимиз айтадиларки, бу ерда осойишталик. Аммо сизларни бугун бу ерга келишга нима мажбур қилди экан, билмоқчилар.

У, ўзининг қисқа сўзини тугатиши билан Кваме ўрнидан турди ва қўлини кўксига қўйганча оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари ўтирган жойга яқин келди-да, икки букилди:

— Эй жарчи, эшит ва олампаноҳ оқсоқолга айтгинки, биз тинчлик билан келдик. Ўзимиз шарқданмиз. Биз Абаква штатидаги Денсу дарёси қирғоғида яшардик. Бизнинг киндик қонимиз тўкилган шаҳар — Абури. Биз какао тайёрлаш бўйича мутахассисмиз ва шунинг учун ҳам бу ерга келдик. Биз сизнинг ўрмонларингизда какао яхши билади деб эшитдик. Шундай қилиб, бориб кўрайлик-чи, қудратли Твидуампон паноҳида балки биз ҳам ишга ўрнашиб қолармиз, деган умид билан келдик. Уруғдошларимиздан айримлари биздан олдин келишган эди, эшитишимизча, уларни жуда яхши кутиб олибсизлар. Бизга ҳам ана шундай шафқат кўр-

сатсангиз, сиздан ғоят миннатдор бўлардик. Гапнинг қисқаси, биз шу ерда қолиш учун келдик. Айтганларидек, биз темирчидан ханжар сотиб олиб қайтиб кетиш учун эмас, балки темирчида ишлаш учун келганмиз.

Кваме сўзини тамомлагач, Окьяме Паэмусе унга раҳмат айтиб сўз бошлади:

— Мана сизга хушхабар!

Тўпланганларнинг барчаси баравар:

— Яхши хабарнинг садағаси кетсанг арзийди,— дейишди.

Оқсоқол уларнинг қолиши учун рухсат берди. Жарчи ва йиғилганларнинг кексалари яна бир марта Кваме оиласи олдидан ўтиб, ҳаммаларининг қўлларини сиқишди. Жарчи Паэмусе қайтадан ўртага тушиб:

— Биз ҳам сизларни очиқ чеҳра билан кутиб оламиз,— деди.— Ростини айтганда, ҳамқишлоғингиз орқали сизларнинг келишингиз ҳақида хабар эшитган эдик. Бизда жуда ёмон шамол бўлди, шунинг учун сизларнинг бир оз кейинроқ келишингизни истадик. Бахтимизга энди бўрон тиниб, яна осойишталик бошланди. Ҳақиқатан ҳам бизда ўрмон кўп, лекин бизнинг ватанимизда дарахт эмас, инсон яшайди. Бизнинг штатимиз «Марҳамат қилинг, марҳамат!» деган дўстона чақириқ туфайли ўсиб бормоқда. Бизнинг қудратли оқсоқолимиз айтяптиларки, агар сиз бу ерда яшаш учун келган бўлсангиз, жон-диллари билан қабул қиладилар. Кун ҳам пешиндан оғиб қолди, сиз узоқ йўл босиб келгансиз, шу сабабдан энди дам олинглар, бизлар борайлик.

Жарчининг сўзи тугагач, Одэнехо ўрнидан турди. Бу бошқаларнинг тарқалиши учун

ишора эди. Янги келганлар Паэмусе орқасидан чиқишди. У, меҳмонларни ўз уйига бошлаб келиб ётиш учун ҳар бирига жой кўрсатди. Қваме Антирининг ўзига эса оила бошлиғи сифатида ҳатто каравот тақдим этилди.

ЖОЙ ТАНЛАНДИ

Оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари эртаси куни жуда барвақт туришди. Қваме ва унинг икки жиянини чақириб келиш учун одам юборишди. Учовлари шоша-пиша бошлиқ ҳузурига келишди. Салом, аликдан сўнг ҳаммалари ўтиришар экан, жарчи яна улардан келиш сабабини сўради. Саволга ҳимоячи — уруғ хазиначиси Саннаахене жавоб берди. У, Қваме оиласи, ер бўлиб бериш тўғрисидаги кечаги илтимосларига жарчидан жавоб кутаётганлини маълум қилди.

Жарчи, ерни сотиб олишмоқчими ёки олинган ҳосилнинг учдан бирини ер эгасига тўлашмоқчими, ё бўлмаса қўриқ ер очиб, какао ўтқазиб, у ҳосилга киргач ерни баб-баравар бўлиб олишмоқчими? — деб сўради.

Қваме учун энг қулайи ер сотиб олиш эканини айтди. Борди-ю, бунинг имкони бўлмаса, у ҳар қандай шартга рози, чунки ҳеч ким ўз саховатли кишиси билан баҳслашмайди. Ахир бир жўхори кабобни еб бўлгунча иккинчиси пишиб туради, худди шунга ўхшаб какаоларнинг тўла етилишини кутишга сизларда барча шаронт бор.

Одэнехо бир оз мулоҳазадан кейин, бу масалани ҳал қилишни уруғлари ичидаги энг

кекса кампирга ҳавола қилди. Оқсоқолнинг бир неча маслаҳатчилари бу янги келганларнинг илтимосини хотинларга етказишди ва кўп ўтмай жой сотиб олишлари мумкин деган жавоб олиб қайтишди: Ким билади, уларнинг келиши муносабати билан бутун уруғга бахт кулиб боқар.

Хазиначи Саннаахене катта илгифотлари учун оқсоқолга ва унинг маслаҳатчиларига миннатдорчилик изҳор қилдиргани, ўз тақдирини кутаётган Қвамени оиласи билан яна улар ёнига олиб келди. Уч кун ичида ўрмондан муносиб ер топиш шу заҳотиёқ бир неча ёшларга топширилди.

Учинчи куни Қваме оиласи оқсоқолнинг маслаҳатчилари билан бирга ажратилган ерни кўргани жўнашди. Ернинг узунлиги шимол томонга 45 сим ёғоч¹ эни эса 40 сим ёғоч эди. Ернинг Пра дарёси қирғоғига тутанган жануб томони 38 сим ёғочга тенг эди.

Ҳаммалари ерни диққат билан кўздан кечириб, уни ўлчашиб, чегара белгилари қоқишди. Шундан кейин ихтиёрий ёрдамчилар бу муҳим воқеани нишонламоқ учун улардан ром ва қўй талаб қилишди. Ҳаммалари уйга қайтишгач, жойнинг савдоси бошланди. Мокваликлар меҳмонлар билан яхши муносабатда бўлажакларини айтиб, жойга 200 фунт стерлингу, бир яшик ром ва семиз қўй сўрашди. Қваме ҳамёнидаги барча пулни ҳисоблаб, сўнгги тийинигача нақд тўлади-да, ернинг ўзиники бўлганлигини билдирувчи

¹ 225 метрга яқин. Бир сим ёғоч 5,029 метрга тенг (Тарж.)

гувоҳнома олди. Шундан кейин ҳаммалари ўрмон четига бориб, ўз мулкини бошқа бировга сотилганлигини билдирувчи традицион «йигин» ўтказишди.

Бу маросимнинг ўтказилиши ер олган кишининг келгусида ўз хусусий мулки сифатида ерни сота олиши, алмаштириши ёки бировга бера олиши мумкинлигини нишонлаш эди. Бу қуйидагича ўтказилади: Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ўз ўрнига ўзининг нораства боласини қўяди. Болалар бир-бирларига қараб чўк тушиб ўтиришадилар-да, оёқлари орасига ўнг қўлларини қўядилар. Катталар эса уларнинг орқасида туришади. Йиғилганларнинг энг кексаси болаларга кесеникесе ёки узун тилим қилиб кесилган хурмо баргини беради. Сотувчининг ўғли баргнинг банд томонидан, олувчининг ўғли эса баргнинг учи — юпқа томонидан ушлайди-да, ҳар қайсиси ўнг қўлининг бош бармоғи билан баргга чиғаноқ қобиғини қаттиқ босади. Сўнгра катталар барг узилиб кетгунча тортишни буюрадилар. Шундан кейин ҳар икки томон чиғаноқ билан бирга қўлига узилиб чиққан барг парчасини керак бўлиб қолгунча йўқотмай сақлайди. Борди-ю, бу ернинг ҳақиқий эгаси тўғрисида жанжал чиқиб қолгудек бўлса, гувоҳлар ҳар икки томондан ҳам гуаха (чиғаноқ билан бирга узиб олинган япроқ)ни талаб қиладилар. Шунда бўлакларнинг узилган жойлари бир-бирига тўғри келиш-келмаслигини солиштириб қаноат ҳосил қиладилар. Гувоҳ сифатида катта ёшлиларга нисбатан кўпроқ яшашлари мумкин бўлгани сабабли, бу маросимни ўтказишда ёш болалардан фойдаланишарди.

Шундай қилиб, Қваме Антири эски одат бўйича ҳам, янги қонун бўйича ҳам ер эгаси бўлиб қолди.

Олди-сотти маросимидан сўнг, нима бўлганини билишни истовчилар Пьюводига бормоғи маъқул эди. Антири тўлаган икки юз фунтни бўлашиб олган қишлоқ аҳолиси, уни муносиб сарфлаш йўлини ҳам ўйлаб топди. Айтишларича, кўплари уйларига аранг етиб боришибди.

ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

Эртаси барвақт уйғонган Қваме Антири бошқаларга ҳам уйқу бермади. У, уй қуриш учун жой танлашга шошилар эди. У Пьюводига қолмасликка олдинданоқ қарор қилган эди, чунки ёмон кўзлардан қанча узоқ бўлса, душман ҳам шунча кам бўлади-да.

Бутун кун жой танлаш билан ўтди. Ниҳоят, муносиб жой ҳам танланди. Бир тепаликка чиқишган эди, икки юз ярду¹ нарида бир сайхонлик кўринди, унинг тепасида қушлар учишиб юрарди. Бу қушларни кўрган Қваме у ерда сув бўлиши керак деган хулосага келди. Етиб боришгач, ҳақиқатан ҳам тошлар орасидан чиқиб жилдираётган булоқни кўрдилар. Муздек мусаффо булоқ сувидан чанқовларини қондиришар экан, Обоудакасу (тош ҳовуз) деб номлашди.

¹ Тахминан бир метрга тенг келувчи ўлчов бирлиги.

Улар жуда чарчаганларидан бу кун бошқа ишга қўл уролмадилар. Фақат атрофни синчиклаб текшириб ўсимликлардан тозаланиши керак бўлган иморатбон ерни белгилашгач, дам олгани қайтдилар.

Улар Пьюводига келишганининг учинчи кун эрталаб уй эгалари билан биргаликда Ободакасуга жўнашди. Булоққа борадиган ёлғиз оёқ йўл ўтлардан бир оз тозаланган бўлгани учун етиб олиш у қадар қийин бўлмади. Улар катта гулхан ёқиб, иш бошлаб юборишди. Ҳаш-паш дегунча майдон тикан ва хас-чўплардан тозаланиб, асосий қурилишни бошлаш мумкин бўлиб қолди. Пьюводи билан улар турган ернинг ораси анчагина узоқ эди. Бу Антирини вақтинча бўлса ҳам, тезроқ бирор бошпана қуриб олишга мажбур қилди.

Бу биринчи кунларни эслаб, уларнинг жасоратларига қойил бўлиб, киши ажабланиши мумкин. Аммо «ўзинг учун ўл етим» деганларидек, Антирилар оиласи бошпанани тезлатиш мақсадида тинимсиз ишлаб, бор имкониятдан фойдаланишди.

Вақтинча солинган уйнинг томи ҳам, деворлари ҳам дарахт пўстлогидан бўлиб, ғув-ғув шамол кирар, кечалари ҳатто уйдан туриб юлдуз санаш мумкин эди. Ёмғирли тунлари ҳеч бўлмаса бир нафасгина мизғиб олиш учун киши ўзини оҳудек ҳис қилиши керак бўларди. Катта-катта қора чумолиларни айтмайсизми, кечаси ҳам, кундузи ҳам меҳмонларни талагани-талаган эди. Бошқа турли-туман ярамас ҳашаротларнинг озор беришлари ҳам чумолиларникидан қолишмас эди. Теварак-атрофдан ҳар турли ёввойи ҳайвонларнинг

ваҳимали шовқин-суронлари эшитилиб турганлиги сабабли, хонанинг ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам тун бўйи олов ёқиб чиқишга тўғри келарди. Эрталаб уйқудан турганларида кулбаларининг омонат деворлари атрофида ёввойи сигирларнинг беҳисоб изларини кўришар эди.

Оила январдан майгача — беш ой ана шундай қийин аҳволда яшади. Улар бу вақт ичида болалар ўрмон ва ташландиқ ерлардан териб келган ёввойи батат ва маниок билан тирикчилик қилишди. Ҳеч иложи бўлмай қолган пайтларда эса Пьюводи аҳолисидан бирор нарса сўраб келишарди. Бу оиланинг аҳволига ачинмаслик ва камбағаллик чоғингда ейилган овқат заҳар-заққумдек туюлади, деган гапга қўшилмаслик мумкин эмас эди.

Май ойининг охирида, жўхорининг биринчи ҳосили етилиши билан аҳвол бир оз дурустлашди. Даладан ҳосил кўтариш билан бирга, молларининг ҳам сони ортди. Ўзларидан орттириб, қишлоқдагиларга у-бу сотиш ҳам мумкин бўлиб қолди. Аёллар ва ўсмир болалар корзинкаларини батат ва жўхори сўталари билан лик тўлдириб, деярли ҳар куни эрталаб Пьюводига жўнашарди. Устиларига катталарнинг эски-тускиларини илиб олган, қашина беришдан яра-чақа бўлиб, атрофидан пашша аримайдиган, озғин болалар ҳам улар кетидан боришарди.

Уйга ярим тунда қайтишга тўғри келиб қолган чоқларда, қўрқувдан ўтакалари ёрилган болалар йиғлашар ва уларнинг йиғиси маймун ҳамда бошқа ёввойи ҳайвонларнинг тунги қичқириқларига жўр бўлиб кетарди.

Улар бир амаллаб Обоудакасуга етиб келганларида, овчиларни одатдагича уйда кўришарди. Ўлжа гўштлар қозонда қайнар, катталар деворга ёнбошлашиб жонга тегувчи ҳашаротлардан ўзларини сақлаган ҳолда, қизгин суҳбатлашаётган бўлар эди. Уларнинг содиқ ёрдамчилари—ўсмирлар иш билан банд бўлишади. Бирини оҳу гўштидан кабоб қилса, иккинчиси овда қўлга тушган ҳайвон терисини қуриштириш учун ерга ёзарди.

Бозорчилар уйга кириб келишлари билан одатда итлар вовиллашар ва уй ҳайвонлари маърашар эди. Ҳар ёқдан шодиёна сўзлар эшитиларди:

— Энова келди!

— Ассалом алайкум, ота!

— Салом, Қвеси

— Яхшимисиз, Эфуа!

— Ҳой, Африи, Сафова, Аку Сита!

Чарчаб-ҳориб келган хотинлар дам олмасданок овқатга уннашарди. Баъзилари сувга кетишар, кексалари эса ёрилган кокос ёнғоғидан шарбат олар эдилар. Гаплар тугаб ҳаммани аста-секин мудроқ босар, лекин оч қоринлари уларни барибир тинчитмасди. Ниҳоят, овқат тайёр бўлганлигини эшитиб, ҳаммалари жой-жойларига ўтиришади. Бугун гўшт кўп, шўрва жуда мазали, айниқса, қорни очганлар маза қилишади. Кампир қозонга чўмични ботириб суза бошлар ва ҳар гал чўмичга бир парча гўшт илинади. Ҳар ким ўз овқатини оларди. Кампир кулимсираб: «Қани энди, ҳар вақт шундай бўлса экан» деб ўйларди.

Бахтга қарши овдан қуруқ қайтиладиган

айирбошлашга яроқли — какао, кофе, гуруч, апельсин ва бошқа ҳосиллар баравар уч қисмга тақсимланиб, унинг бир қисмини ер эгасига беришга келишилди. Ҳар гал йил охирида Атвери оила аъзолари билан оқсоқолнинг олдига бориб, унга қуллуқ қилишлари керак эди. Дуогўй оқсоқолни қуруқ қўймай ҳар гал бир тоғара овқат, қўй ва бир шиша ром олиб келиб туришлари лозим эди. Буларнинг ҳаммаси келишиб бўлингач, маслаҳатчиларга совғалар улашилди ва улар жуда хурсанд бўлиб қайтишди.

Кваме Антири тезроқ жойлашиб олишлари учун уларга кўмаклашди. Обоудакасу ҳақиқий қишлоққа айланди. Ҳар икки оила бирлашиб ёғоч кесишди, ов овлашди; савдо-сотиқ ишлари билан узоқ-узоқларга боришга ҳам имконият туғилди. Секин-аста «эҳе-ҳей!» деб келувчилар ҳам кўпайиб кетди.

Ёшлар ўсиб-улғайиб, аста-секин оила аъзолари ҳам кўпая бошлади. Кваме ўғиллари — Кваме Фианко билан Кофи Сакьи келишганда атак-чечак қилиб юрадиган, ҳозир эса бўйи етиб қолган кичик қизи Амуа Оказга ҳам милтиқ олиб бормоқчи бўлди. «Қўшни дарахтлари бир-бирига қўшилгунчаёқ» қишлоқда севги пайдо бўлади, деб халқ жуда тўғри айтган-да. Кофи Сакьи Атверининг жияни Экуани севиб қолди. У ҳам бунга рози эди. Кофи Сакьи бу тўғрида отаси билан гаплашганда, у акаси уйланмай туриб кичигига қандай қилиб хотин сўратиши мумкинлигини айтиб, рад этди. Аммо, қишлоқ бўйича Кваме Фианкога муносиб фақат биттагина шу қиз бўлиб, у ҳам оппоққина эди. Ахир, суймаган-

га суйканишнинг нима ҳожати бор. Шу сабабли отаси уларга розилик берди. У, Агвери билан бир шиша ром ичишди-да, тартибга мувофиқ тўйини қирқ кундан сўнг ўтказишга қарор қилишди.

Тўй куни Обоудакасудан анча узоқларда яшовчи ёш-яланглarning биронтаси ҳам қолмай қишлоқнинг кўчасига хўроз қичқирмасданоқ тўпланишди. Катта дарахт тагидан жой олган созандалар тинмай чалишиб, қулоқларни битиргудек бўлишарди. Тўйлардагина ижро этиладиган «Осити ўйини» кенг ўрмон ичларида тўхтовсиз акс садо берар эди. Ёшлар чарчашни билмай ўйнашар, аёллар эса меҳмонларга хурмо виноси ва турли ноз-неъматлар тортишар эди.

Катта дўмбиранинг гулдурос садоси остида ўйинга тушаётганлар даврасига келин кириб келди. Унинг бошидан танга пуллар, рўмоллар, дастрўмоллар, турли безак буюмлари ёмғирдай сочиларди. Пьюводидан келишган қизлар гўзалликлари билан ажралиб турардилар. Сочин майин келиннинг, қошлари қоп-қора қилиб бўялган, юзларига упа-элик суртилган эди. Ўйинга қув ёш ҳам келиб қўшилди. У даврани борган сари торайтиб, келин атрофида айланарди. Ниҳоят, у қизни қучоқлаб, унинг бошини астагина эгади-да, пешонасига олтин танга қўяди! Ўз навбатида қиз ҳам йигитнинг манглайига олтин танга қўяди. Шунда қадимги севги гимни янграйди:

Эй соф муҳаббат, очгил қучоринг,
Юрагимда ёқ қизгин оловинг...

Кваме Антири келин қуёвни уйда кутиб олиб, табриклагандан кейин, идишларга ром қуяди. Мана шундагина у ўзини мустақил сезиб, эркин нафас олади ва қилган ишидан хурсанд бўлади. Ҳа, аввалги узоқ қишлоқда у, уруғ бошлиғи, казо-казоларнинг чизган чизигидан чиқа олмасди. Мана бу ерда, ёввойи ўрмонда эса унинг ўзи йўлбошчи, уруғ бошлиғи ҳам унинг ўзи! У қадаҳни баланд кўтаради:

Ёшлар соғ бўлсин-у, йўллари равон.

Она ер, ҳосили-ла ватан фаровон!





Жозеф Гартн

ХАРМАТТАН

Яна шамол юлқинар, елар,
Узилади ва учар япроқ.
Дарахт гўдак сингари йиғлар
Дайди еллар ўкирган бу чоқ.

Яшнаб турган, айна қулф урган
Гулни шохдан шиддат-ла узиб,
Чангни булут қилиб қутурган
Ел қаҳр этар, гирдоб кўргизиб.

Таҳликада учар арилар.
Йиғлайди гул япроқдан жудо.
Уларга ел даҳшат туйилар,
Қурашмоққа куч йўқ мутлақо.

Олиб учиб ҳатто сувни ҳам,
Жондорларни солиб қийноққа,
Қайта-қайта ел эсиб шахдам,
Қўп маъюслик солар ҳар ёққа.

Олиб кетиб сув-ла ҳаётни,
Қурғоқчилик, вайронлик берар.

Барча ҳориб кутади бахтни,
У эзгувчи жимлик келтирар.

Харматтан — энг қудратли шамол.
У яланглик бўйлаб учади.
Ғамнигина совурмас баттол,
Қувончни ҳам олиб қочади.

Шамол авжга минади тинмай,
Қўк юзини қоплайди булут.
Ёмғир олиб келади атай,
Мўл-кўлликни қилмоқ чун бут.

Ҳаёт ҳам шу. Биз амридамиз,
Билиб бўлмас ноз-фироғин ҳам.
Гоҳ ғам солиб, янчиб ўтар, тез,
Гоҳ ардоқлаб, бахт берар ўктам.

Ғамга чўкма, кўздан ёш тўкма!
Қудрат бизда, беҳол эмасмиз.
Ёмғир — мўллик берар, бош букма,
Кетар иссиқ, қурғоқлик шаксиз.





Босман Ларьей

КОМЕНДА ТЕПАЛИГИ

Коменда, Коменда жангда бастиян,
Тинчликда форумсан, элга муқаддас.
Ҳеч сўнмас шонингга қойилман ҳар он,
Сен-ла мени сира ажратиб бўлмас.
Денгиз узра тикка турасан мағрур
Коменда, эшитгил ел қутлаб елур.

Чўққингни қиздирар қуёш беомон,
Тоғ тубинг, воҳангни ювади ёмғир.
Аммо сен улугвор дейсан: кел, бу ён,
Одамлар келади, паноҳинг ҳозир.
Ўзаллик, хуррамлик бахш этиб шаксиз,
Қуч бердинг толиққан дилларга ҳар кез.

Қаддингга боқаман тўймасдан чунон,
Қўкатлар устида ўйнайди шабнам.
Ҳосилинг маъмурдир, ер бағри шодон,
Етишар дон, кокос меваси бирам.
Тунинг-чи! Эҳ тунлар! Қоя ва денгиз —
Ойдинда яшнайди. Ҳордиқ олингиз.

Шовқиндан толганлар дам олар бунда,
Бедармон учун сен сахий шифокор.

Толиби илмга тафаккур шунда,
Шоир илҳомига булоқсан ҳар бор.
Коменда, мангуга бор бўл, бўл омон,
Сен қалблар қувончи, куй ҳамда дoston!





Жойс Аддо

ВИДОЛАШУВ

Бизга зор, сеvimли хушҳид кўкатлар,
Серсоя, сершоxли пальмалар муштоқ.
Ёнида ирмоқлар. Жилға тез ўтар,
Шу ерда сен билан алмашдик дудоқ...
Эҳтимол, бу висол охирги бўлар,
Қелажак жудолик бағримни юлар.
Кўкда қуш куйламоқда, ари ғувиллар,
Оқибат бизларга жудолик келар.

Еддами якшанба — бахтли кунимиз?
Унутмам сира ҳам соз кайфиятим.
Унутмам меҳр, ишонч бор кўзинг ҳаргиз.
Бахт билан безадинг умрим, ҳаётим,
Онт ичиб садоқат, вафодан дилдор.
Энди бу айёмлар қайтмайди зинҳор!
Кўкда қуш куйлайди, ари ғувиллар,
Оқибат жудолик кунлари келар.

Амина, йиғлама! Ҳижрон келса ҳам,
Севишган қалбимиз биргадир ҳар чоқ.
Гар тақдир мангуға жудо қилса ҳам,
Юракдан биз пайванд яшаймиз иноқ.
Давр ўтиб, ҳижроннинг захмин поралар,

Дўстгинам, хотира абадий қолар.
Кўкда қуш куйлайди, ари ғувиллар,
Оқибат бизларга жудолик келар.

Хафаҳол булутлар сузар, ҳов ана,
Қушлар кенг қанотин қоқади енгил.
Қоп-қора булутдан қўрқмай мардона
Қушчасин парвозга ўргатур дадил.
Уларга одатдир шундай яшамоқ.
Барибир қўнишар. Учмагай мутлоқ.
Кўкда қуш куйлайди, ари ғувиллар.
Оқибат бизларга жудолик келар.

«Халқимга қайтмоққа бердим деб қарор».
Шипшидинг, бўлурми қаршилиқ қилсам.
Сен менга даркорсан! Жудолик душвор!
Халқимга ортиқроқ кераксан бу дам.
Ҳар ерда сен элга содиқлик қилгил,
Халқ билан хаёлинг, йўлинг бир, билгил.
Кўкда қуш куйлайди, ари ғувиллар,
Оқибат бизларга жудолик келар.

Мен бахтсиз севгининг домига кирдим,
Ишондим жудолик кўрмасмиз дебон.
Неки бор оламда менга деб билдим...
Сенинг эсдалигинг ўтмишдан нишон,
Кўзимнинг нуридай асрайман чунон,
У менга эслатур аҳдингни ҳар он.
Кўкда қуш куйлайди, ари ғувиллар,
Оқибат бизларга жудолик келар.





Камерон Дуоду

ДИНКУЯМА

1

Ҳа, тўғри, Динкуяма ўз важоҳати билан ҳар қандай кишини чўчитиб юбориши турган гап эди. Ахир, бўйи етти футча келадиган, кўкрак қафаси кенг, палахса қўллари икки ёнига осилиб тушган кишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Унинг ёлғиз ана шу ташқи кўринишининг ўзи ҳам яшашни истовчи, эс-ҳуши ўзида бўлган одамни унга ўйлашиб рўпара бўлишга мажбур этарди.

Унинг юз тузилишида ҳам ҳеч қандай ёқимтойлик йўқ, ихчам ва думалоқ юзини одатда моши қабиласига хос бўлган диний баҳя-безаклар қоплаб олган эди. Ҳаддан ташқари дўнг пешонаси, кўз косалари ва бурни тепасида бесўнақай чўққайиб турганидан, худди бошқа бир одам юзининг ярмиси ёпиштирилиб қўйилгандай эди. Динкуямага бундай пешона қандай ато қилинганлиги номаълум. Бунинг устига-устак кўзлари кичкина-кичкина бўлиши билан бирга, ҳаддан ташқари чуқур. Мана шу кўриниши устига қалин ва пахмоқ қошлари уни шимпанзегга ўхшатиб қўйган, уни кўрган киши чўчиб тушмай иложи йўқ. Динкуя-

манинг қиёфаси, бошқа сўз билан айтганда, турқи худди мана шу алпозда. Динкуямани кўпдан бери танийдиган анвиасоликлар, айниқса Квази Адае оиласидагилар унинг бу кўринишига сира-сира аҳамият бермасдилар. Улар учун Динкуяма, бошқалар каби оддий бир инсон, инсон бўлганда ҳам жуда софдил ва меҳрибон инсон эди.

Уни, айниқса, болалар жуда яхши кўришарди. Кечқурун плантациядан қайтиб келаётган Динкуяма болаларнинг «Ана, Динкуяма келяпти!» деган шўх қийқириғи билан кутиб олинарди. Бундан қувониб кетган Динкуяма мамнун жилмайиб, фермадан ҳар куни олиб қайтадиган елкасидаги юкини ерга қўяр ва келтирган совғаларини болаларга улаша бошларди. У, чуқур чўнтакларидан ёввойи қулупнай, манго мевалари ва ўрмон ёнғоқларини чиқариб, кичик дўстларини хушнуд қиларди. Бу болалар учун қандай қувонч. Улар Динкуяма атрофида асалга қўнган арилардек уймаланишарди. Оғир меҳнат туфайли Динкуямадан чиқадиган терни ёқтирмайдиган аёллар, болаларини у билан дўстлашишларини ман этсалар ҳам, улар ўша баҳайбат киши сари интилардилар. Болалар Динкуямани софдил, сахий киши эканлигини билардилар. Энг қадрдон дўстдан келаётган тер ҳиди оналарига ёқмаганлиги билан болаларнинг неча пуллик ишлари бор.

Динкуяманинг болалар қалбидан бунчалик чуқур жой олиш сабабини билиш учун у, Квази Адаенинг уйига келган биринчи кундаги воқеани эслаш кифоя. Ўша пайтларда болаларнинг кўпчилиги бу баҳайбат, даҳшатли кишини

кўриб қолишдан қўрқиб, уйдан ташқарига ҳам чиқмай қўйишган эди. Аммо, икки ой ўтар-ўтмас, уларнинг ҳаммаси худди ўз оталарини кутиб олишга ошиқаётгандек, ишдан қайтаётган Динкуямани қувонч билан қарши оладиган бўлиб қолишди.

Динкуяма Квази Адаенинг уйига келган кунни оила аъзоларида ёмон таассурот қолдирди. Уша кунни кечқурун оила аъзолари ҳовлида овқатланиб ўтиришган эди. Кутилмаганда эшикдан Квази Адаенинг Вав Ману деган дўсти қандайдир баҳайбат бир қора кишини эргаштириб кириб келди. Катталар қаторида овқатланиб ўтиришган тўрт бола уни кўриш билан қўрқувдан бараварига қичқириб юбориб, оналари орқасига яшириниб олдилар. Вав Ману бу қора, баҳайбат киши уларга ҳеч тегмаслигини тушунтирмагунича, болалар ўз жойларига қайтиб ўтиришмади. Шундай бўлса ҳам уларнинг кўзлари Динкуяманинг кўзлари билан тўқнашиши биланоқ яна қўрқиб оналарини ёрдамга чақиришарди.

Вав Ману бу баҳайбат киши билан қандай учрашиб қолгани тўғрисида дўстига қисқача сўзлаб берди. У Динкуямани шахтёрлар қишлоғининг бирида учратиб қолибди. Шахта компанияси уни ишдан ҳайдаб, паспортини ишкал қилиб берибди. Округда бошқа иш топишнинг иложи бўлмагач, очликдан ўлмаслик учун у бозорда гадойчилик қилишга мажбур бўлибди. Ана шундай кезларда Вав Ману у билан танишиб қолибди-да, бақувват йигитнинг гадойчилик қилиш сабабини суриштирибди. Динкуяманинг аянчли тақдиридан воқиф бўлгач, Вав Ману уни, Анвиасога бирга бори-

шини ва у ерда бойроқ какао плантациясига ишга жойлаб қўйишни ваъда қилибди.

Какаонинг дарагини эшитиб, Динкуяманинг қошлари розилик белгиси сифатида шо-диёна чимирилибди ва улар кўп ўтмай Анвиасога қараб йўл олишибди.

— Сизлар унинг кучига ва баҳайбат гавдасига қараб чўчиманглар — Динкуяма юмшоқ табиатли, қўйдай ювош одам, — деб қўшиб қўйди Вав гапини якунлар экан, — унга бор-йўғи керак нарса кўпроқ таому, хушмуомалалик ва айниқса хотин-қизларнинг ғамхўрлиги. Унга ана шу нарсалар бўлса бас, у сизни етти ухлаб тушингизга кирмаган даражада бой қилиб юборади.

Квази Адае узоқ ўйлаб ўтирмади. У Динкуяманики каби қўллар ажойиб ишлар учун яратилганлигини ҳаммадан кўра яхши биларди. Уй эгаси Динкуяманинг баҳайбат қўлларини дўстона сиқар экан, хотинига йўлда очиқиб келганлар учун кўпроқ таом келтиришни буюрди. Бу баҳодир кишининг уятчанлигини билган Вав Ману, уй эгаларидан у овқатланаётган пайтда уйга кириб туришларини илтимос қилди. Албатта, бунга ҳамма рози бўлди, айниқса болалар хурсанд бўлишди. Болалар бу девсифат одам олдидан кетишга баҳона топишолмай туришган эди.

Болалари тушмагурнинг ажойиб хусусияти бор-да! Уларнинг хоҳишлари амалга ошиб даҳшатли меҳмондан нари кетганларидан сўнг, энди яна унга қарашга, қандай овқатланаётганини томоша қилишга қизиқиб қолдилар. Улар ошхона бурчагига биқиниб олишиб, бу баҳайбат кишининг овқатланишини

кузатиб туришди. Чиндан ҳам Динкуяманинг овқатланиши ҳар қандай киши диққатини жалб қиларди.

Динкуяманинг овқатланиши ҳам одатдаги сериштаҳа, бақувват одамлардан фарқ қиларди. У таомни чайнамас, катта-катта бўлақларни оғзига солиб тўғридан-тўғри ютиб юбораверар эди. Буни кўрган ошхона бурчагидаги болалардан бирининг хаёлига унинг бу ютиши бўлса, хўрозни ҳам бемалол чайнамасдан ютиб юбориши мумкин, деган фикр келди. Бошқалар ҳам бу фикрга қўшилишди ва яна биргаликда Динкуяманинг овқатланишини кузата бошлашди. Қанча-қанча овқат бу баҳайбат кишининг томоғидан ўтиб, қорнига тушаётганини кўрган болалар ҳаяжон билан чувиллашарди.

Динкуяма тўйиб овқатланиб олгач, унга ювинадиган ва ётадиган жойини кўрсатишди.

Эртасига эрталаб Квази Адае Динкуямага янги ўроқ сотиб олди. Динкуяма кун бўйи ана шу ўроқни чархлади. У ўроқни фахр билан хўжайинига кўрсатганида, у кумушдек ярқираб офтобда киши кўзини қамаштирадиган бўлиб кетганди. Унинг лабларида табассум ўйнарди: ахир, устарадай ўткир ўроқ билан ҳатто чумолини ҳам баб-баравар иккига бўлиш мумкин эди-да. Энди хўжайин даласидаги ёввойи ўтлар аҳволига вой деяверинг.

Асбобнинг шу қадар моҳирлик билан қайраганига қойил қолган Квази Адае эртасигаёқ Динкуямани далага олиб боришга қарор қилди. Хўжайин ундан биринчи марта.

— Исминг нима?— деб сўради.

— Динкуеема,— жавоб берди баҳайбат йигит.

— Исминг қийин экан, яхшиси, оддийгина қилиб Динкуяма дея қоламиз,— деди хўжайин гапини якунлар экан.

У бутун қишлоққа шу ном билан танилди.

Эртасига эрталаб хўжайин уни «Берспрох» деб аталувчи машҳур даласига олиб борди. «Берспрох» чиндан ҳам жуда катта дала эди. Шунинг учун уни «Берспрох»— «Ўлчовсиз» деб аташса керак-да. Онда-сонда дарахтларда бултургидан қолиб чириган ҳосиллар кўзга чалинади. Хизматкор узун чангак билан қанчалик қоқиб олишга ҳаракат қилмасин, барибир онда-сонда қолиб кетибди.

Шундай қилиб, Квази Динкуямага катта фермасининг ҳар бир бурчаги, ҳар бир қаричигача таништириб, агар у яхши ҳосил олса, ундан бир қисмини унинг ўзига беришини ваъда қилди. Сўнгра Квази ўчоқ қурди-да, Динкуямага бир оз банан ва кокос ёнғоқларидан қолдириб, шу атрофдаги хотинининг фермасига жўнади.

Шундан кейин қарийб икки ҳафта хўжайин Динкуямани кўрмади. У ҳали хўроз қичқирмасданоқ «Берспрох» фермасига йўл олар ва шу кетганича уни ярим кечада, хўжайинлар аллақачон уйқуга кетганида тетик ҳолда хиргойи қилиб қайтаётганини кўриш мумкин эди.

Бир куни эрталаб хўжайин ундан:

— Динки, нега ҳалигачан уйдасан? Нима, тобинг йўқми?— деб сўраб қолди.

— Йўқ, соғман, ота,— жавоб берди баҳайбат йигит.

— Нега шу вақтгачан кетмадинг бўлма-сам?

— Кечирасиз, ота,— жавоб берди Динкуяма,— фермада иш қолмади, ҳамма ёввойи ўтларни ўриб бўлдим.

Квази ўз қулоқларига ишонмасди. Икки ҳафтада «Ўлчовсиз»ни тозалаб чиқиш деган гап-а! Наҳот мумкин бўлса? Эҳтимол Динкуяма шунчаки енгил-елпи тозалаган бўлса, у ҳам бировнинг ишига саратонда қўли ачийдиганлардан биридир. Шубҳасиз, худди шундай!

— Қани, Динкуяма, жомакарингни кий-чи Фермага бориб айтаётган эртагингни бир текшириб кўрайлик!

Улар «Берспрох»га келишганда Квази Адае ҳайрон бўлиб қолди: дала юзаки тозаланиши у ёқда турсин, голливудлик олифталарнинг тарашланган юзи каби теп-текис эди. У бурчак-мурчакларигача аҳамият бериб текшириб чиқди. Битта ҳам ёввойи ўт кўринмади, фақат тизилиб турган кокос дарахтлари кўзга ташланарди, холос.

Квази Адае мамнунлигидан хохолаб кулиб юборди, унинг хохолаши бутун далани тутиб кетди. У хурсандлигидан Динкуяманинг елкасига бир тушириб қўйди — ахир у фермани умрида бундай саришта кўрмаганди. Ўз хўжайинини хурсанд қилганлигидан қувониб кетган Динкуяма шўх ҳуштак чаларди. Улар уйга қайтишар экан, йўлда Квази ҳосил етилгунча Динкуямага қандай иш бериш устида бош қотирарди. Ниҳоят, уни хотинининг плантациясига юбориб туришга қарор қилди. Тўғри, дастлаб бундай қилишга унинг юраги дов

бермади, чунки хотини қўполлик қилиб қўйса, бу девкор одам хафа бўлиб, кетиб қолиши мумкин эди-да. Лекин унинг чўчиши беҳуда чиқди. Хотини бу боласифат, содда, улкан одамнинг кўнглини топа билди ва натижада, Динкуяма бу аёлга қаттиқ боғланиб қолди.

Фақат бир нарса — болаларнинг қитмирлигигина бу дўстликка барҳам бериб қўйиш хавфи бор эди. Болалар ҳаддан ташқари Динкуямани жигига тегишарди. Динкуяма овқатланишга ўтирди дегунча, улар дарров дарахт теппасига чиқиб олиб, унинг овқатни катта-катта олиб бирин-кетин ютаётганини кузатишар экан, кулгидан ўзларини зўрға тийишарди. Ҳатто бир куни бу қитмирлардан бири, ўзини тутолмай, нақ Динкуяма овқатланаётган идиш устига йиқилиб тушди.

Динкуяма буни ундан кулиш учун жўрттага қилинган деб ўйлади ва шундай мазали овқатдан маҳрум бўлганлигидан жуда қаттиқ хафа бўлди. Яхши ҳамки, хўжайиннинг хотини ақллилик қилиб Динкуямага бошқатдан овқат пишириб берди-да, ҳамма нарса босди-босди бўлиб кетди. Шу воқеадан сўнг, Динкуяма овқатланишга ўтирганида болаларни дарёга сув олиб келиш учун жўнатадиган бўлишди. Болалар одатда дарёдаги қисқичбақаларни ушлаш билан андармон бўлиб қолишар ва улар қайтиб келганларида, бу улкан одам овқатланиб бўлиб, ишга чиқиб кетган бўларди.

Орадан уч йил ўтди. Бу давр ичида Динкуяма Квази Адаени қишлоқдаги энг бой киши қилиб юборди.

Шубҳасиз, Квази Адае ҳам сахий одам эди, у қилган хизматлари учун Динкуямани рози

қилмоқчи бўлди. Ахир, у келтирган фойдаларни пул билан рози қилиш кифоя қилармикин? Ҳа, сирасини айтганда, бу сўққабош одам учун пул нимага ҳам керак дейсиз? Мана шунинг учун бир куни Динкуяма фермадан қайтганида, хўжайини уни ўз ёнига чақириб, унга ўз қизи Амма Ассони хотинликка бермоқчилигини айтди.

2

Хўжайини Квази Адае уни куёв қилмоқчилигини билган Динкуяма ўзида йўқ хурсанд бўлди. Ахир, бу катта шараф-да!

Кишилар энди унга қандайдир батрак, келгинди деб эмас, балки ўзининг чексиз меҳнати ва тўғрилиги билан хўжайинига ёқа олган ва бунинг эвазига хўжайини уни ўз оила аъзоси қилиб олишдан бошқа мукофот топмаган киши деб қарайдилар. Ҳа, кишилар ўртасида Динкуяманинг обрўйи шундай ошиб кетиши мумкинки, ҳатто уни бирор лавозимга кўтаришлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Гҳм! Худди шундай бўлиши мумкин. Иккинчидан эса, Динкуяманинг бирор ёшгина ва нозик қизга аллақачон уйланиш вақти келган.

Шунинг учун ҳам Динкуяма ҳали ўн икки яшар Амма Ассони тезроқ балоғатга етишини ошиқиб кутарди. Энди Динкуяманинг бутун орзу хаёллари хўжайиннинг ана шу қизига боғлиқ бўлиб қолди. У бутун заминнинг асосий ғишти бўлиб, усиз Динкуяманинг барча орзу умидлари пучга чиқади. Амма Ассо

мумкин қадар тезроқ балоғатга етиши керак. Энди Динкуяма бу қизчани яширин ҳаяжон ва сабрсизлик билан кузата бошлади. У тез-тез қизчага ширинликлар, конфет, фермадан олиб қайтган ширин-шакар ёввойи мевалар тақдим қилишни одат қилиб олди. Бутун фожиа марказида турган бу ўн икки яшар қизчанинг ўзи қандай эди? У, кишини диққинафас қилувчи булутли кунларнинг бирида дунёга келган бўлса ажаб эмас. Қизчанинг 22 ёшлардаги латофатли онасини Квази Адае ўз ҳаётидай севарди, бироқ, у шу қизчани туғиши билан кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Севимли хотинининг ўлими Квази Адаега шу қадар оғир мусибат бўлиб тушдики, ҳатто кўпчилик у ҳам қазо қилса керак, деб уйлади. Аммо хотинидан қолган бу қиз уни ўлимдан олиб қолди. Лекин Ассо касалванд эди. Анвиасода ҳеч қачон болаларни тортиб кўришмас, борди-ю, тортишса Амма Ассо зўрға бир неча унций¹ гина келарди, холос. Унинг юзлари қонсиз, оёқ ва қўл бармоқлари шундай нимжон, позик эдики, худди ҳозир синиб кетаётгандай эди. Қизчанинг бундай нимжон ва касалвандлигига кишилар ачинишар, ҳамда уни соғайиб кетиши учун ҳеч нарсаларини аямасдилар.

Шафқатли кишиларнинг бу ҳаракатлари беҳуда кетмади. Ўгай онасининг доимий ғамхўрлиги ҳамда даволашлари орқасида у ҳам бошқа болалар каби тетиклашиб кетди. Амма Ассо ғамхўр, кўз қорачиғидай ардоқловчи отаси олдида тез вояга етиб борарди. Туғилган кунидан бошлаб уни яхшилаб йўргаклаб туришди,

¹ Унция — оғирлик: ўлчови, 27,166 гр. га тенг.

оёғи чиқиши билан Анвиасода уни ҳеч ким кўрмаган ўйинчоқлар билан кўмиб ташлашди. Боқишганини айтмайсизми! Бунини тасаввур қилиш учун у еяётган мазалик мўл-кўл таомларни кўрган бошқа болаларнинг ҳаваси келиб, туфук ютиб ўтиришларини айтиш кифоя.

Мана шундай шароитда тарбияланган Амма худди кутилгандай оиланинг эркаси бўлиб ўсди. У беш ёшга тўлар-тўлмас унга қилинаётган совғалар, ғамхўрликни кўрган ҳар қандай маликанинг ҳам ҳасади келарди. У бирор нарсани истаб кўзидан томчи ёш чиқарса борми, у нарса плиткали шоколадми, коп-токми, ишқилиб, нима бўлишидан қатъи назар, дарров муҳайё қилинарди.

Вақт ўтиши билан Амма тобора қўпол ва одобсиз бўла борди. Агар бирор киши унинг истагини бажо келтирмаса, шундай беадаб сўзлар айтардики, гарчи бу сўзларни Амма ўшаларнинг ўзидан ўрганиб олган бўлса-да, ғийбатчи ва шаллақи хотинлар ҳам лол бўлиб қолардилар. Мўл-кўл келтириладиган нарсалар ҳам унинг аста-секин жонига тега бошлади. Амма даб-дурустдан конфет сўраб қолар, конфет келтириб беришса, уни товуқлар олди-га сочиб юборар, товуқлар еб қўйса, кучининг борица бақириб йиғлай бошларди.

Янги-янги нарсаларга одатланиб қолган Амманинг кўнглини энди ҳеч нарса овлай олмас эди. Шу сабабдан ҳам у беадаб сўзлар айтиш билан ўзини овутадиган бўлиб қолди. Хафа бўлиб турган бўлса, у кўринган ҳар бир одамни бир-бир қарғаб чиқарди. Қизини бу аҳволда кўриб, отаси жуда хафа бўларди-ю, лекин ўзи яратган бу заҳар дарёсини тўхта-

тишга қодир эмас эди. Кейинча қизи унинг ўзини ҳам ҳақоратлайдиган бўлиб қолди. У ўз қўли билан ўзига тузоқ ясаганди.

Агар сиз бирор нарсани худо деб танидингизми, тамом, охиригача унга иқрор бўлиб, ножўя ишларини кўра-била туриб шундай қилиши керак дейсиз ёки унинг инжиқликлари олдида азоб чекиб юраверасиз. Квази Адае ўз вақтида бу ҳақда ўйлаб кўрмади.

Бора-бора отанинг кўзи очила бошлади. Ахир кўриб турибдики, қизча эмас, балки бола қиёфасидаги йўлбарс вояга етмоқда. Квази Адае диндор бўлганидан қизимга инс-жинслар таъсир қилган бўлса керак, деган қарорга келди. «Амма Ассо — жодугар, — деб ўйларди у, — уни фақат азоб ва қийинчиликларгина тўғрилай олади». Бунинг устига, аллақачон Амманинг зулмидан тўйган хотини ҳам биринчи хотинининг вафот этишига Аммадаги инс-жинслар сабабчи бўлганлигига уни ишонтиришга ҳаракат қиларди. Квази Адае эса уни ҳамон эҳтиром билан хотирларди. Амманинг ўз отасига муносабатлари, отада ўз қизи ҳақидаги ҳар қандай гапларга дарров ишона қолишга сабабчи бўлди. Ўз қизининг бундай бадфеъллигига шайтон кирдикорлари эмас, балки ўзи сабабчи эканлиги ҳақидаги фикр хаёлига ҳам келмасди.

Шундай қилиб, Амма Ассо жодугарсифат бўлиб қолди, унга бўладиган муносабат ҳам шунга яраша эди. Ҳатто у ҳақда гапириш ҳам ман қилинди. Қишлоқ аҳолиси Аммани четлаб ўтадиган бўлиб қолди. Ҳеч ким у билан бирга бир столга ўтирмас, унинг чиройли кўйлаклари тортиб олиниб бошқаларга берилганди.

Энди у билан ҳеч ким ўйнамасди ҳам. Амма ўқиш ёшига етганида эса, отаси уни мактабга яқин йўлашга ҳам рухсат бермади. Болалар шовқин-сурон билан тоштахта кўтариб мактабга боргач, дарсга берилиб, қўлларинигина эмас, юзларигача беихтиёр бўр суриб олган кезларида, у орқа ҳовлида танҳо ўзи юрар, чувалчанг қидириш ёки сичқон ўйнаш билан машғул бўларди.

Эрталабдан кечгача фермада бўлиб, қишлоққа камдан-кам келадиган Динкуяма буларнинг барчасидан албатта беҳабар эди. Шунинг учун ҳам у хўжайин ўз қизини бериб менга катта марҳамат кўрсатяпти, деб ўйларди. Квази Адае Динкуямага ўз қизини бериш билан жодугардан қутулмоқчи эканини у қаердан билсин.

Амма Ассо бўлса, уни Динкуямага беришларини хаёлига ҳам келтирмас эди. У Динкуяма олиб келадиган мева-чеваларни ҳеч тортиниб-нетиб ўтирмай, олаверарди, чунки у бу катта одам болаларни севишини билар эди-да. «Динкуяма унга шунча эътибор бераётган экан,— деб ўйларди Амма,— бу унинг раҳмдиллигидан, бечорага ғамхўрлик қилаётганидан бўлса керак».

Амма Ассо ўн уч ёшга гўлганда Кумасида яшовчи бичиқчи холаси Анвиасога меҳмон бўлиб келди. У опасининг биттаю битта қизи шундай бахтсиз ҳолга тушиб қолганлигини кўриб отасидан қизни Кумасига олиб кетиш ва у ерда унга ҳеч бўлмаса бичиш-тикиш ҳунарини ўргатишга рухсат сўради. Квази Адае рози бўлди. Динкуямага ҳам унинг бўлажак хотини чеварликдек фойдали касбни

эгалласа зарар қилмаслигини тушунтиришди. Шубҳасиз Динкуяма ҳам бунга рози бўлди.

Орадан қарийб уч йил ўтиб, Амма Ассо уйига қайтиб келганида, у етилиб шундай гўзал бўлиб кетган эдики, қишлоқ аҳолисига у гўё бошқа планетадан тушгандек бўлиб туюлди.

Бу, ҳамма жодугар деб қаровчи олдинги Амма эмас, бутунлай бошқа эди. Амма ёлғиз эмас, қора «мерседес» такси эгаси — ёш йигит машинасида у билан турмуш қуриш учун отасидан фотиҳа олиш учун келганди.

3

Кумасидан Амма Ассо билан келган ёш такси эгасининг мақсадини англаши билан Динкуяманинг юраги қинидан чиқар даражада ура бошлади. Унинг вужудини рашкнинг оловли тўлқини шундай қамраб олган эдики, бир неча дақиқа кўзи тиниб атрофидаги нарсаларни туман ичида кўраётгандай бўлди.

«Наҳотки, — қалтираб ўйларди у, — наҳотки яшашим боиси — орзуларим ана шу қиз билан боғланган ва ўз хўжайинининг оила аъзоси бўлиш ҳақидаги орзуларим чилпарчин бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, бундай бўлмайди!»

Динкуяма дарҳол Квази Адаени қидиришга тушди. Унинг қалбида қизгин фикр тортишуви борарди. Биринчи фикр: Амманинг бўйи етиб, чиройли бўлганда хўжайиннинг ваъдага вафо қилиши амри маҳол. Ахир

шундай бой қаллиғ турганда, чол айтган сўзларидан тониши мумкин, деган фикр ваҳима туғдирса, иккинчи юмшоқ ва сокин бир фикр — изчил равишда оддий мантиқни пеш қиларди. Ахир, Квази Адае ҳеч қачон ўз сўзидан қайтмаган. У софдил одам, ўз ваъдаси устидан чиқади. Шубҳасиз, у ўз қизига, «Отангни шарманда қилма» — дейди-да, Динкуямага хотин бўлишини буюради. Қизнинг бўлса ота амрини бажаришдан бошқа иложи йўқ. Динкуяма худди шу қиз туфайли шунча йил сариқ чақа олмай текинга ишлади, хўжайинини шундай бой қилиб юборди, хўжайин билса керак, албатта.

Динкуяма шундай хаёллар билан ҳеч қандай қарорга келмасданоқ, Квази Адае эшигини қоқди.

— Кира қол, — жавоб қилди хўжайин негадир маст кишининг овози билан.

Динкуяма эшикни очиб ичкарига кирди. Стол атрофидаги креслоларда ястаниб Квази Адае ва такси эгаси ўтирарди. Столда бўшайдеб қолган бири сода сувлик, иккинчиси вискилик шишалар турарди:

— О, сенмисан, Динкуяма! Утир оғайни, қани, биз билан мана бундоқ бир стакангина ичиб ол-чи.

Квази Адае виски қўйиш учун стакан қидира бошлаган эди, Динкуяма уни тўхтатди.

— Қуллуқ, ота, мен ичмайман. Сиз меҳмон билан банд экансиз. Кейинроқ кирарман.

У иккаласини холи қолдириб ташқари чиқди. Динкуямага жуда оғир эди: у хўжайин уйидаги бўлаётган воқеалар моҳиятига тушу-

ниб етди. Бу шумтака ишонч қозониб олган бўлиши керак. Демак у омадини бой бериб қўйганга ўхшайди.

Динкуяма нима қилишини билмасди. Унинг қалбида аллақандай овоз «Буларнинг ҳаммасидан воз кеч!» деса, иккинчи янгроқ ва даҳшатли бир овоз «Йўқ, мақсадинга етишишга интил!» дерди. «Аммага бир қара. У шундай гўзалки, у сенинг муҳаббатинг учун яратилган. Ахир сен шундай гўзал маликадан воз кечасанми?» Динкуяма ана шу сўнгги овозга қулоқ солди. Чиндан ҳам қиз гўзал эди, унга бўлган муҳаббати эса соат сари ортиб борарди. Йўқ, бу муҳаббатдан ҳам улкан бир ҳис-туйғу эди. Унинг келажак ҳақидаги, оилавий турмуш ҳақидаги орзулари ядро атоми атрофида айланувчи электронлар каби ўша қизга боғланган эди. Унингсиз яшашнинг ҳам кераги йўқ. Ахир у ҳаётдан воз кечиши керакми?

Динкуяма Квази Адае эшигида анча кутди ва ниҳоят ёш йигит хонадан чиқиши билан у ичкари кирди. Хўжайин кўзини юмиб креслода ёнбошлаб ётарди. У эса хўжайиннинг бундай пайтларда ухламаслигини биларди. «Худди шундай тўйиб ичкилик қилгандан сўнг, хўжайиннинг миясига доно фикрлар келади», Динкуяма хаёлига шундай фикр келди. Шунинг учун Динкуяма унинг олдида шундай пайтда келганидан мамнун бўлиб қўйди. У ҳақиқатни топишига ишонарди.

Квази Адае аста кўзини очди:

— Ҳа, Динкуяма, бу сенмисан.

— Ҳа, отахон, мен келувдим, — жавоб берди Динкуяма.

— Яхши келибсан, қани ўтир,— таклиф қилди хўжайин,— мен сенга тағин нима қилишим керак?

Динкуяма гап бошлашга қийналарди. У ҳар вақт ҳам хўжайин билан гаплашишдан тортинарди. Лекин бугун бошқа илож йўқ. Гарчи гапирмоқчи бўлган сўзларини обдан ўйлаб олган бўлса ҳам, гапи қовушмаётганини сизди.

Квазе Адае қаноатли одам. У кўзини юмиб жимгина кутиб турди. Хонага шундай сукунат чўмдики, агар кимдир эшик тақиллатмаса бу сукунат ким билсин, қанча ҳукм сулардийкин, Динкуяма эшик томонга қаради-ю, юраги қуш каби питирлаб кетди — эшик ёнида отасига кечки таом олиб келган Амманнинг ўзи турарди.

Динкуяманинг боши айланиб қолди. «Наҳотки,— ўйларди у,— бу қиздан ўз отаси нафратланган бўлса? Ахир, худди шу қизни жодугарга чиқаришмаганмиди? Энди бўлса унинг қўлидан овқат ейишдан мамнун! Эҳ, бу дунёдаги нарсалар шундай тез ўзгараркан-а?»

Мана шу фикрлар уни тамом чулғаб олган бўлса-да, у сиртдан тинч ва хотиржам кўринарди. Динкуяма Аммага бадҳазм овқат еяверишдан қорайиб кетган тишларини кўрсатиб тортиниброқ илжайиб қўйди. Амма ҳам унга жавобан кулимсиради-да, эркаланиб яна қачон совғалар олиб келишини сўради ва тезда ташқари чиқиб кетди.

Амма бу ерга кириб Динкуяманинг сўз очишига беихтиёр шароит яратиб кетган эди. У эшикни ёпиши билан Динкуяма оғир жимликни бузиб тилга кирди. У юрагидаги бор

гапни тўкиб солди ва тўғридан-тўғри Қвази Адаедан ўзларининг бир ёстиққа бош қўйишлари учун у қачон тўй тараддудини бошлаб юбормоқчилигини сўради.

Қвази Адае аллақачон жавоб тайёрлаб қўйган эди. У одатдагидек айёрлик қилиб ўзини гўё очик гапираётган кишидай кўрсатди ва у ёш йигитни нима мақсадда келганини, ичкилик қўйиб бериш ва совғалар тақдим этиш билан унинг бошини айлантирмоқчи бўлганлигини айтди.

— Лекин, Динкуяма, сен безовта бўлма,— қўшиб қўйди у гапининг охирида.— Амма менинг қизимлиги рост бўлгани каби сенга хотин бўлиши ҳам рост. У йигит бугун кетади. Мен уни жўрттага тўй маросимларини ўтказиш учун амакисини олиб келишини буюрдим. У қайтиб келганича сен билан Амма эр-хотин бўлиб олган бўласизлар. Мен унга кейинроқ келишини тайинлайман. Шундай қилиб, қарабсизки, у қўлини бурнига тиқиб қолаверади-да. Қалай, яхши топибманми?— Хўжайин гапини тугатиб, хохолаб кулиб юборди.

Кўнгли таскин топган Динкуяма хушчақчақ ҳуштак чалган ҳолда хонаси томон йўл олди.

«Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлагандим, Қвази Адае чиндан ҳам яхши, ҳалол одам, кўп ўтмай умидларим амалга ошадиган бўлди», Динкуяма йўлда кетар экан шуларни ўйлаб борарди.

Шу кеча Динкуяма ҳар галгидай донг қотиб ухлади. Шу ухлаганича тунги соатиккида қаттиқ чанқашдан уйғониб кетди ва сув ичиш учун ташқарига чиқди. Ҳовуз йўл ёқасида

эди. Динкуяма сув ичиб хонасига қайтиб келар экан, бирдан кимнингдир шивирлаб гапираётган товушини эшитиб қолди. Қандайдир бир эркак билан аёл нима тўғрисидадир шивирлашиб маслаҳатлашишарди. Аёл, отаси қонга солишни эсидан чиқарган аллақандай нарсани олиб келиш учун рухсат сўрарди.

Динкуяма масала нимадалигини тушуниши учун бу овозни қайта эшитиши шарт эмас эди; унга хотин бўлиши лозим бўлган қиз, ўз отасининг розилиги билан, гўё амакисини олиб келиши лозим бўлган ҳалиги киши билан қочиб кетаётган эди.

Унинг қалби рашк ва ғазабдан талпинарди. Миясига: «Ўлдириш керак, ҳар иккаласини ўлдириш керак!» деган фикр келди. Қиз ўз уйига ўтаётганда кўриб қолмасин деб у деворга қимтиниб турди. Сўнгра ўғри мушук каби секин-секин юриб кириб хонасидан ўроқ олиб чиқди. Бир сакраб девор кўланкасига ўтди-да, бутун гавдасини сиқиб нафас олмай турди.

Динкуяманинг вужуди қулоққа айланганди. Оёқ товуши эшитилди, лекин ажабланирлиги шуки, у томондан ҳеч ким келмасди, балки, аксинча, оёқ товуши йўл томондан уй сари яқинлашиб келарди. Қим бу? Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас Динкуяма ҳамма нарсага тушунди: йигит севимли қизидан хавотирланиб уни кутиб олгани келяпти. Мана, бошқа одамнинг енгил ва шошилиб қадам ташлаши эшитилди. Бу уй томондан келаётган оёқ товушлари эди.

Севишганлар нақ Динкуяма бекиниб турган девор тагида учрашишди. Булутлар ости-

дан сузиб чиққан ой, хўжайиннинг қизи ва шоферни кумуш нурлари билан ёритиб юборди. Энди Динкуяма ҳамма нарсани худди кундузгидек яққол кўриб турарди. Ёш йигит қизни аста ўз қучоғига олди. Қиз ҳам йигит қўйнига кирди. «Нега бунча хаёлладинг, мен хавотирлана бошлагандим», енгил хўрсиниб, мулойим гапирди йигит. Кейин қизни ўзига қаратиб лабларидан қаттиқ-қаттиқ ўпа бошлади; буни кўрган Динкуяма ўзини йўқотиб қўйди.

Бутун вужуди қалтираб қўлидаги ўроқни қаттиқ қисган Динкуяма бор кучи билан уларга ташланмоқчи бўлган ҳам эдики, шу вақт Амма у томонга юз буриб қолди. Ёрқин ой нурида унинг юзи ҳар галгидан ҳам гўзал кўриниб кетди. «Мана, мен учун ҳаётда энг азиз бўлган одам, ҳатто ҳаётимдан ҳам азиз» Динкуяманинг хаёлидан шундай фикр ўтди.

Бирдан унинг миясига у ҳеч кимни ўлди-ролмаслиги ҳақидаги даҳшатли фикр келди: севги-рашк ва ғазабдан устунлик қилди. Бутун танаси музлаб кетди, қўлидаги ўроқ аста сирғаниб ерга тушди. Миясига яшин каби ялт этиб бир фикр келди: «Шундай гўзал, ёш қиз... у узоқ умр кўриши, кўп кулиши керак... Болалари, кўп болалари бўлади... Ўзи каби чиройли ўғил ва қизлари бўлади... Уни ўлдириш, севгини, болаларни ўлдириш демакдир... Мен бўлсам болаларни севардим...»

Ҳеч нарсани сезмаган ошиқ-маъшуқлар аста машина томон йўл олишди. Мотор ўт олди ва машина чироқлари ўчиқ ҳолда нақ Динкуяманинг олдигинасидан ўтиб кетди.

Бу улкан кишининг бутун вужудини қандайдир бўшлиқ ва муз қоплаб олган эди. У тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўшашиб кетди.

Кўзларидан ёш томчилари думалаб тушиб, қалтироқ лаблари аста шивирларди: «Қуёшим кетди. Динкуяма учун бир умрга зулматда яшашдан не ҳожат? Хўжайин Динкуямани алдади... Динкуяма учун ҳаёт не даркор? Амма бахтли бўлишни хоҳлайди. Динкуяма бўлса, унга халақит беряпти... Амма учун унинг ҳаёти керак экан... Ана, ола қолсин бўлмаса!»

У ерга тушган ўроқни шарт олди-да, самимий табассум билан ўз бўйнига солди...

Эрталаб қўшни болалар Динкуямани қонга беланиб ётган ҳолда топиб олишди. Юзида ҳамон шодиёна табассум — Аммага қилган табассуми турарди.

Ранги оқариб кетган Квази Адае етиб келиб, Динкуяма мурдасининг у ёқ-бу ёғини кўргач, ҳеч нарса демади, фақат хотинига аравани қўшиб яқин ўртадаги ўликхонага мурдани текшириш учун юборишни буюрди.

Динкуяма мурдасини топшириб аста изига қайтар экан, Квази Адае ўйлади: «Эсизгина йигит, яхши ишчи, қўллари пўлат эди».

Яқинда ҳосил йиғиш вақти бошланиши эсига тушиб, бирдан безовта бўла бошлади: «Эҳ, бундай ишчини энди қаердан топаркинман?»

ТАКОРАДИЛИК БЕЗОРИ САЙР ҚИЛАДИ

У, сигарета кетидан сигарета чекиб, йўлкада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ботинкаси ҳар қадамда ғарчилларди. Ёнидан кетма-кет ўтиб турган автомобилларни, у диққат билан кузатиб турарди. Қош қорайиб қолгани туфайли машиналарнинг номерини ажратиш унга анча мушкул эди. Айниқса лампочкаси ёниб турган такси-да «оппель-капитан»ни кўрганда, у бир чўчиб тушарди.

У, мана шунақа машиналардан бирининг номерини билиб олмоқчи бўлиб, қаёққадир шошилиб кетаётган бир йўловчига урилиб кетди-да, йўловчининг ёқасидан ушлаб ўдағайлай бошлади:

— Бу нима қилганинг?! Қаёққа суқиялсан, нега туртинасан? Ҳозир кечирим сўра, аблаҳ!

Паст бўйли, юпин кийинган йўловчи безорининг каттакси гавдаси олдида жимитдек кўринарди. Аммо афтидан, у ҳам довюрак бўлса керак, жавоблари қўрқоқ одамларникига сира ўхшамасди:

— Нима гуноҳ қилдим, нега бунча силта-лайсан? Ахир ўзинг менга урилиб кетдинг-ку! Ўзинг узр сўрашинг ўрнига, ёқамдан ушлаб изза беряпсан. Бу нима деган гап, шу ҳам одобданми, сурбет бола экансан-ку!

— Астаффурилло!— деди таажжубланиб безори.— Нималар деб валдираяпсан? Яна бетинг чидаб мени бола дейсан-а? Сени қара-я! Яхшики мени боқмайсан-а! Ҳозир кунингни кўрсатиб қўяман!

У, йўловчини энди дўппослай деб турган эди, тўсатдан берилган автомобиль сигналининг шиддатли овози, уни жонҳолатда четга сакрашга мажбур қилди.

Тутақиб кетган безори, таксилар тўхтайдиган йўл устида турганлигини ҳам унутган эди. Шофер такси тўхташ жойига келаётган бир эркак билан аёлни кўриб, ҳойнаҳой шуларга машина керакдир, деган ўй билан шоша-пиша рулни ўшалар томон бурган эди. Ҳаёти хавф остида турган йўловчининг бахтига, безори бир сакради-да, уйилиб ётган қумга тиқилиб қолди.

Ундан қутулган йўловчи, шу замоннинг шум-така ёшларини койиб, ўз йўлига қараб кетди.

— Ҳамма бало, одоб деган нарсадан, уларда тариқча ҳам йўқлигида,— деб гўлдиради у узоқлашар экан.

Ўрнидан бир амаллаб турган безори ботинкасидаги қумни тўкиб, кийимларини қоқа бошлади. Унинг авзойи бутунлай бузуқ эди. У жаҳл билан сигаретасини бурқситиб, маъ-юс, ўз аҳволини ўйлай кетди.

— Ҳа, кексалар бекорга: «юрган дарё, ўтирган бўйра» дейишмаган экан. Квази Асамоа деган асл номим унутилиб, безори деган

лақаб орттирдим. Мана энди шу ҳолга тушиб қолдим-а! Такорадидаги кўп йигитлар мени кўришлари билан ура қочадиган, «Учарлар» шайкасининг бошлиғи, полиция бир неча йилдан бери қўлга туширолмаётган довюрак, безориман-а! Ақлга сиғмайдиган ишлар! Бу ер Такоради эмас, Аккра бўлгани учун шаҳарга олиб борадиган бирор йўловчи чиқиб қолгунча, гўдак боладек кутиб туришим керак.

Безори ўз ҳолига ўзи ачиниб хуноб бўларди. Бироқ папирас чекиб ўзини овутишдан бўлак иложи йўқ эди. Аккрадан олган дастлабки таассуротлари қайта-қайта эсига тушаверди. Безори соат бешда Кумасидан келган поезддан тушди-да, чамадонини орқалаб, чинакам дайдилардек вокзалдан чиқиб кетди. Ҳа, шубҳасиз, Макрато айтгандек бу Адабракадаги Атукпай деган такси тўхташ жойи эди. У шу ерга келиб, Макратони сўради. Шоферлар одатда Макрато машинасини шу ерга қўйишини айтишди, аммо унинг ҳозир қаердалигини билишмас экан. У, Аккрада Макдан бошқа ҳеч кимни танимасди. Шунинг учун бу жавоб уни қаноатлантирмади. Безори ўлардай чарчаган, уйқу босиб келарди. У, Такорадидан Кумасигача ухлаш мумкин бўлган вагонда келган бўлса-да, жуда тиқилинч бўлганидан озгина мизғиб олди, холос. Пет деган қиз ҳамроҳи билан дилкашлик қилиб, ичишиб келди. Бундан у роҳатланган бўлса ҳам, лекин мириқиб дам олиш насиб бўлмади.

Ҳозир соат еттидан йигирма минут ўтди. Аккарага тушганига роса икки соату йигирма минут бўлди-ю, Макратодан ҳамон дарак йўқ.

«Нима ҳам дердинг, бу шофер ҳали меҳмон

чақиришни қойил қиларкан»— деб ўйлади у, фигони фалакка кўтарилиб.

Шу пайтда тезлик билан келаётган «оппель» нинг овози эшитилди. Шоферлар машиналардан сакраб чиқишди-да:

— Ҳайда! Ҳайда! Бас! Бирор жойи бузилиб қолгудай бўлса, гаражда тузатиб беришади, пулини хўжайин тўлайди,— деб бақириб-чақиришди.

Улар машинанинг номерини кўришгач:

— Макрато-о-о!— деб қичқиришди.

Безорининг юраги орзиқиб кетди. У бармоқларини лабига қўйиб, қаттиқ ҳуштак чалган эди, ҳуштакнинг акс садоси тормоз берилган машинанинг ғилдиракларидан чиққан овозга қўшилиб кетди: Машина бирданига орқага, безори турган жойга тисарилиб борди. Унинг кетидан келаётган автобуснинг соқолли ҳайдовчиси эса жон-пони чиқиб кетганидан машинани кўчанинг ўртасида таққа тўхтатиб, сакраб ерга тушди. Автобуснинг орқасида тирбанд бўлиб қолган машиналар сигнал бера бошлашди. Улардан бири ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин қаршисидан келаётган оғир юк машинаси билан тўқнашиб кетишдан қўрқиб, таққа тўхтади. Нақ қиёмат қойимнинг ўзи бўлди.

Автобус ҳайдовчиси тўхташ жойида такси шоферлари билан сўкишар, шоферлар бўлса уни масхара қилишарди. Ўз автобуси ёнига борган соқолли ҳайдовчини табриклаб, орқасида қатор тизилиб турган машина шоферлари барабар сигнал бериб шоширишарди.

Бу кўриниш ҳам кулгили, ҳам қайғули эди. Жаҳли чиққан ҳайдовчи соқолини юлгудек

бўлиб, автомобилларнинг аввалгидан ҳам баландроқ сигналлари, шоферларнинг ҳайқириқ-чақириқлари остида йўлга тушди. Бу орада топишиб олган Макрато билан безори, бўлаётган ҳодисаларга ҳечам эътибор қилмай, бир-бирларининг қўлларини сиқиб, сиҳат-саломатлик сўрашар, бири узр сўраб, ваз кўрсатарди.

— Мак,— дерди безори ўпкалаб,— мен қачондан бери шу ерда санқиб юрибман! Бирпасда қанча ҳодисаларга дучор бўлдим!.. Қаёқларда юрувдинг?

— Э, биродар! Бир оз пул ишлай деб Бекуэйга борган эдим. Сенинг кутиб туришингни билардим, шундан кўнглим хижил бўлди, лекин, биласанми, ўн уч фунт — бизнинг бу оғир шароитда шунча пулни қўлдан чиқариб бўлмайди-да. Балансимни кун бўйи шаҳарда ишлагандек олиб юраман. Бекитиқчи иш қилганимни хўжайин билмайди. Шунинг учун унга уч фунт етади. Ёнилғига кетгандан қолгани «чобом» бўлади.

— «Чобо»инг нимаси?— деб сўради безори.

— Э, жўжасан-да, ҳамкасбларимиз ўз улушларини чобо дейишади. Мана: уч фунтни ёнилғига ажратсам, ўн фунт қолади, учтаси хўжайинга, етти фунт ўз киссамга тушади, ҳа, яна йўлда тўрт пассажирни Кумасига элтиб қўйдим. Улар икки фунт тўлашди. Ҳаммаси бўлиб роса тўққиз фунт. Ёмон эмас-а?

— Зўр-ку,— деди безори.— Лекин қорним оч. Юр, бирор нарса еб олайлик.

Улар Макратоникига боришиб, хотини олиб келган ҳамма нарсани еб бўлишди. У ёқ-бу ёқдан кейин, сиёсатдан гап сотишди. Ниҳоят

гаплашадиган гап ҳам қолмади. Безори кечки клубга бориб танца тушиш хоҳиши борлигини айтиб, дўстини хижолатпазликдан қутқазди.

Икковлари ясаниб-тусаниб соат саккиз яримда клубга келишди. Фақат Мак тақиб олган яшил ойнали катта кўзойнак унга ярашмай, юзини ҳаддан ташқари кичайтириб юборгандай эди. Бу кўзойнакда у, худди шайтончага ўхшарди. Безори ўзининг ҳалпиллаб ётган камзули билан кофе ранг тор габардин шимида стилияганинг худди ўзи эди. У, Аккрада ўзини кўрсатмоқчи эди.

Клубдаги қовоқхона одатдагича одам биланлиқ тўла. Улар эса, Мак айтганидек, шинам жой топиб, ҳамма кўнгилсиз воқеаларни эсдан чиқариб, ҳузур қилиб ичишмоқчи эди. Шунинг учун ҳам улар «Аъло хизматлар» номли ресторанга йўл олишди. Бу ерда «Рок-сити-буги» куйи чалиниб турарди. Безори ортиқ тоқат қиллолмай, қўнғир сочли, келишган қизнинг белидан тутиб танца туша бошлади. Афтидан, қиз ҳам танца тушиб юрган бўлса керак, безорининг ҳар бир ҳаракатига монанд ҳаракат қиларди. Йигит эса атрофини ўраб олган хўрандаларнинг ҳайқириб олқишларидан руҳланиб, Такоради майхоналарида ўрганган санъатини намойиш қиларди. У, буралар, сонларини диркиллатар, йиқилгандек ўзини кескин орқага ташлар, шеригининг қўлларидан ушлаб бирдан сакрар, кейин шу ҳаракатларини яна янгитдан такрорларди. Безори буларни жуда эпчиллик билан бажарар, кўринишда Теннеси Эрни «Рок-сити буги»ни атайлаб унга ёзгандай эди.

Музыка тинди. Бу текин томошанинг томошабинлари уларни қизгин олқишлашди.

Хамма уни табриклаб ичкилик таклиф қилди. Вақтичог бўлган Макрато эса уни мақтаб кифтига уриб қўйди. Безорининг боши осмонга етди. У, «Безори пойтахтда» деган манзарани худди шундай тасаввур қиларди.

— Қалайсан Мак, гапир дўстим!— деб бақирарди у столнинг қарши томонидаги ўртоғига.— Бир дилдан чиқариб Гаванадаги «Уик-энд»га сайил қилмаймизми? Мен Такорадида «Уик-энд»нинг таърифини эшитганман. Эшитишимга қарганда, у ерда яхшигина қизчалар сероб эмиш...

Мана улар «Уик-энд»га ҳам боришди. Жаз уларни машҳур «Мамбо» куйи билан кутиб олди. Ҳа, безори бугун ҳақиқатан ҳам гашт қиларди. Тез орада у кенг, «стил» қадамлар билан сирпаниб танца тушиб, бутун зални ўзига қаратди. Танца қилаётган жуфтлар уни томоша қилгани тўхтаб қолишди. Қизлар, ўзлари билан танца тушишини илтимос қилиб, безорини қуршаб олишди. У, борган сари ғурурланиб, димоғи кўтариларди. Ахири у танцадан чарчаб, ҳамроҳини шартта итариб юборди-да, сигарета сотиб олгани ресторан пештахтаси ёнига борди.

— Эй, буфетчи, менга икки пачка «Лаки» бер!— у, мудраб турган буфетчининг қулоғига бақирди.

— Қанақа «Лаки»?

— Сендақа лиманадфурушни қара-ю! «Лаки»ни билмайсанми... Мана кўр, «Лаки-страйк»— америка сигаретаси.

— Бизда бунақаси йўқ,— деди буфетчи.

— Оъкей, «Гавана»дан беравер.
— Тугаган.
— «Қабалеро»-чи?
— У ҳам тугаган,— деб жавоб берди буфетчи, кейин яна мудраб кетди.

Безорининг ҳайвоний ҳирслари қўзғалди. У, пештахтага эгилиб, мудраётган буфетчининг бошига мушт солди. Зарбдан буфетчи девор тоқчасига урилиб, ундан аллақанча шиша жаранглаб ерга тушди. Буфетчи ҳам тутатқиб, стакан ювадиган челақни олиб, рақибига отди. Аммо безори такорадилик эмасми, яккама-якка муштлашишнинг ҳамма усуллари биларди. У, қоплондек чаққонлик билан ўзини четга ола билди, стаканлар улар томонга югуриб келаётган хўрандаларнинг афтиларига келиб тегди. Безори пайтдан фойдаланиб пештахтанинг устига чиқиб олди-да, буфетчининг лунжига кетма-кет икки марта туширди. Бу зарба уни сулайтириб қўйди. Шундан кейин у қайрилиб қараса, рўпарасида полиция ходимлари туришган экан. Қатта шаҳарга келган куни хотирида узоқ сақланиб қолсин учун уни бир неча ҳафтага қамаб қўйишди.





Г. Р. Хагэн

ЖЕКСОННИНГ РЕЖАСИ

Қофи Жексон «Индастриал эйжентс лимитэд», фирма идорасида ойига ўттиз беш фунт олиб, ҳисобчи бўлиб ишларди.

Мана шу Жексоннинг бир куни бошқа бир идорага ҳисобчи кераклиги тўғрисидаги эълонга кўзи тушиб қолса бўладими. Омади келганини қарангки, у ерда худди шу хизмат учун қирқ беш фунт тўланиши айтилган. Жексон узоқ ўйлаб турмай ўша идора томон югурди. Орадан уч ҳафта ўтгандан кейин, у 1 февралдан янги хизматга тушинг, деган расмий таклиф ҳам олди. Хат 23 январда ёзилган эди.

— Омад келди!— деб севинди у, хатни ўқир экан.

У ўзида йўқ хурсанд эди.

— Хизматга жойланишим аниқ. Ҳозироқ розилигим тўғрисида жавоб ёзишим керак.

Бироқ, ишлаб турган еридан бўшаш учун бир ой илгари огоҳлантириш ёки идора кассасига бир ойлик маоши миқдорида жарима тўлаши кераклигини ўйлаб қолди. Бунга эслар экан, уни қайғу босди.

— Оббо, нима қилсам экан-а?— деб хўрсинди Жексон, хатни қайта кўздан кечира туриб.— Бир йўлини топиш керак.

У, хатни конвертга қайтариб солди-да, яна хўрсинди. Кофи Жексон атрофга кўз тикиб хаёл денгизига ботди:

«Йўқ, йўқ! Қарз олишни ўйламай қўя қолай. Ўтган ойда 30 фунт қарз олган эдим, 40 фунт қилиб қайтиб беришга тўғри келди, бу ўн фунт процент-а».

Бунинг устига, келаси ой хотинининг кўзи ёриши керак. У турди-да, хопанинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади.

— Ҳай, безорилар, шовқин қилмасангларчи!— у деразадан бош чиқариб ҳовлида ўйнаётган болаларга қичқирди.

— Кофи, бугун чарчаганга ўхшайсан,— деди хотини хонага кираётиб, кейин бошқа ишлар билан овора бўлар экан қўшиб қўйди:

— Бугун эрталаб акушеркани кўрган эдим. У, чақалоққа керакли баъзи нарсаларни сотиб олиш лозимлигини айтди.

— Яхши! Нималар олиш кераклигини унутма,— деди деразадан ташқарига қараб турган Кофи.

— Хўп!— деди хотини.

У, қанча ўйламасин, лекин ҳеч қандай чора тополмади. Ахири бирпас бўлса ҳам бу тўғрида ўйламасликка қарор қилди.

Овқат пайтида хотини унинг одатдагича эмаслигини пайқади, бирор ҳодиса юз бергани аниқ сезилиб турарди.

— Кофи, нега бунчалик безовта бўляпсан?

— Ўзим, шундай. Идорада ишим чала қолган эди, холос.

Жексон тун бўйи ухламай чиқди. Эртасига эрталаб у хўжайиннинг хотинига йўлиқишга қарор қилди. Хўжайин ҳаддан ташқари жиддий ва ҳақиқий бюрократ бўлгани билан, хотини очиқ кўнгил, у идорага келганда эри қўл остидаги кишилар билан суҳбатлашишга майли борлиги маълум бўлган эди. Шу сабабли Жексон тўппа-тўғри хўжайиннинг данғиллама уйи томон йўл олди.

— Ҳалиги, хоним уйдаларми?— деб сўради у дарвозабондан.

— Уйдалар, бир оз кутиб тулинг,— деди дарвозабон.

Хонимнинг:

— Кимди?— деган овози эшитилди.

— Бу мен, хоним.

— Ҳа, ҳа, сизни танияпман.

— Номим Жексон, ҳисобчиман.

— Ҳа, албатта. Хўш хизмат?

— Сизни безовта қиладиган бўлдим-да, эрингиз билан маошимни бир оз ошириш тўғрисида гаплашиб берармикансиз деб келган эдим. Ойига фақат 35 фунт оламан. Оилам катта — олти киши, ҳаммамиз фақат шу пул билан тирикчилик қиламиз. Худо хайрингизни берсин, бекам, эрингизга айтсангиз, маошимни 10 фунт ошириб берсалар.

— Ойига 10 фунт?! Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас! Борди-ю, қўшганда ҳам фақат бир ёки икки фунт қўшади, холос.

— Утинаман, сиздан хоним, шу илтимосимни ерда қолдирманг.

— Хўп, яхши. Ҳаракат қилиб кўраман, лекин тушунишингиз керакки...

— Илтимос қиламан, хоним, аҳволимни тушунинг...

— Хўп, яхши. Уннаб кўраман, лекин катта кўшимча умид қилманг.

— Яхши, мен борай.

— Хайр.

Жексоннинг маошини ошириш тўғрисида, яна қанча денг! илтимос қилганидан хабардор бўлган хўжайин ғазабидан ўзини тутолмай қолди, ҳаммадан ҳам унинг бемаънилиги ғазаблантирарди.

Эртасига эрталаб хўжайин Жексонни ўз ҳузурига чақиртирди-да, бундан буён хотинига бориб бундай бемаънилик қилишни қатъиян тақиқлаб қўйди. Бироқ унга хўжайиннинг дағдағаси ҳам, сўзлари ҳам таъсир қилмади.

— Бундай ўйлаб қаранг-а, жаноб бошлиқ,— деди Жексон шартта,— менимча, сиз, умуман, бизга фирма ажратганидан камроқ тўлаяпсиз.— У одат бўйича қўлларини орқага қилиб ҳурмат билан туриш ўрнига, икки қўлини белига тиради.

— Нима, нима?!— деб бақариб юборди кўзлари қинидан чиқай деган бошлиқ. Кутилмаган гапдан унинг тепа сочи тикка бўлди.— Нима демоқчисиз? Сенга буни ким айтди?!

— Менга ҳеч ким ўргатгани йўқ.

— Демак, мен фирмани алдаётган эканманда, а?

— Йўқ бундай деятганим йўқ. Менимча бизнинг арзимас маошларимизни фирмага сиз таклиф қилгансиз, вассалом.

— Бўлди! Йўқол кўзимдан!

Жексон шу заҳоти кабинетдан чиқди. Чеҳрасидан хафалиги сезилиб турса-да, бир неча

дақиқа бўлса ҳам хўжайинининг кўнглини хира қилганидан дилида жуда хурсанд эди.

У ўз жойига келиб ўтирди-ю, бироқ иш қилмади.

— Ҳе бола, менга сигарета олиб кел!— деб буюрди у. Югурдак сигарета олиб келар экан, у роса бурқситиб кетма-кет чекаверди.

— Жексон, чиндан сизни таниб бўлмай қолди,— деди бошлиқ ёрдамчиси, чекиш қатъий ман қилинганлиги ҳаммага маълум бўлса ҳам, бурқийётган тутунни кўргач:— Бугун эрталаб бошлиқни хафа қилган эмишсиз.

— Ҳеч хафа қилганим йўқ, фақат маошимни оширишни илтимос қилдим, холос.

— Биласизми, ножўя хатти-ҳаракатлар қиялпсиз. Менинг сиздан ихлосим қайтди.

Аммо Жексонга бу гап ҳам таъсир қилмади. У мутлақо ишлашни истамасди. У комулатор хонасига кириб телефонистка Люси билан анчагина гурунглашди. Люсининг соддадиллиги Кофи Жексонга ёқиб тушарди, шунинг учун ҳам уни бирга овқатланишга таклиф қилди. Дилкаш қиз Люси Жексоннинг таклифини бажону дил қабул қилди. У Жексоннинг хушомадларини беғараз деб билар; Жексон ҳам Люсини эгри йўлга бошламоқчи эмас, фақат қиз билан ўрталарида бошқа бир сир борлигига жаноб Кок (мудир ёрдамчиси)нинг дилида шубҳа уйғотмоқчи эди, холос.

Шунинг учун ҳам у Люси билан иш соатларида гаплашарди. Худди шу пайт бошлиқ ёрдамчиси ўтиб қолди. Кофи қўлини мулойимлик билан Люсининг елкасига ташлаб, жаноб Кок эшитсин учун атай:

— Люси, бугун танца қилгани бормаймизми?— деди, баланд овоз билан.

— Жоним билан, бўшман.

Бу сўзларни жаноб Қок эшитди-ю, қисқичбақадек қизариб кетди. Ҳамма уни мулоҳим ва хушмуомала деб билса ҳам, аммо у серрашк эди. Люси уларнинг идораларида ишлай бошлагандан бери, у қизга катта илтифот кўрсатиб келар, гоҳо танцага таклиф ҳам қиларди.

Шу топда, ўтиб кетаётган ёрдамчи бошлиқ чидолмай орқасига қайтди. Жексон билан Люси ҳамон гурунглашиб туришарди.

— Жексон, ҳузуримга кириңг-чи.

— Яхши,— деди-да, Жексон Кокнинг кетидан ёрдамчининг хонасига кирди.

— Биласизми, Жексон. Бахтга қарши сиз билан хайрлашишга мажбурмиз.

— Шунақами?

— Жексон мен... мен, нима десам экан,— деб давом этди Қок.— Унинг кўнглидаги гапни очиқ айтишга кўнгли бормаётгани кўриниб турарди. У кўзойнагини олиб, ойнасини арта бошлади.— Ҳа, нимайди, нима демоқчи эдима?— У стулдан туриб, ҳақиқатан ҳам бирор нарсага қарамоқчидек дераза томонга юрди. Кейин ўгирилиб ерга қаради-да, яна Жексонга тикилди.

— Ҳа, Жексон, сиз фирманинг кекса ходимларидан бирисиз. Ўтган йили, Англиядан бош раҳбар келганида, эсингизда бўлса, сиз тўғрингизда анча яхши фикр айтган эдим.

— Ҳа, лекин мен нима қилибман?— деб унинг сўзини бўлди Жексон, Кокнинг сўзларидаги илиқ оҳангни фаҳмлаб.

— Бир дақиқа сабр қилинг. Айтмоқчиманки, кейинги кунларда хатти-ҳаракатингиз ёмонлашиб, чидаб бўлмас даражага етди.

— Люси билан ҳангамалашганимни айтаётибсизми, ёки бошқа бирор гап борми?

— Люси билан ҳангамалашганингизнинг аҳамияти йўқ, лекин сиз, бош ходим бўлганингиз учун бошқа ходимларга ўрнак бўлишингиз лозим. Сиз-чи?.. Яна шу феълингиз билан бошлиқ маошимни оширади деб ўйлаяпсизми?!

— Жаноби Кок, менимча сиз, шунчаки Люсини рашк қиляпсиз.

— Рашк қиляпман?!

— Ҳа, бундан буён бу иш такрорланмайди,— деди-ю, чиқиб кетди.

Маош берилишига уч кун қолганда у ошна-оғайниларининг ёнига югуриб қолди. Улардан баъзилари идорага келиб, Жексон билан гаплашиб ҳам кетишди. Ходимлар ҳайрон бўлишарди.

Эртаси куни Қофининг оғайнилари биринкетин идорага кириб келаверишди.

Биринчиси эрталаб вақтли келди.

— Мен хўжайинни кўрмоқчи эдим,— деди у.

— Аввал ёрдамчисига учрашинг,— деди унга югурдак.

— Кириг!— деди ёрдамчи, югурдак эшикни очиб, келган кишини хонага киритиб юборгач сўради:—Хизмат?

— Биласизми, ходимларингиздан бири, Жексон, мендан 5 фунт қарз. Олганига ярим йил бўлди, шу пулни ундириб беришингизни сўрардим.

— Бор-йўғи шуми?

— Ҳа, шу.

— Жуда яхши. Икки кундан кейин келинг. Сўнгра иккинчиси, учинчиси келаверди... Кўринишдан уларнинг охири йўқ эди.

Маош бериладиган куни идорага Жексон-га қарз берган бутун бошли бир тўда одам тўпланди.

Қофи маошини олгач, тўппа-тўғри мудирнинг ҳузурига ҳатто эшикни тақиллатмай кириб келди.

— Ўзингиз ўйланг, жаноб бошлиқ, бу одамларни бу ерга ким олиб келди? Қарзларимни тўлагундек бўлсам, ўзим қандай кун кўраман. Шу ҳам одамгарчилик бўлдим! Сиз худбин, бемъани одам экансиз...

— Бу қандай балол!..— деб ёрдамчисига хитоб қилди хўжайин,— Жексонни бўшатишимиз зарур демовдимми? Хўп деяверинг. Айтинг, кассир унга бир ойлик маошини олдиндан берсин-да, қаердан келган бўлса, ўша ерга жўнаб кетсин!

— Аммо жаноб бошлиқ, гапимга қулоқ солинг. Маошим жуда ҳам оз, бир оз кўпайтириб беришингизни сўрайман.

— Йўқолинг, идорага қадам босманг. Бундан буён хизматингизга муҳтож эмасмиз.

Жексоннинг режаси амалга ошди. Биринчи февраль куни эрталаб худди соат тўққизда, у, бир фунт ҳам йўқотмай, янги хизматга ўтиб олди.





Г. М. К. Менсах

ПУШАЙМОН

Ўша куни эрталаб онам мени мактабга отлантириб бўлгач, тўсатдан унга:

— Борди-ю, қайтиб келмасам, арвоҳимни хотирлаб қўй,— дедим-у, югурганча кўчага чиқиб кетдим. Бироқ, кўчага чиқишим билан айтган гапимга афсусландим. Йўл бўйи нега бундай дедим-а? Бундай дейишга мени нима мажбур қилди деб ўйлаб, бошим қотди.

Шундай хаёл билан имирсилаб, мактабга беш минут кеч қолибман. Ўқитувчига дуч келишдан қўрқиб, кўкатлар орасига қандай кириб кетганимни ўзим ҳам билмайман. Бу жой яширинишга жуда қулай эди: мени ҳеч ким кўрмас, лекин менга синфдаги гапларнинг ҳаммаси эшитилиб турарди.

Шу турганча туравердим, бир пайт ўқитувчининг савашидан шундай осонгина қутулганим очилиб қолса-я, деган ваҳима босди. Ота-онам билишса, нима дейман. Ахир улар мени синфда ўтириб, астойдил илм оляпти, деб ўйлашади-да, мен бўлсам... Ие, нима гап ўзи? Ҳатто қулоқларимга ишонмай қолдим, ўқитувчи менга ўхшаб кечикиб келган бир болага оз.

моз насихат қилиб, жойига ўтиришга рухсат берди. Уни кечирди-ю, мени кечирмайдими деган хаёл билан бир зумда эшик олдига бордим. Лекин кутганимча бўлиб чиқмади. Бошим аралаш елкамга олти марта нақ гурзидай мушт тушгач, ўқитувчи қўлларимни чўзиб, роса ўн минут тик туришга мажбур қилди. Оғир жазо, тўғри эмасми? Бироқ ўзингиз ўйлаб кўринг-а, бунинг онамга айтган гапимга мутлақо алоқаси йўқ.

Орадан кўп ўтмай ўқитувчи синфимиздаги катта ёшли ўқувчиларни ўрмондан бамбук териб келгани юборди. Ҳавасим келганидан қандай қилиб бўлса ҳам улар билан бирга кетишга қарор қилдим. Тезда бирор тадбир топиш кераклигини ўйлаб кетдим:

«Ўқитувчидан рухсат сўрасаммикан? Ёки, ўзимча қочиб кетаверай-ю, ўқитувчининг ўзи кейин билиб олсинмикан? Ё бўлмаса, мактабда қолаверай-ю, ўртоқларим кетишаверишсинми?»— деган сўзлар хаёлимдан ўтди. Лекин охирги жумлага каттакон «йўқ» деган сўз кўндаланг бўлиб олди. Билдирмай ўзимча кетаверишни маъқул топдим. Дўстларим кетиб орадан беш минут ўтар-ўтмас синфдан секин чиқдим-у, уларни қувиб кетдим. Синфдошларим мени кўриб ҳеч таажжубланишмади ҳам, чунки ишқивозлигимни билишар эди-да.

Дўстлар билан сафсата сотиб дарров зерикдим ва атрофни қуршаб олган табиатни томоша қила бошладим. Эҳ, ҳамма ёқ шу қадар чиройлики! Шундай майин майсалар, ажойиб бутазорлар! Лекин мени ҳаммасидан ҳам гулдан гулга қўниб юрган чиройли капалаклар қизиқтирди. Табиат уларни қанчалик

санъат билан яратган-а! Битта чиройлиси мен-
га жуда ёқиб қолди. Уни тутмоқчи бўлдим. У
гулга қўниб турарди. Аста-секин писиб бориб,
энди ушлай деган эдим, худди ниятимни сез-
гандек ёнидаги бир гулга учиб ўтди. Яна писиб
бордим, аммо капалак бу гал ҳам мени алдади.
Шу тариқа у гулдан гулга қўниб мени борган
сари ўрмон ичига бошлаб кетаверди. Капалак
қанча узоққа учса, шунча жозибадор кўринар-
ди. Қандай бўлса ҳам уни тутишга аҳд қил-
дим. Шу пайт дўстларимдан ажралиб кетиб,
адашиб қолганим эсимга тушиб қолди. Кун
ҳам оғиб қолган, соат тўрт яримлар чамаси
эди. Мени ваҳима босди. Очлик ва ташналик-
дан томоғим қақраётганини сездим. Капалак-
ни ҳам, бамбукни ҳам унутдим. Бирдан-бир
истагим — тезроқ уйга етиб олиш эди. Бироқ,
йўл тополмасдим. Бақирдим, чақирдим, ҳатто
ийғладим ҳам. Аммо фойда бўлмади: атрофда
ҳеч ким кўринмасди. Бу кулфатлар устига-ус-
так чақмоқ чақиб, қаттиқ сел қуя бошлади.
Ростини айтсам, ёмғир ташналигимни қондир-
ди, чунки сочларимдан оқиб тушган томчи-
ларни лабим билан қамраб юта бошладим.

У ёқдан-бу ёққа югурардим. Дарахтлар-
га қоқилиб йиқилар, сакраб туриб яна чо-
пар эдим. Аммо югуришим, ҳайқириб чақи-
ришим фойда бермади. Қутулишдан бутунлай
умидимни узиб, энди эрталаб онамга: «Агар
қайтиб келмасам, арвоҳимни хотирлаб қўй!»
деган сўзларимни эслардим. Чақмоқ ёруғида
қўққисдан кичкина чайлага кўзим тушиб қол-
ди-да, ўша томон югурдим. Бориб жон-жаҳ-
дим билан эшикни тақиллата бошладим. Қа-
ри бир киши чиқди. Мен ҳовлиқиб, у кишига

ўз саргузаштларимни ҳикоя қила бошладим. Гапираётганимда оғзимдан нуқул: «Пушаймонман, минг марта пушаймонман» деган сўзлар отилиб чиқаверди.

— Агар бундай бўлишини билганимда, капалак қувмасдим! Бундай бўлишини билсам синфдан қочмасдим! Шундай бўлишини билсам... пушаймонман...

— Ўзингни бос,— деб сўзимни бўлди чол,— ҳадемай «отангни» топасан.— У, шундай деди-ю, шошиб чайлага кириб кетди. Мен бўлсам бу ёғи нима бўларкин, деб кутиб туравердим. Бир пайт ҳалиги чол катта-катта икки бурда нон билан бир пиёла чой кўтариб чиқди-да, еб-ичишни буюрди.

Ҳамон тик турардим, ноқулай бўлганидан ўтиришга ижозат сўрадим. Чол бош ирғатган эди, кираверишдаги иккита лой супачаларнинг бирига ўтирдим.

Бир пайт қарасам, чолнинг кўзларида ғазаб учқунлари кўриняпти.

«Мен яна бирор ножўя иш қилиб қўйдим шекилли,— деб ўйладим.— Лекин бу нима бўлса экан? Балки мен нонни тез ёки жуда секин еяпманмикин. Ё бу ерга ўтириш мумкинмасмикин!»— Бу ҳаяжонли фикрлар, ҳар ҳолда нон билан чойни пок-покиза туширишимга ҳалал бермай, миямни чулғарди. Қорним тўйиб анча сергаклашиб, теварак-атрофдаги нарсаларга аланглай бошладим.

— Ие, вой худо-эй! Маъбуд устида ўтирибман-ку!— Бу фикр аъзойи баданимни тешиб ўтгандай бўлди.— Бунинг учун у мендан ўч олса-я.

Ўрмонда одам овлаб, уларнинг бошлари

билан қонларини худо йўлига садақа қилувчи маъбудпарастлар ҳақидаги кўпдан-кўп ҳикоялар ёдимга тушди. Шундагина бўялиб, чиганоқлар осиб олган санамлар қуршовида турганимни пайқадим.

Сир бой бермай тахминимни текшириб кўрмоқчи бўлдим. Чол ҳамма нарсани тушунганлигимни фаҳмлаб қолмасин деб шошилиб, яна ҳалиги жойга ўтирдим. Худди шу пайтда, қулоғимга шивир-шивир овоз чалиниб қолди. Ие, чайлада яна биров бор экан-да!

— Нима? Нақ маъбуд устида ўтирибди!

— Вой, шайтон-эй! Ҳозир унга кўрсатиб қўяман.

— Жимм... эшитиб қолади,— деб огоҳлантирди иккинчи овоз.

Чол чайладан чиқиб келганда эсим чиқиб кетди. Унинг бадани оқ, қизил ва кўк ранг лой билан бўялган, сочлари орасидан тўтининг қизғиш патлари кўриниб турарди.

«Таваккал,— деб ўйладим.— Ё у мени ўлдиради, ё бўлмаса у, ёрдамчисини чақиргани чиқиб кетиши билан қочиб қутуламан».

— Хўш, йигитча маъқул бўлдимиз? Зиёфатни назарда тутяпман,— деб сўради у, ўзини соддадил ва қизиқувчан кўрсатиб.

Лекин мен ҳам бугун туғилган эмасман-ку, ахир, унга мос жавоб бердим.

— Оҳ! Нимасини айтасиз! Яна борми? Жуда ҳам яхши нон экан, мазаси оғзимда қолди.

Чол нон келтиргани кетди. «Қани, қочсанг ҳозир қоч, қулай фурсат шу, тезроқ қимирла»,— деб ўз-ўзимга буйруқ бердим-да, қолган нонни улоқтирганча жуфтакни уриб қолдим. Назаримда маъбудлар мени ушлаб олаётган-

дай ё бўлмаса бошқаларга хабар қилиб қўлга тушираётгандай туюларди. Тўппа-тўғри ўрмонга бордим. Ёмғир тинган эди. Орқамдан ҳеч ким қувиб келмаётганига ишонганимдан сўнггина нафасимни ростлаш учун ўтирдим.

— Э, худойим-эй! Чайлага бориб нима қилардим. Билганимда, яхшиси тўғри чопиб кетаверардим. Борди-ю.. — Шу пайт, мен ўтирган дарахт тагида товук гўшти солинган бир неча идиш ётганини кўриб, қўрқиб кетдим. Чаққонлик билан бир четга сакраган эдим ҳамки, мен турган ҳалиги ерга визиллаб келиб пичоқ санчилди. Шу дам афтлари буришган, жулдур кийимли хотин ғазаб билан тепамга энгашди. Дарахт орқасига ўтай деган эдим, у бўйнимдан ушлаб олди.

— Эй, холажон, ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ. Бунга дўстларим айбдор. Агар билганимда, ҳеч вақт улар билан бирга келмас эдим,— деб минғирладим.

— Менга нима,— деб сўзимни бўлди у.

Шу маҳал бор кучим билан бир силтандимда, унинг қўлидан чиқиб жонҳолатда югурар эканман, ўзимга ўзим вайсай бошладим:

— Шундай бўлишини билсаму... Оҳ, минг пушаймонман-а... Шунда онамнинг майин овози қулоғимга чалинди:

— Кодво! Кодво!.. Нега Кодво ҳалигача ухлаб ётибди, Марси, бор уни уйғот.

Эшик тақиллади, кўзимни очдим. Қарасам, тўшакда ётибман. Бу мудҳиш воқеалар фақат тушим эканлигидан жуда севиндим. Вақт ҳам саккиз ярим — мактабга жўнаш керак.

— Марси, ҳей Марси! Бугун нонуштага нима тайёрладинглар?— деб сўрадим.



Питер Куаме Буахин

ҲАЕТ ЎЗИ СУЗЛАЙДИ

Шухрат қозониш учун ўз тўғримда гапиришим керакми?

...Масаланинг қўйилиши шундай.

Бу жуда қайғули бўлса ҳам ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди-да. Нега деганда, менинг шухратим ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим бўлган киши, андишасизлик билан мени ёлғиз ташлаб кетди. У бу ишни оз ҳақ тўлашгани учун эмас, тўғрироғи, Аккра шахрининг бемаъни шовқин-сурони ичида менинг таърифимни унча дўндира олмагани учун қилди.

Шундай қилиб, у бўлмагандан кейин, хоҳласам-хоҳламасам бошқаларни ўзим ҳақимда эшитиш учун ундашга мажбурман.

Хуллас, суҳбатни бошлаш олдидан шуни айтиб қўяй,— мен, доимо ҳақиқатга тик қарайдиган ва вақти келганда гапнинг сирасини айтиб қўя қоладиган одамман. Борди-ю, бирор манфаат кўргудек бўлсам кичкина, агар катталикнинг нафи тегадиган бўлса катта бўла оламан.

Лақабим «Оғмачи».

Ўзида мужассамлаштириш фойдали бўл-

ган ҳамма нарсанинг нозик ва мураккаб бирикмасиман. Мен санъат бакалаври; хурмодан вино тайёрлаш фанининг қадимий ва ҳозирги замон фахрий магистри; қора мой, скипидар ва сурги доридан бошқа ичса бўладиган ҳамма нарсанинг билимдони; қироллик ичкиликхўрлар институтининг аъзоси ва Халқаро шампан университетининг мастликка қарши иммунитет факультетининг бошлиғиман. Мен ҳали жуда ёшман, лекин миям Эразм Роттердамскийнинг миясидан ҳам тўлароқ. Хулласкалом мен жуда муҳим шахсман. Бироқ мустақиллик байрами кунлари ЖЭЗ (жуда эътиборли зотлар) ихтиёрига топшириб қўйиладиган, зийнатли автомобилларда юришга ҳукумат нега менга имконият яратиб бермаётганига ҳайронман.

Ўзим Аккранинг янги қисмидаги бир уйда истиқомат қиламан. У уйда калтакесак, кўршапалак ва оддий сичқонлар шундай бемалол ва эркин ҳаёт кечира беришади, уларнинг танобини тортиб қўядиган ҳеч ким йўқ, мени бўлса, писанд ҳам қилишмайди. Баъзида улар сурбетлик қилиб тўшагимда ётиб ухлайверишади ҳам. Уйга қайтиб келганимда ҳамма вақт уларни ўз тўшагимда бепарво, хўжайинлардек дам олиб ётганларини кўраман. Мен бечора бўлсам, ботиниб уларга бирон оғиз гап ҳам деёлмайман, чунки улар баттар ўчакишиб қолишади-да!

Энг ёмони шуки, истакларимиз ҳеч вақт мос келмайди. Доимо бир-бирига зид келгани-келган. Борди-ю, туш пайтида бир оз дам олмоқчи бўлсам, уларнинг спорт билан шуғуллангулари келади. Тинчгина чалқанча ётиб

уларнинг югуришлари, баландликка-ю узунликка сакрашларини томоша қилиб ётишимга имкон беришса қошки эди-я. Унда ҳеч хафа бўлишнинг ўрни ҳам бўлмасди, чунки бу мени яна ҳам чидамлироқ бўлишга ўргатарди. Ҳамма бало ана шу имкониятнинг йўқлигидада. Баъзида сакраётганлар тойиб кетиб ёки мувозанатларини йўқотиб, тўппа-тўғри нақ устимга йиқилишади-да, баданларимни моматалоқ қилади. Бурқсиб ётган қўланса ҳидлари димоғимга урилади.

Албатта, шунча бахтсиз ҳодисалардан кейин мен бечора жароҳатларимни даволатгани врачга югуришим, чўнтакдаги пулимизни тортиб олишга тайёр турган дўкондорлар ҳузурига қўланса ҳидни йўқотиш учун қандайдир «Мильтон суюқлигини» сотиб олгани боришим керак. Буларнинг ҳаммаси албатта, ҳамоннинг кони зарари-да!

Баъзан қўшнилариمنىнг спорт билан шуғулланмайдиган пайтлари ҳам бўлади-ку, лекин худди шу топда, бутун хонадонни нон билан таъминловчи бошқа бир қўшним мисс Сан нон ёпишга киришади. Унинг духовкаси нақ бошим тепасига жойлашган. Нон бир марта пишгунча, мен неча марталаб пишман. Бу ўжар хотинни дам олиш соатларимдан бошқа хоҳлаган пайтида нон ёпишга унатишнинг сира ҳам иложи йўқ.

Айтгандай, ойнанинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, ҳар куни кечқурун мисс Сан менга морожное беради, уни еб, ҳовурирдан тушаман.

Аммо калтакесак ва сичқонларга келсак...

Улардан илтимос қилдим, ёшимни, тажри-

бамни, ўқимишлигимни ҳурмат қилишларини маслаҳат бериб, бемаъниликларини бас қилишларини ёлвориб сўрадим.

—Ҳой, инсон, бизнинг ҳуқуқимизни оёқ ости қилма. Нима қилишимиз лозиму, нима қилмаслигимиз кераклигини бизга ўргатмай, шуни билки, шундай демократик жаҳонда ҳукмронлик қилишга ўрин йўқ. Сен уйнинг тўрт деворини, биз эса томнинг икки нишабини олдик. Борди-ю, бизнинг қиёфамиз, ҳаёт кечириш услубларимиз ёқмаса, илмли кишисан, каллангни ишлатиб, тўрт деворингни бизнинг томдан тамом ажратиб олишга унаб кўр. Агар бу қўлингдан келмаса, бизнинг яхши маслаҳатимиз шуки, бўлмағур, бемаъни гаплар ўйлаб чиқараверма.

Улардан шундай гапларни эшитгач, одатда ижарачиларга хос итоаткорлик билан уй хўжайинининг оёғига бош уриб арзи-дод қилдим. Сичқон, калтакесак ва бошқа махлуқларнинг менга етказаётган жабру ситамларини бирма-бир айтиб бердим.

Вободан қўрққандек чиқимдан чўчийдиган хўжайиннинг хонам тепасини қоплашга майли йўқ эди.

Ҳарқалай, таклиф ва мулоҳазалар бошда қанчалик зарбага учрамасин, баъзан ижобий натижа ҳам беради. Хўжайинга хонамнинг тепасини қоплаб бериш борасида қилган илтимосим аввал бошда баҳайбат океаннинг суви-га шира киритиш учун ташланган бир чақмоқ қанддек кўринса ҳам, ахийри бу қийин аҳволдан қутулиш йўлини топишга ёрдам берди.

Ўзини мушук қидириб топиш ташвишидан халос қилмоқчи бўлган хўжайин, менга хо-

намдаги аянч шароитни кўз очиб юмгунча енгиллаштира оладиган тажрибали бошқарувчи ёллашни таклиф қилди. Бу албатта, харажатлар хўжайиннинг чўнтагидан эмас, менинг чўнтагимдан чиқишини ифодаларди.

Икки йўлдан бирини танлаб олишим керак: ё эски хонамда қолиб маоши, албатта доимо ҳамёнимни қақшатиб турадиган хўжалик бошқарувчисини ёллаб олишим керак, ёки бу уйдан кетиб Аккрада бошқа хона топишдек даҳшатли муаммога рўпара бўлишим лозим. Бу муаммо кўпинча софдил одамларни эски қадрдонларидан жудо бўлишга олиб келади. Чунки ўзининг уйсиз дайдилиги очилиб қолишдан қўрқиши дўстларидан яширинишга мажбур қилади.

Гадо нимани ҳам танларди, дейсиз, лекин мен бундан мустасно эдим. Мен хоҳлаганимни қилишим мумкин эди, шунинг учун ўнғайроғини ола қолдим, яъни қобилиятли, ҳаммага маълум ва машҳур бўлган бошқарувчи, мистер Мушукни ёллаб олдим.

Ҳақиқатан ҳам мистер Мушук билимдон экан. Орадан икки кун ҳам ўтмай, девордан садо чиқса чиқдики, томдаги қўшнилариимдан садо чиқмайдиган бўлиб қолди. Уларнинг дами ҳам чиқмай нақ сукунатнинг ўзидек мўминтой бўлиб қолишди. Ҳақ-хуқуқларини озгина бўлса ҳам даъво қилиб чиқиш уларни ҳалокатга олиб келар, бахтиёр бошқарувчини эса яна ҳам ҳурматини ошириб, удабурс қиларди.

Унинг мўйловлари доим диккайган, ялтироқ, ўткир кўзлари эса сабрсизлиги ва чаққон ҳаракат қилишидан далолат берарди. Унинг

тирноқлари ўз қурбонининг бўғзига ёпишиш-
га ва ҳадеганда у ёқдан-бу ёққа ирғишлаб
сакрайверадиган ҳар бир сичқон ёки кал-
такесакни тилка-пора қилиб ташлашга
тайёр эди. Ўз фаолиятсизликлари туфайли
бошлари омон қолган унча кўп бўлмаган оз-
гинларининг эса терилари бориб суякларига
ёпишди. Уларнинг терилари ғайри табиий ялти-
раб, қовурғалари саналиб қолди. Булар очлик-
дан ўлимга юз тутаётган тирик скелетлар эди.

Аҳвол борган сари яхшилана борди. У
дастлаб жуда ёмондан-ёмонга айланди, ундан
кейин ёмонроққа, ёмонроқдан эса яхшига,
сўнгра жуда яхшига айлана бошлади, лекин,
афсуски, ҳечам аъло даражага чиқа олма-
япти.

Бахтга қарши, ишларимнинг кўнгилдаги-
дек юришиб кетганини кўриш менга насиб
бўлмади, чунки жуда қайғули бир воқеа юз
бериб қолди. Бир шанба куни ёқимли ва жо-
зибадор табассум билан қуёш ер юзини қоп-
лаганда, мен ўзимни-ўзим меҳмон қилиб бир
хурсандчилик қилишга жазм қилдим. Бир ги-
неяга¹ сесарка товуқ сотиб олдим-да, уни пи-
шириб беришни пазанда қўшним, мисс Қайнд-
дан илтимос қилдим.

Умумий таълим мактабининг уй-рўзгор
фани ўқитувчиси мисс Қайнд истагимни му-
айян ҳақиқатга айлантириш учун ўзининг бу-
тун қобилияти ва маҳоратини ишга солди.

Ниҳоят кўпдан бери кутганим шанба ҳам
етиб келди. Шу куни боплаб қовурилиб, на-
фис ялтироқ жигар ранг қобиққа ўралган

¹ Гинея — пул бирлиги.

иштаҳани карнай қилувчи товуқ ҳам стол устига қўйилди. Бу товуқ ҳар хил резаворлар солинган шўрва кўлида пишиб келди. Бу таомнинг ажиб хушбўй иси димоғига урган ҳар бир кишининг вужудини тўхтатиб бўлмайди-ган ҳавас қамраб оларди. Оғзим сўлакка тўлиб, томоғим беихтиёр тақиллай бошлади. Сесарканинг таърифдан ҳам ортиқ мазасидан ҳатто кўзларим лаззатланарди.

Овқат лаззатидан тўла-тўкис баҳраманд бўлгим келди-ю, бир вақтлар ўз уйимда қилган роҳатим бунинг олдида ип эшолмасин деган қарорга келдим. Сесаркани стол устида шундай қолдириб, ўзим шундоғам оқаётган сўлакайимни юта-юта, иштаҳани ортиқроқ қитиқлаш учун «Бугун омадингиз келган» деган винодан олиб келгани яқиндаги ошхонага жўнадим (бу «Ҳаммасидан тотининг» деган ошхона эди). Бу пайтда бошқарувчим, мистер Мушук, ўз вазифасини садоқат билан ўтаб турарди. Кетиш олдида ундан мен йўғимда хонага кирган ҳар қандай чақирилмаган меҳмонни ҳайдаб чиқаришни илтимос қилдим. Уйдан 77 ярд узоқлашсам ҳам, барибир, таомнинг иштаҳа келтирувчи иси димоғимдан нари кетмасди.

Агар одамлар «Бугун омадингиз келди»ни олиб келгани кетаётган пайтимда мени қамраб олган шу қадар тўғрилиқ, онг ва ҳавас билан ўз ватанларига хизмат қилганларида, биз тараққиёт йўлидан шундай тезлиқ билан борар эдикки, дунёмизни аллақачонлар янглишмай социал, маданий ҳамда сиёсий жаннат деб атаса бўларди.

Орзу қилинган шишани сотиб олиб, уй то-

мон йўл олдим, 50 ярдча йўлни ўтдим, би-роқ... ҳеч қандай ҳид сезмадим. Бурин қоқиб димоғимни очганим билан ҳам ҳеч қандай ҳид сезилмасди. Ундан ҳам яқинроқ келдим, аммо ҳеч қандай ҳид анқимади. Чуқур нафас ол-диму, ажойиб таомнинг мутлақо ҳиди кел-масди. Жонҳолатда югуриб, ниҳоят уйга ҳам кириб бордим... О, даҳшат! Сесарка йўқ. Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилар-дингиз? Кўзларим ғазаб билан чақнади, аз-баройи умидим узилганидан овозим титради, тилим эса, бу тансиқ овқатни тотиб кўриш имкониятидан маҳрум бўлгани туфайли алам-ли оғриқ сезарди. Бошқарувчимни саволга кўмиб ташладим.

— Буюрганингиздек мен уни чақирилма-ган меҳмон деб ўйлаб ҳайдаб чиқардим,— ун-дан эшитган жавобим шу бўлди, холос.

— Наҳотки шундай деб буюрган бўлсам? Башарти, буюрганимда ҳам, наҳотки таом ча-қирилмаган меҳмон бўлса?— деб таажжуб-ландим мен.

— У хонани шундай ўткир ҳид билан тў-латиб юбордики, мен уни ҳавонинг ифлослан-тириб ҳайитнинг қувноқ кайфиятини бузи-шидан қўрқиб, ундан қутулмоқчи бўлдим.

— Қандай қилиб?

— Эй, улуғ тангрим, бу жуда осон-ку, уни столдан олиб ҳиди сезилмайдиган ерга жой-ладим.

Яна умидвор бўлиб, сесарка қаерда сақла-наётганини оҳиста сўрадим.

— Эй, худойим-эй! Тўкилган сутга ачи-нишдан нима фойда! Мен уни ўз қорним, а жойладим,— деди мистер Мушук.

— Шу ҳам қилиқ бўлдим!— деб хитоб қилдим мен.— Босқинчи сичқонларга зарба бериб, бир оз бўлса ҳам ҳаловатда яшашимга ёрдам берарсиз деган эдим. Мен сизни ўқимишли Мушук деб ўйлагандим, сиз бўлсангиз жамики бемаъниликлар тимсоли бўлиб чиқдингиз! Ҳақиқатан ҳам, ўқиган-ўқи-маганлигидан қатъи назар аҳмоқ аҳмоқли-гича қолаверади.

Сурбет бошқарувчини роса дўппослаб аламдан чиқмоқчи бўлган эдим, аммо у тирақайлаб қочиб қолди. Мен эса ҳикоямни бошлаган пайтдагидек яна бошқарувчисиз, ўша-ўша аянчли аҳволда қолавердим.





Квези Брю

СЕВГИНИНГ ИНТИҲОСИ

Тамалада шундайин бир ажойиб гул бор,
Хуш ислари ҳар кўнгилга оташ солади.
Гўзаллигин йўқотмайди бу гуллар зинҳор,
Латофати ҳар доимо ҳушни олади,
Тинимсиз ел улар қаддин букса ҳам такрор.

Кўрсамки мен тепалик бор... Ултирамиз биз,
Барра ўтда ипак сочинг тебранар аста.

Кўз ташлаймиз биз ложувард осмон-фалакка,
Бўлиб сархуш сўз қотмаймиз иккимиз якка.
Иқбол яқин, шаббода ҳам тинди бирпасга.

Ўша кундан ёруғлик кун чиқиб чиппакка,
Олам зулмат, ғарқ қилса-да ҳар томонни нур.

Мени буткул тарк айлабон кетмишдир кулгу,
Ўша кундан бутунлайин насибам қайғу.
Танҳодирман... йўқотганман сени бир умр.

Яккаш бунда турибман мен. Чор атроф сокин.
Аммо сўнмас айтган сўзинг ҳовури дилда

...Биз биргамиз. Сукунатдир ҳар тараф сокин:
Сен табассум инъон этиб сўзлайсан секин:
«Бизни солар чарақлаган юлдузлар йўлга!»

Йўқотганман сени нетай мен бир умрга,
Мен муҳаббат оташиман — кўзларим сўқир.
Барча орзу армонларим кўмилмиш ерга,
Эндиликда бутунлайин қалбим эзилур.
Ҳар аснода кўз тутаман сенга интизор...
Пўртанада қолган кема янглиғ эс-ҳушим...
Кўз ўнгимда қайтадан сен бўлдинг намоён,
Бўсанг учун мен интизор эрурман жонон.
Эрка содиқ қул сингари айланур бошим.

Қутмоқдаман... ўрмалайди ўт узра илон,
Ўз вақтини у хотиржам ўтказмоқчидай

Бамисоли бойўғлидай увиллар чунон
Ўт-ўланлар аро эсиб шамош бу замон—
Менга атаб ҳеч бир нарсa келтирмас атай.

Улкан-улкан тоғлар аро кезиб сарсари,
Елиб ўтар ўрмонларда тутқич бермайин.
Аммо неки деса агар у айтганлари
Таъна билан истеҳзодай туюлар бари:
Иқболимининг йўқлигидан кулар атайин.

Бошқача бир маъносиини тушунмоқ душвор.
Тушунолмас сарсари ел, тушунмас ўрмон!

Тайёрдирман чекмоқликқа фарёд, оҳу зор!
Порлоқ севги тонги чоғи сен қилган изҳор —
Сўзларингги унутмоқлик мумкинми бир он.
Ўтган эдинг шу сўқмоқ йўл бўйлаб, ҳов ана,

Биллурий тоғ кўринмоқда, парчалари ҳам.
Ғазабимдан иргитдим мен уни ҳар ёна,
Бирга-бирга ўтган эдинг бундан жонона...
Мен хоридим. Барчасидан қўл ювдим бу дам.





Ж. Х. Сакей

САВДОГАР

Кенг йўлнинг ёқасида
Уймалашар оломон.
Қувноққина савдогар
Савдо қизитар чунон.
Келишган ва қоматдор,
Қора мойдай соқоли,
Гапда чечан, уни ҳеч
Омад қилмайди холи.

«Буён қаранг хўжайин
Кўринг бу соз шоҳини.
Келтирилган атайин
Олис ёқлардан уни.
Келган тоғ, адир ошиб,
Ўтиб қанча чўл, кўлни..
Юрманг ортиқ адашиб,
Мол асл, кўринг гулни.

Қараб ўтинг бу ёққа,
Келингиз қани, бери!
Бундай сумка қаёқда,
Қопланган тимсоҳ тери.
Бу камёб, энг асл мол

Нархи арзон, жуда оз.
Мана, совға учун ол
Келинчакка жуда моо!»
Худди оқшомда бунда
Чиққан каби тўлин ой,
Пайдо бўлганди, шунда,
Келиннинг ўзи, бай-бай.

Қўл-ла ушлаб оҳиста,
Майин терини жонон,
Ҳаяжон-ла шу топда
Бўлиб қолганди ҳайрон.

Чаққон савдогар дарҳол
Юз турин ёзиб ташлар.
Дер: «Юз шеллинг, бемалол,
Хонимларга ярашар.
Дуч келганди дафъатан
Уддабуро савлогар
Ичдан оҳ уриб бирдан
Куёв ҳангу манг қолар:

«Сота олмайман асло
Берсанг ҳам тўқсон шеллинг,
Майли қирққа мен ризо
Юзтасин олиб келинг?
Савдолашиб юрмайлик,
Фурсат йўқ, вақтим тигиз».
«Сумка ажойиб, кўҳлик»,
Деб савдогар жаврар тез.

Мана, савдо ҳам битди,
Шарт-шароитга қараб
Бири нархин камитди,
Бири ортиқроқ сўраб.

Ҳали уйига томон
Йўл олмасдан эр-хотин,
Эшитдилар шу замон
Таниш товушни тагин:

«Қайтинг ортга хоним тез,
Хўжайинни кўндилинг.
Ўғилчангиз учун сиз
Қўнғироқ олиб беринг».
Савдогар жуда қувноқ,
Омади бор, зап айёр.
Флорин олиб ҳар чоқ
Кулиб боқишга тайёр.

Савдогарда хилма-хил
Ажиб матолар бисёр.
Ёзиб қўяр бирма-бир
Яйдоқ тахтага қатор.
Қайда одам бўлса гар
У ҳозир-позир бўлар.
Уддабуро савдогар
Қўп қизгин савдо қилар.





Ж. К. О. Линдзи

АНАНСИНИНГ ЖАЗОЛАНИШИ

(Эртак)

Аллақайси бир йили, Ананси яшаб турган кичик бир шаҳарчада шундай очарчилик бўлибдики, асти қўяверинг. Ҳамма қатори Ананси ҳам оиласини боқишга жуда қийналиб қолибди.

Бир кун у, уйи ёнидаги ҳовуз бўйида сувга маънос тикилиб ўтирса, кўз ўнгида бирдан жуда ғалати ҳодиса рўй берибди: Сув юзига хурмо дарахтлари ўсиб, мевалари фарқ пишиб турган орол кўтарилиб чиқибди. Бу меваларни кўрган Ананси бориб, бола-чақаси учун улардан териб олмоқчи бўлибди. Лекин оролга қандай боради? Ҳамма гап шунда-да!

У, сув бўйидаги бутазорларни ахтариб, тез орада бир қайиқ топибди. Лекин қайиқ шунчалик кичик ва шалоқ эдики, ҳатто Анансининг ёлғиз ўзини ҳам кўтара олмайдигандай кўринибди. Аммо, у бир амаллаб оролга етиб олибди. Обдан нафасини ростлаб олгач, Ананси хурмонинг устига чиқиб, мева тера бошлабди. У, меваларни тўғри ўз яқинидаги қайиққа ташламоқчи бўлибди. Бироқ, у қанча

ҳаракат қилмасин, барибир, ёнғоқлар сувга тушиб кетаверибди. Ҳаммасидан ҳам охириги ёнғоқнинг сувга тушиб кетгани унга жуда алам қилибди. У хурмодан тушибди-да, ҳеч бўлмаса ёнғоқларнинг бир қисмини топиш ниятида сувга шўнғибди.

Сув тагида у жажжигина, чиройли, бир уйга дуч келиб ҳайрон қолибди. Бу уйдан нуроний бир мўйсафид чиқиб, Анансидан нима кераклигини сўрабди. Ананси дудуқлана-дудуқлана бу ерга қандай қилиб келиб қолганини айтиб берибди. Шунда мўйсафид унинг гапларига обдан қулоқ солиб, ёрдам беришга ваъда қилибди.

Мўйсафид уйга кириб кетибди-да, хиёл ўтмай қизиқ бир хурмача олиб чиқибди. У хурмачани Анансига бериб, бундан буён ҳеч оч қолмаслиги, нега деганда, ҳаммалари учун овқатни шу сеҳрли хурмача тайёрлаб беришини айтибди. Кейин мўйсафид Анансига, нима деса хурмачадан овқат қайнаб чиқишини айтибди. Ананси сув тагидан чиқмай туриб хурмачани синаб кўрмоқчи бўлибди-ю, ҳалиги мўйсафид ўргатган сўзни айтган экан, ўша заҳотиёқ олдида таом пайдо бўлибди. У, мўйсафидга миннатдорчилик билдириб уйига жўнабди.

Ананси уйга етиб келгач, унинг қулоғига: «Хурмачани бекит, буни бола-чақангга билдирма»,— деган аллақандай бир кўрқинчли шивирлаш эшитилибди. У ҳам шундай қилиб, хурмачадан ёлғиз ўзи фойдаланиб юраверибди, хотини билан болалари борган сари озиб-тўзиб ҳолдан тойишаверибди.

Ананси бўлса, борган сари шаҳардаги

ҳамма одамларга қараганда тўлишиб, семираверибди.

Буни бошқалар ҳам сеза бошлабди.

Шундан кейин унинг кетига тушишибди. Анансининг тўнғич ўғли, Квеку Тсин ҳар хил нарсалар тусига киришнинг сирини биларкан. Бир кун отаси сеҳрли хурмача беркитилган жойга кетаётганда, у пашша тусига кириб унинг орқасидан пойлабди. Айни туш пайти экан. Ананси хурмачани олибди-да, тилсим сўзларини айтибди. Ўша заҳоти таом пайдо бўлибди ва у одати бўйича овқатни бекитиқча танаввул қилибди-да, кейин бола-чақасига озиқ-овқат ахтаргани кетибди.

Отаси кетгандан кейин, Квеку Тсин сеҳрли хурмачани олибди-ю, тилсим ўқиб, овқат ҳозирлашни буюрибди. Шу орада у дарров онаси, укалари ва сингилларини чақириб, мамнуният билан овқатланишибди.

Эрининг қилмишларидан ғазабланган хотини, бошлаб унинг адабини бермоқчи бўлибди, У бирталай таниш-билишларини чақириб сеҳрли хурмача тайёрлаган лаззатли таомлар билан меҳмон қилмоқчи бўлибди. Аммо хурмача, ҳаммага етарли шунча кўп овқат тайёрлаб беролмай, эриб кетибди.

Ананси, бола-чақаси учун озгина овқатликнинг эвиши қилиб уйига жуда кеч қайтибди. Одати бўйича у сеҳрли хурмача тайёрлаган кечки овқатни емоқ учун, яшириб қўйган жойига йўл олибди.

Бундай қараса, жойида хурмача йўқ эмиш. Ананси хасислик қилганидан нийманиб сўрагани юзи чидамай, оч ҳолда ухлашга ётибди.

Эртаси куни Ананси яна оролга йўл олибди. У хурмо дарахтига чиқиб, мева тера бошлабди. Лекин бу сафар ёнғоқларнинг биттаси ҳам сувга отилиб кетмабди. Шунда у дарров ерга тушиб, ёнғоқларни териб, сувга ташлабдида, кетидан ўзи шўнғибди. Сув тагида ўша яна мўйсафид чиққан жажжигина уйчани кўрибди.

Анансининг ҳикоясини эшитган мўйсафид, бу гал унга турмушидаги ҳар қандай қийинчиликларда ёрдам берадиган таёқ берибдида, таёққа айтиладиган тилсим сўзларни уқдирибди. Ананси унга миннатдорчилик билдириб, қирғоққа чиқибди.

Ананси бесабрлик қилиб, таёқнинг сеҳрли хислатларини дарҳол синамоқчи бўлибдида, шу заҳотиёқ мўйсафид ўргатган тилсим сўзларни айтибди:

— Таёқ, таёқ ўз хўжангга қилганингдек менга ҳам ёрдам қил. Таёқ Анансини чунонам савалаб кетибдики, фақат ўзини сувга ташлабгина ундан қутула олибди. Хасис ва зикна Ананси ана шундай жазоланибди.





Ж. В. Менсах

ОХИЯ ВА КИЙИК

(Эртак)

Бир замонлар Охия деган бир камбағал бўлган экан. Хотинининг исми Авиреху экан. Бу эр-хотин кетма-кет бахтсизликка дучор бўлишаверибди. Нимаики ишга қўл урмасинлар, ҳеч ўнгидан келавермабди. Улар шунчалик камбағаллашиб қолибдиларки қараса, ҳадемай бор буди-шудидан ажраб, қип-яланғоч бўладиган.

Шунда Охия қўшнилариининг йўлидан бормоқчи бўлибди. Ў ўзига тўқ бир деҳқоннинг олдида бориб, бир неча хурмо дарахтини кесиб, уларнинг шарбатидан вино тайёрлашни маслаҳат берибди. Авиреху тайёрланган винони бозорга чиқариб сотадиган, тушган пулни эса бадавлат деҳқон, Охия ва Авиреху учовлари бўлашиб оладиган бўлишибди. Бадавлат деҳқон ҳам бу маслаҳатга кўнибди-да, вино тайёрлаш учун Охияга бир неча хумча ҳам берибди, чунки Охия камбағаллигидан сотиб олишга қурби етмас экан.

Охия билан хотини қувонишиб ишга тушибдилар. Улар дарахтларни кесиб, умид билан шарбат йиға бошлабдилар. Бозор куни Охия

биринчи хўроз чақирмасданоқ турибди-да, чўнтак фанорини ёқиб бозорга олиб кетиши учун Авирехуга вино келтириб бергани дарахт-зорга борибди.

Аммо, бахтга қарши у биринчи дарахт олдида борганида хумчанинг синдирилганини, тайёрланган винонинг йўқлигини кўрибди. Бошқа ҳамма дарахтлар олдида ҳам худди шундай аҳвол рўй берибди. Шу вақт бозор сафари билан кайфи чоғ бўлган Авиреху унинг ёнига келибди-да, эрини кўриши биланоқ яна қандайдир фалокат юз берганини фаҳмлабди. Эр-хотин хурмо дарахтларининг ҳаммасини айланиб чиқиб, қандайдир нияти бузуқ киши винони ўғирлаб, изини йўқотиш учун хумчаларни синдирган деган хулосага келишибди. Хафа бўлган Авиреху уйига қайтибди. Охия эса, янги хурмачалар топиб, яна ишга киришибди. У шарбат йиғиш учун хурмачаларни яна хурмо дарахтларига боғлабди.

Аммо эртасига эрталаб яна ўша воқеа юз берибди; вино ўғирланиб, хурмачалар синдирилибди, Охиянинг бадавлат деҳқон олдида бориб, рўй берган бахтсизликни сўзлаб беришдан бошқа иложи қолмабди. Деҳқон кўнгилчан киши экан, Охияга қанча хумча зарур бўлса, шунча беришни буюрибди.

Охия яна ўз дарахтлариолдида бориб, уларга кўзачалар боғлабди. Бу учинчи уриний ҳам чиппакка чиқибди. Охия уйига жуда хафа бўлиб қайтибди. Хотини бу ишнинг бахтидан ўтишни, ёвуз тақдирга қарши бормасликни маслаҳат берибди. Афтидан, уларнинг ҳеч омади юришмайдиганга ўхшабди. Аммо Охия, ҳеч бўлмаганда бу кулфатларни

ким келтираётганлигини аниқлаб уни жазолаш керак деб, шарбат йиғиш учун охирги марта хумчаларни қўйишга қарор қилибди. Қоронғи тушиши билан Охия дарахтлар орасига бекиниб олибди, қоқ ярим кеча бўлибди. Ҳеч кимсadan дарак йўқ. Фақат кечаси соат иккилар чамасида Охия кимнингдир ўз ёнидан биқиниб ўтиб яқин орадаги хурмо дарахтига яқинлашаётган шарпасини сезиб қолибди. Бир лаҳзадан кейин у синдирилаётган кўзачаларнинг товушларини эшитибди. Охия аста шу жойга келиб қараса, ўғри кичкина бир кийик эмиш. Унинг бошига каттакон хурмача ўрнатилган бўлиб, хумчалардан виноларни ўшанга қуяётган экан. Қийик бўшатилган хумчаларни аямасдан ерга ташлаб, чил-чил қила берибди.

Охия жиноятчини тутиш учун унга яқин боришга жазм қилибди. Хавф-хатарни сезган кийик урра қочибди, бироқ қоча туриб хурмачасини бошидан тушириб юборибди. Охия кийикнинг жуда тез югуришини билса ҳам қандай бўлмасин уни тутишга аҳд қилибди. Уни жуда узоқ қувлабди, ярим кун деганда катта тепаликнинг этагига етиб борибди. Қийик тепаликка жуда тез кўтарила бошлабди. Охия, ҳолдан кетган бўлса ҳам унинг кетидан қолмабди. Ниҳоят тепаликка чиқиб, Охия у ерда йўлбарс — подшо бошлиқ ҳайвонларнинг катта йиғинини кўрибди. Қийик, нафаси оғзига тикилиб йўлбарснинг олдига келибди-да, жонҳолатда бўшашиб ўзини ерга ташлабди. Йўлбарс жаноб олийлари Охияни кўриб, шу ондаёқ уни, бундай жиддий йиғинга бостириб киргани учун жазолашни буюрибди.

Охия ҳукм чиқаришдан илгари арзига қулоқ солишни илтимос қилибди. Йўлбарс — шоҳ, бошқа ҳайвонлар билан маслаҳатлашиб, Охиянинг арзини тинглашга розилик берибди. Охия ҳикоясини бошлабди. У ҳайвонларга ўзининг қандай қилиб кетма-кет бахтсизликка дучор бўлгани, ахири вино тайёрлаш билан шуғулланишга аҳд қилганини сўзлаб берибди. У ўз меҳнатининг самараси ўрнида синдирилган хумчаларни кўрганда қандай ҳолга тушганлигини тасвирлаб берибди. Тўрт марта рўй берган ўғирлик, энг охирида ўғрини қувлаб шу тепаликка келиб қолганини арзи-дод қилибди.

Ҳайвонлар Охиянинг бахтсизлик тарихига диққат билан қулоқ солишибди. Улар кийикнинг ўғри эканига, Охиянинг эса мутлақо гуноҳсизлигига иқрор бўлишибди. Маълум бўлишича йўлбарс — шоҳ кийикка ҳаммага хурмо виноси сотиб олиш учун ҳар куни анча-мунча пул берар экан, у бўлса вино ўғирлаб, пулини ўзи олиб қолар экан. Бу жиноятлари учун кийикни жазолашга қарор қилишибди. Охияни эса йиғилганларнинг илтимосига кўра, кечиришибди. Йўлбарс — шоҳ Охия кўрган зарарлар эвазига унга ҳайвонларнинг тилини тушуниш қобилиятини тортиқ қилмоқчи бўлибди. Унинг айтишича, Охиянинг бойиши учун шу тил ёрдам бериши лозим эмиш. Шу билан бирга, йўлбарс — шоҳ Охияга бир шарт ҳам қўйибди. Бу шартга кўра ўлим таҳлиди остида қолган тақдирда ҳам Охия ўзининг бу мўъжизали совғасини ҳеч кимга изҳор қилмаслиги керак экан.

Охия рози бўлибди ва ўзида йўқ шодланиб

қайтибди. Уйига келгач у, фусатни бой бермай вино тайёрлашни яна бошлаб юборибди. Шу кундан бошлаб мусибатлари ариб, тайёрланган виносига ҳеч ким тегмабди. Авиреху винони яхшилаб пуллар ва улар маъмур-чамур бахтли ҳаёт кечиришибди.

Охия кунлардан бир кун эрталаб, ўйи яқинидаги ҳовузда чўмила туриб, жўжаларнинг ўз онаси билан суҳбатлашаётганини эшитиб қолибди. Жўжалар онасига боққа уч хумча олтин кўмилганлигини айтишаётган эди. Она товуқ, тагин ўша ерни кавлай кўрманглар, бўлмаса Охия олтинларни топиб олиб қўяди, деб жўжаларига тайинлабди. Охия, жўжаларнинг сўзига тушунганлигини мутлақо сездирмабди, албатта. Она товуқ жўжаларини эргаштириб кетиши билан у, бориб кўзачаларни кавлаб олибди. Хумчадаги олтин шу қадар кўп эканки, Охиянинг бутун умрига бемалол етар экан. Охия бу хазинани хотинидан бошқа ҳеч кимга билдирмай, уйига яшириб қўйибди.

Орадан кўп ўтмай Охия билан Авиреху жуда бойиб, шу атрофдаги бадавлат одамлардан бири бўлиб қолишибди. Шунда Охия яна битта хотин олишни ихтиёр қилибди. Бахтга қарши, иккинчи хотини жуда ичиқора, ҳасадчи чиқиб қолибди. Бунинг устига, у чўлоқ ҳам экан, шунинг учун ҳам одамлар мендан кулса керак деб, гумонсирар экан. У, Охия билан Авиреху ёлғиз қолди дегунча мени масхара қилишса керак деб ўйлар экан. Улар бу нарсани хаёлларига ҳам келтирмасликларини айтишса ҳамки, ишонмас экан. Уларни бирга ўтирганини кўрди дегунча ҳеч қачон эшитмаса-да, мен

Охия ҳукм чиқаришдан илгари арзига қулоқ солишни илтимос қилибди. Йўлбарс — шоҳ, бошқа ҳайвонлар билан маслаҳатлашиб, Охиянинг арзини тинглашга розилик берибди. Охия ҳикоясини бошлабди. У ҳайвонларга ўзининг қандай қилиб кетма-кет бахтсизликка дучор бўлгани, ахири вино тайёрлаш билан шуғулланишга аҳд қилганини сўзлаб берибди. У ўз меҳнатининг самараси ўрнида синдирилган хумчаларни кўрганда қандай ҳолга тушганлигини тасвирлаб берибди. Тўрт марта рўй берган ўғирлик, энг охирида ўғрини қувлаб шу тепаликка келиб қолганини арзи-дод қилибди.

Ҳайвонлар Охиянинг бахтсизлик тарихига диққат билан қулоқ солишибди. Улар кийикнинг ўғри эканига, Охиянинг эса мутлақо гуноҳсизлигига иқдор бўлишибди. Маълум бўлишича йўлбарс — шоҳ кийикка ҳаммага хурмо виноси сотиб олиш учун ҳар куни анча-мунча пул берар экан, у бўлса вино ўғирлаб, пулини ўзи олиб қолар экан. Бу жиноятлари учун кийикни жазолашга қарор қилишибди. Охияни эса йиғилганларнинг илтимосига кўра, кечиритибди. Йўлбарс — шоҳ Охия кўрган зарарлар эвазига унга ҳайвонларнинг тилини тушуниш қобилиятини тортиқ қилмоқчи бўлибди. Унинг айтишича, Охиянинг бойиши учун шу тил ёрдам бериши лозим эмиш. Шу билан бирга, йўлбарс — шоҳ Охияга бир шарт ҳам қўйибди. Бу шартга кўра ўлим таҳлиди остида қолган тақдирда ҳам Охия ўзининг бу мўъжизали совғасини ҳеч кимга изҳор қилмаслиги керак экан.

Охия рози бўлибди ва ўзида йўқ шодланиб

қайтибди. Уйига келгач у, фусатни бой бермай вино тайёрлашни яна бошлаб юборибди. Шу кундан бошлаб мусибатлари ариб, тайёрланган виносига ҳеч ким тегмабди. Авиреху винони яхшилаб пуллар ва улар маъмур-чамур бахтли ҳаёт кечиришибди.

Охия кунлардан бир кун эрталаб, уйи яқинидаги ҳовузда чўмила туриб, жўжаларнинг ўз онаси билан суҳбатлашаётганини эшитиб қолибди. Жўжалар онасига боққа уч хумча олтин кўмилганлигини айтишаётган эди. Она товуқ, тагин ўша ерни кавлай кўрманглар, бўлмаса Охия олтинларни топиб олиб қўяди, деб жўжаларига тайинлабди. Охия, жўжаларнинг сўзига тушунганлигини мутлақо сездирмабди, албатта. Она товуқ жўжаларини эргаштириб кетиши билан у, бориб кўзачаларни кавлаб олибди. Хумчадаги олтин шу қадар кўп эканки, Охиянинг бутун умрига бемалол етар экан. Охия бу хазинани хотинидан бошқа ҳеч кимга билдирмай, уйига яшириб қўйибди.

Орадан кўп ўтмай Охия билан Авиреху жуда бойиб, шу атрофдаги бадавлат одамлардан бири бўлиб қолишибди. Шунда Охия яна битта хотин олишни ихтиёр қилибди. Бахтга қарши, иккинчи хотини жуда ичиқора, ҳасадчи чиқиб қолибди. Бунинг устига, у чўлоқ ҳам экан, шунинг учун ҳам одамлар мендан кулса керак деб, гумонсирар экан. У, Охия билан Авиреху ёлғиз қолди дегунча мени масхара қилишса керак деб ўйлар экан. Улар бу нарсани хаёлларига ҳам келтирмасликларини айтишса ҳамки, ишонмас экан. Уларни бирга ўтирганини кўрди дегунча ҳеч қачон эшитмаса-да, мен

ҳақимда ғийбат қилишмаяптимикин деб дар-
ҳол бориб гап пойларкан.

Қунлардан бир кун, кечқурун ҳамма ухла-
гани ётганида Охия иккита сичқоннинг гап-
лашаётганини эшитиб қолибди. Улар, уй эга-
си ухлаши биланоқ овқат излаб бойларнинг
хужрасига кирамиз, деб аҳдлашишибди. Сич-
қонларнинг гапи Охияга қизиқ туйилиб, хохо-
лаб кулиб юборибди. Қулоқ солиб турган чў-
лоқ хотин кулгини эшитиши биланоқ югу-
риб уйга кирибди. У, Охияни, Авиреху би-
лан бирга мендан кулишяпсан деб айблабди.
Охия буни инкор қилибди, ундай бўлса кул-
гининг сабабини айт, деб туриб олибди. Йўл-
барсга сўз берган Охия кулгининг сабабини
айтмабди. Бу ҳасадчи хотин ўз шубҳаси
тўғри эканига ишонибди. У қишлоқ оқсоқоли
олдига борибди. Оқсоқол хотинни тинчитиш
учун кулгининг сабабини айтиб беришга
Охияни кўндирмоқчи бўлибди. Охия эса
бунга унамабди, ўжар хотин қаттиқ туриб
олибди. Охия жамоат йиғинида жавоб берсин
деб оқсоқолга тинчлик бермабди. Ноилож
қолган Охия, ўлимга тайёргарлик кўрибди.
У видолашиш учун ўзининг ҳамма қарин-
дош-уруғ ва ёр-дўстларини меҳмонга чақи-
рибди. Бутун ишларини тартибга келтирибди.
ҳамма олтинларини, садоқатли Авирехуга,
мол-мулкни ўғли ва малайларига қолди-
ришга васият қилибди.

Охия ҳамма ишларини саранжом қилгач,
бутун қишлоқ аҳолиси йиғилган жойга раво-
на бўлибди. У, оқсоқол билан хайрлашиб
бўлгандан сўнг, ўз ҳикоясини бошлабди.
Ҳамма йиғилганларга бутун бўлган воқеани,

бахтсизликдан бошлаб кийик билан бўлган можарога ва йўлбарс — шоҳга берган ваъдасига айтиб берибди-да, энг охирида ўша бахтсиз кечадаги кулгининг сабабини айтибди. Айтибди-ю, йўлбарс — шоҳ огоҳлантирганидек, йиқилиб ўлибди. Охияни иззатини бажо келтириб кўмишибди. Унинг чўлоқ хотинини эса тутишиб, жодугардек куйдиришибди-да, кулини тўрт томонга совуришибди, шамол уни ҳамма ерга учириб кетибди. Шу сабабли ичиқоралик ва худбинлик дунёга шунақа тарқалиб кетган экан.





Т. К. Аниифенг

АНАНСИ ВА КИССАБУР ТВАЛА

(Эртак)

Бу воқеа бир неча йиллар олдин, Кваку Ананси ва унинг кичкина ўғли Нтикумалар она шаҳри Иниатини ташлаб, сафарга кетганларида содир бўлибди. Квакунинг ўғли чармдан қилинган қопни кўтариб олган экан. Улар мўл юриб, мўл юрсалар ҳам кўп юриб, бир шаҳарга етишибди, у шаҳарнинг катта бозори бор экан. Ананси бозордан майда-чуйда олмоқчи бўлибди. Бироқ шу ерда киссабур Твала пайдо бўлиб:

— Бу менинг қопим, ичидаги нарсалар ҳам меники,— деб Анансининг қопига ёпишибди. Ананси:

— Ҳой, яхшилар, менга ёрдам беринглар, мени бу ярамас одамдан қутқазинглар!— деб бақира бошлабди.

Бироқ атрофдаги одамлар:

— Яхшиси, қозининг олдига боринглар,— дейишибди.

Ҳар иккаласини қозига олиб боришибди.

— Нега сўкишяпсизлар, нега муштлашяпсизлар?— деб сўрабди қози.

— Барака топинг, бизнинг ишимизни бир

ёқлик қилиб беринг,— деб жавоб қилибди Ананси.

— Хўш, ким кимнинг устидан шикоят қил-
япти?— деб сўрабди қози.

Шунда Твала олдинга чиқиб:

— Қози, бу оқ қоп ва унинг ичидаги ҳам-
ма нарса меники. Мен уни йўқотган эдим,
ҳозир бу ярамас Кваку Ананси ва унинг ўғли
Нтикума қўлларида кўриб қолиб тортиб
олдим.

— Твала, сен бу қопни қачон йўқотган
эдинг?— деб сўрабди қози.

— Кунни кеча,— кўзларини чақчайтириб
жавоб берибди Твала,— шу йўқотган нарсамни
ўйлаб, кечаси ухламай чиқдим.

Шунда қози Твалага, агар шу қоп сеники
бўлса, ичидаги бор нарсани билишинг шарт,
қани айт-чи,— дебди.

Твала гап бошлаб:

— Қоп ичида бир неча сув тўлдирилган ши-
шалар, мушук, иккита стул, иккита бузоқчаси
билан сигир, эркак ва урғочи арслон, яна ошхо-
на ва Такоради шаҳри, темир йўл, Аккра аэро-
порти ва Мадагаскар ороли, сиз жаноб турган
уй ва бу янгиликларни эшиттириш учун радио-
станция, Вольта дарёси, Олтин Қирғоқ ва Да-
гомей орасидаги ер, тўртта қиз, тўртта гадой,
иккита пароход ва шу халта меникилигига гу-
воҳлик бериш учун Бамангватодан келган кўп-
гина ҳамшаҳарларим бор,— дебди.

Тваланинг сўзларини обдан эшитган қози
Анансига ўгирилиб:

— Сен нима дейсан, Ананси?— дебди.

Тваланинг ёлғон-яшиқ сўзларидан ғазаб-
ланган Ананси олдинга чиқиб дебди:

— Қози, қудратли эгам, сенга донишмандлик ато қилсин. Менинг кичкина кўк қопимда Миссисипи дарёси ва шаҳри, ёмғир булутлари ва Вавилонда яшнаб турган боғлар, Сулаймон подшонинг мулки ва Лондон шаҳри, икки бўлак осмон ва ой, борди-ю, халтани менга ҳукм қилиб бермасанг, сени ўлдиришлари керак бўлган мингта жаллод бор.

Анансининг сўзларини обдан тинглаган қози, ўрнидан туриб қарор чиқарибди:

— Шу вақтгача ҳеч қачон одамнинг тили гапириб, қулоғи эшитмаган ажойиб нарсалар,— дебди қози.—Таг-туғи йўқ дарёмидики ичида шунча нарса бўлсин. Қани, очинглар уни!

Қопни очишса, ичида кичкинагина қуритилган балиқ бор экан.

Ананси билан унинг ўғли Нтикума қопларини қайтариб олгач, келган йўлларига равона бўлишибди. Тезроқ уйга етиб олиш учун тинмай юришибди.

Твалани бўлса тутиб жазолашибди.



АВТОРЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Жойс Аддо. 1932 йилда Секондида муниципалитет хизматчиси оиласида туғилган. 16 ёшдан ёза бошлаган. Жойс Аддо 1951 йили давлат статистика бошқармасига ишга киради, 1955 йилдан бошлаб радиостанцияда диктор бўлиб ишлайди. Бу ерда у адабиёт билан жиддий шуғулланишга муваффақ бўлади. 1955 йил ноябрь ойида унинг биринчи поэмаси радио орқали эшиттирилади. «Қайнана» радиопьесаси ҳам Жойс Аддоникидир.

Эфуа Теодора Сатерлэнд. 1924 йили Кэйп-Кетда туғилган. Сант-Моника коллежида илм олиб, шундан сўнг бир неча йил шу ернинг ўзида ўқитувчилик қилган. Ўқишини давом эттириш учун Эфуа Теодора Сатерлэнд, Англиянинг Кембриж шаҳридаги Хомертон коллежига боради. Лондондаги Шарқни ўрганиш мактабида бир неча вақт ишлайди. Эфуа Теодора Сатерлэнд Ганага қайтиб келгач, Фиджандаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди, ўзининг биринчи поэмасини «Африкан Афферс» журналича бостиради. Э. Т. Сатерлэнднинг бир неча ҳикоя ва пьесалари

радио орқали эшиттирилган. 1958 йилда у Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент Конференциясида иштирок қилган.

Либрехт Хесс. 1933 йилда Христианбергда туғилган ва шу ерда ўрта маълумот олган. 1954 йилда АҚШ га бориб, у ерда Америка газетаси «Нью-Йорк Геральд Трибюн»дан степендия олиб ўқишни давом эттиради.

Франк Қофи Ньяку. 1924 йили Хода черков қошидаги инжил тили мактаби ўқитувчиси оиласида туғилган. 1943 йилда Ачимота мактабини битириб, ўқитувчилик қилган. Ф. К. Ньяку 1945 йилда Ходаги бир йиллик диний семинария курсини тамомлайди. 1949 йили музика ўқитувчилари курсини битиргач, 1952 йилдан халқ маорифи идорасида ишлай бошлайди. У ив тилида учта ўқиш китоб ва ҳамда «Гана радиоси» учун ёзилган бир неча ашулаларнинг авторидир.

Израэл Кафу Хох. 1912 йилда инжилчи оиласида туғилган. У Акропонгда ўқитувчилар коллежини ва Хода унинг семинариясини битирган. 1933 йилдан бошлаб ўқитувчилик қила бошлайди. 1953 йили И. К. Хох халқ маориф соҳасига идора ишларига ўтади. И. К. Хохнинг биринчи поэмаси 1929 йилда босилиб чиққан. У шеърлар ва сахна асарлари ёзади.

Эндрю Аманква Опоку. 1912 йилда Ашанти вилоятидаги Бешента шаҳрида туғилган. У ўрта мактабни Акропонгда битириб, мамлакатнинг турли шаҳарла-

ридаги ўрта мактабларда ўқитувчилик қилди. 1945 йилда ўқитувчилар коллежининг махсус бир йиллик курсини битириб, бир неча вақтлар Ғарбий вилоятда дарахт кесиш ишида ишлади. 1951 йилда у ерли халқ тилида адабиётни ривожлантириш бюросига ишга ўтади ва тви тилида редактор бўлиб ишлайди. Э. А. Опоку бюрода ишлаб турган вақтида тўртта китобини чиқаради. 1956 йили у «Гана радиоси»га ишга ўтади. Э. А. Опоку ҳайкалтарош ҳамдир.

М. Камерон Дуоду. 1937 йили Асиаквада туғилган. Бошланғич маълумотни инжил мактабида олади, сўнгра Кибидаги давлат ўрта мактабига киради, амакиси ўлганидан сўнг 1953 йили мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Икки йил ўқитувчилик қилиб, сиртдан ўқишни давом эттиради. М. К. Дуоду 1956 йилда сиртдан ўрта мактабни битириб, «Нью Нейши» журнаliga ишга киради, шу журналда бир неча ҳикояси босилиб чиқади. 1957 йили у «Гана радиоси»га ишга ўтади. М. К. Дуодуни дин ва халқаро муносабатлар масаласи қизиқтиради. 1958 йили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Конференциясида қатнашади.

Г. Р. Хэгэн. 1927 йил Кейп-Костеда туғилган. Маълумотни методистлар мактабида олади. Бир неча вақт Аккрада ўқитувчи бўлиб ишлайди, сўнгра давлат идораларида ишлайди. 1953 йилдан 1955 йилгача университет қошидаги коллежда ўқийди. Инглиз тилидаги бир неча ҳикоялардан ташқари, фанти тилида «Ёмон хулқнинг ўсиши» ва «Пулга ўчлик ва унинг оқибати» номли пьесаларини ёзади.

Г. М. К. Менсах. 1935 йили Кенте районидаги Агбозум-Амукое қишлоғида дурадгор оиласида туғилган. Такорадаги давлат ўрта техника мактабида илм олади. Фермер, балиқ овловчи, тўқувчи бўлиб ишлайди, сўнгра «Гана радиоси»да шогирд бўлиб ишлайди.

Питер Квами Буахин. 1931 йилда туғилган. Католик мактабда ва Элминадаги Сан-Тереза семинариясида ўқиб илм олади. Семинарияни битиргандан сўнг ўша ерда ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1955 йилдан бошлаб Секонди, сўнгра Аккрадаги ўрта мактабларда ўқитувчилик қилади: П. К. Буахин ёшлар ҳаракатида актив иштирок этади. Унинг адабий асарн «Нью Нейшн» ва «Гана радиоси» журналларида босилади.

О. Х. Квези Брю. 1928 йили Кэйп-Костда туғилган. Ёшлигида етим қолган Кэйп-Кост, Кумаси. Тамали ва Аккрадаги мактабларда ўқиб илм олади. Кейинроқ университет коллежида ўқийди, шу ердаги драма тўғарагида иштирок қилади. Шу вақтда шеърлар ёза бошлайди. Коллежни битиргандан сўнг О. Х. Квези Брю маъмурий аппаратларда ҳар хил вазифаларда ишлаб, Гана мустақилликка эришгандан сўнг ташқи ишлар министрлигига ишга ўтади.

Ж. К. О. Линдзи. 1933 йил Кэйп-Костда туғилган. Кумасидаги технология коллежини битиради, сўнгра Лондонда ўқийди. Ж. К. О. Линдзи Аккрада чиқадиган «Дейли Грэфик» ва «Санди Миррор» ва Лондон ҳафталиги — «Уест Африка» газетасида хизмат қилади.

Ж. В. Менсах. 1935 йилда Эминада туғилган. Тарк-ва ва Элминадаги католик мактабларда ўқиган. Кейин Кэйп-Костда чиқадиган «Стандарт» католик газетасида хизмат қилади. Ж. В. Менсах 1956 йилдаги конкурсда ҳикоялари муваффақиятли чиққани учун диплом олади.

Боссман Дарвей. 1910 йили Аккрада туғилган. 1930 йилдан бошлаб маъмурий аппаратларда ишлайди. Бир неча ҳикоялар ва танқидий мақолалар ёзган. Шеърлари ҳам бор.

Жозеф Гарти. 1911 йили Кэйп-Костда туғилган. 1929 йилдан бошлаб маъмурий аппаратларда ишлай бошлайди. 1937 йилда Кумасида радио эшиттириш редакциясини ташкил қилиниши билан уни маҳаллий ахборотлар радио бюллетени редакторлигига тайинлашади. Ж. Гарти мактабдаёқ театрға қизиқади, у фанти тилида бир неча пьеса ёзиб сахналаштиради. Унинг икки пьесаси сахнага қўйиш ва радиода эшиттириш учун инглиз ва га тилига таржима қилинади. 1947 йилда уни донмий ишлаш учун радио эшиттириш бошқармасига ўтказишади. 1949—1950 йиллардан бошлаб у Англиядаги Шарқ тилини ва унинг таржимасини ўрганиш мактабида, сўнгра Англия радио эшиттириш корпорацияси мактабида ишлайди. 1954 йилда уни маҳаллий тилларда адабиётни ривожлантириш редакция кенгашининг бюро аъзолигига тайинлашади. У поэма ва пьесалар ёзади. —

МУНДАРИЖА

Сўз боши. А. Мираҳмедов таржимаси	3
ЖОИС АДДО.	
Батанпарварлик. Шеър. З. Обидов таржимаси.	9
ЭФУА ТЕОДОРА САТЕРЛЭНД.	
Къеревасда янги ҳаёт. Ҳикоя. Э. Сиддиқов таржимаси	11
ЛИБРЕХТ ХЕСС	
Тинчлик. Шеър. З. Обидов таржимаси	20
РИЧАРД БЕНТИЛ.	
Ама сеп йнғади. Ҳикоя. Э. Сиддиқов таржимаси	21
Ф. К. НЬЯКУ.	
Бошқа яшиқ. Ҳикоя. А. Мираҳмедов таржимаси	25
Бирликда туманхиллик. Шеър. З. Обидов таржимаси.	33
И. К. ХОХ.	
Қасам. Шеър. З. Обидов таржимаси	36
Бургут. Шеър. З. Обидов таржимаси	37
Бола. Шеър. З. Обидов таржимаси	38
Мен биламан. Шеър. З. Обидов таржимаси	40
Сузиб ўтинг жадалроқ. Шеър. З. Обидов таржимаси	41
Истак. Шеър. З. Обидов таржимаси	42
Куйлаб бер менга. Шеър. З. Обидов таржимаси	43
ЭНДРЮ А. ОПОКУ.	
Пра дарёсининг нариги қирғоғида. Ҳикоя.	
А. Мираҳмедов таржимаси	44
ЖОЗЕФ ГАРТИ.	
Харматтан. Шеър. З. Обидов таржимаси	67

БОССМАН ЛАРЪЕИ.

Коменда тепалиги. Шеър. З. Обидов таржимаси	69
ЖОИС АДДО.	
Видолашув. Шеър. З. Обидов таржимаси	71
КАМЕРОН ДУОДУ.	
Динкуяма. Ҳикоя. Ҳ. Эргашев таржимаси	73
Такорадилик безори сайр қилади. Ҳикоя. А. Абдуқодиров таржимаси	94
Г. Р. ХЭГЭН.	
Жексоннинг режаси. Ҳикоя. Абдуқодиров таржимаси	102
Г. М. К. МЕНСАХ.	
Пушаймон. Ҳикоя. Абдуқодиров таржимаси	110
ПИТЕР К. БУАХИН.	
Ҳаёт ўзи сўзлайди. Ҳикоя. А. Абдуқодиров таржимаси	116
КВЕЗИ БРЮ.	
Севгининг интиҳоси. Шеър. З. Обидов таржимаси	125
Ж. Х. САКЕЙ.	
Савдогар. Шеър. З. Обидов таржимаси	128
Ж. К. О. ЛИНДЗИ.	
Анансининг жазоланиши. Эртақ. А. Абдуқодиров таржимаси	131
Ж. В. МЕНСАХ.	
Охия ва кийик. Эртақ. З. Яшаев таржимаси	135
Т. К. АНИНФЕН.	
Ананаси ва киссабур Твала. Эртақ. З. Яшаев таржимаси	142
Авторлар ҳақида қисқача маълумотлар. З. Яшаев таржимаси	145

На узбекском языке

Сборник
ГОЛОСА ГАНЫ

Гослитиздат УЗССР — 1962 — Ташкент

Редактор *А. Мираҳмедов*
Рассом *П. Лоронкин*
Расмлар редактори *Г. Остапенко*
Техн. редактор *В. Шуклинова*
Корректор *И. Қобилов*

* * *

Босмахонага берилди 3/1—1962 йил. Босишга рухсат
этилди 15/11—1962 йил. Формати 70×90¹/₃₂. Босма л.
4,75. Шартли босма л. 5,71. Нашр. л. 5,56. Индекс
ш/а. Тиражи 15000. ЎзССР Давлат бадий адабиёт
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 133—61.

* * *

Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикаси тайёрла-
ган матрицадан, Ўзбекистон Маданият министрлиги
Ўзглавиздатининг 1-босмахонасида босилди. Тошкент,
Ҳамза кўчаси, 21. 1962. Заказ № 496. Баҳоси 58 т.